ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Искандаров Э.А., Нурматова М.Х.

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Курсидан амалий машғулотлар ишланмалари

(Ўқув- методик қўлланма)

Самарқанд - 2008

Искандаров Э.А., Нурматова М.Х. "Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик" курсидан амалий машғулотлар ишланмалари. Ўқув услубий қўлланма, Самарқанд давлат чет тиллар институти нашри. 2008 - 84 б.

Ушбу ўқув-методик қўлланмада ҳозирги замон очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизликнинг таъминланиши, шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун тахдид манбалари ва турлари тавсифи батафсил ёритилган. ОАВлари ва ахборот кураши, ахборот соҳасида хавфсизлик, психологик ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш усуллари ҳақида маълумот берилган.

Қўлланма бакалавр босқичи талабалари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: *п.ф.н. С.Н.Абдувоҳидов*

Тақризчилар: *п.ф.д. М. М. Махмудова*
п.ф.н. А.Абдуманнопов

© Самарқанд давлат чет тиллар институти, 2008

Кириш

XXI асрда инсоният ахборот оқими тобора тезлашган, Ер шари аҳолиси кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи. Халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муносабатларини тобора якинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат киладиган мўжизакор ҳодиса. Интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётган ҳозирги даврда, улардан мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Интернет оркали жуда кўп ижобий маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, талаба ёшларнинг хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар ҳам узатилаётгани, табиийки, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз ғоявий тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай деган: "Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўкотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт карор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараккиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди" [1]

Ҳамма гап, мазкур муҳим ресурсдан ким ва қандай максадларда фойдаланишида. Бошқача айтганда, тармоқдан иллат кидириш билан овора бўлмасдан, унинг имкониятларидан юртимиз шон-шухратини дунё микёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш максадга мувофик. Чунки, Интернет виртуал, аммо, объектив ходисадир. Унинг хаётимизга кириб келишини назорат килиб бўлмайди. Талаба ёшларимизни Интернет тизимидан узокрок тутишга интилиш эмас, балки, ундан оқилона фойдаланишга ўргатиш, ахборот истеъмоли маданиятини юксалтиришга ҳаракат килишимиз тўғри бўлади. Зеро, кишиларда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни "...баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз карашлари, кадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Лекин, аксарият ҳолларда бундай пайтда, айниқса, бахоланилаётган ходиса ўзга маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимизга сингдирган кадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун бўй-басти билан ўзлигини намоён килади... маданиятнинг баҳолаш функцияси туфайли танланиш содир бўлади, маданиятдаги баркарорлик, ҳар бир даврдаги айнийлик, ўзига хослик, айни пайтда, давомийлик, ворислик таъминланади" [2]

Шунинг учун, ҳозирги даврда аҳолимиз, айниқса ёшларимизнинг ахборот узатишнинг замонавий техникаси ва технологиясини мукаммал даражада ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, мамлакатимизда

---

[1] Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: "Ўзбекистон", 2000. 23-24 б.

Интернетдан фойдаланиш тизимини янада ривожлантириш билан бирга, мазкур тармоққа миллий манфаатларимиз акс этган ахборотларни турли шакл ва тилларда киритиб бориш зарур. Зеро, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳалари тўғрисида ахборот берувчи объектив, жозибадор маълумотларнинг Интернет саҳифаларидан кенг ўрин эгаллаши, Ўзбекистоннинг глобал ахборот маконидаги ўрнининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун талаба ёшлар ижтимоий онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий-психологик баркарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар, жумладан педагоглар эга бўлиши лозим.

Бугунги кунда талаба ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчилиги ҳамда бўш вакт ресурсига эгалиги туфайли очик ахборот тизимида, жумладан интернетда юкори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Шунинг учун ҳам, талаба ёшларда ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш имкониятини ошириш, ўз ўзини ахоротларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашнинг психологик кўникма ва малакаларини шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талкин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, жамият, халк ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги салбий ахборотлар таъсирига тушиб колмайди. Албатта, бу долзарб, лекин мураккаб муаммо бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда илмий тадкикотлар ва амалий ишларни олиб боришни такозо этади.

Бундай долзарб вазифаларни бажариш биринчидан, ахборот истеъмолчиларида юксак шахсий маданиятни шакллантириш, иккинчидан, ОАВ ва бошка манбалардан келаётган маълумотни магзини чақиб, унинг муаллифларининг максадларини англаб олиш, бошка маълумотлар билан солиштириб кўриш кўникмаларини ривожлантириш, учинчидан, касбий ўсиш ва *шахсий дунёкарашни ривожлантирадиган маълумотларни олиб, кераксиз ёки* салбий ахборотлардан ўзини психологик ҳимоялаш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш зарур. Шахснинг, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуклик, шахслар мавкеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлик бўлган, соглом акл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари мажмуасини, яъни мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида бир катор ижтимоий психологик билимларни эътиборга олишлари зарур. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини инобатга олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган.

Алохида бир одамнинг руҳияти жамоа руҳиятига тенг эмас, албатта. Энг кизиғи шундаки, жамоа руҳиятида онгсизлик даражаси баландрок. Оммавий таассуротда ОАВ томонидан айтилган гапларга бирдан ишониш, вахимага

тушиш, салбий информацияга кўпроқ берилиш кайфиятлари анча кучли бўлади

Демак, талаба ёшлар ўзларининг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлашлари учун олинган ахборотни бошка манбалар билан солиштириб кўриш, ахборотдаги маълумотларни мантикан тахлил килиб чикиш, мухим фактларни асл манбалар ёрдамида текшириш, ахборот ким томонидан ва кандай максадда берилганини тахлил килиб чикиш, ахборот кимнинг фойдасига ишлашини ўрганиб чикиш, мухим маълумотларнинг архивини олиб бориш кўникма ва малакаларига эга бўлишлари лозим.

Очик ахборот тизими шароитида талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш таълим тарбия узвийлигини таъминлашни, педагогларда таълим тарбия жараёнига янгича ёндашувнинг юзага келишини такозо этади. Таълим ва тарбия жараёнида хар бир педагог ёшларнинг мустакил фикрлашлари учун шароит яратиши лозим, акс холда унинг онги тайёр колипли фикрларга, стереотипларга шу кадар ўрганадики, улар охир-окибат хар кандай бидъат ёки ёт ғояларга эргашиб кетаверадиган бўлиб колади. Замонавий таълим тарбия тадбирларини ташкил этишнинг ноанъанавий усулларига кенг йўл очиш, дарсларда янги инновацион педагогик технологияларни кенг қўллаш, ўқувчилар билан интерактив мулоқотни ташкил этиш, уларнинг фикрлаш доирасининг кенглилигига эришиш, кизикиши ва мустакил фикрлашига ёрдам беради.

Ўқув курсининг мақсади - талабаларда очиқ ахборот тизимида ахборот оқимини кабул килишда самарали психологик ҳимоялаши (ўз-ўзини ҳимоялаши) учун маҳорат ва билимни (назарий, услубий) шакллантиришдир. Олий ўқув юртларининг гуманитар факультетларида (психология, социология, фалсафа, журналистика, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, тарих, филология) мазкур курсни чуқур ўрганиш келажакда шахсни, олган билимларидан фойдаланиб, жамиятни ва давлатни маълум соҳа йўналишида ахборот-психологик ҳимоялашга, шунингдек, ушбу соҳадаги билимларни юкори даражада илмий-услубий тадқиқ килишга кодир мутахассислар тайёрлашга йўналтирилади.

Ўқув курси қуйидаги асосий йўналишларга оид муаммолар оркали кораб чикилади:

- замонавий ахборот жамияти, унинг асосий жихатлари, ахборот сохасида, очик ахборот тизимида глобаллашув жараёни;
- ахборот-психологик хавфсизлик тизимини, шахс, жамият ва давлатни ахборот сохасида тахдиддан психологик ҳимоялаш (ўз-ўзини ҳимоялаш), бу борада уларнинг манфаатларини ҳимоялаш моҳиятига оид асосий тушунча ва атамалар;
- XXI асрдаги ахборот-психологик хавфсизликка тахдид солувчи манбалар;
- очик оммавий ахборотлар, коммуникацион тизимлар шароитида шахс, жамият ва давлатни ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашда максадли вазифа ва асосий йўналишлар;
- оммавий ахборот соҳасида ахборот хуружининг кучайишида шахс, жамият ва давлатни ахборот-психологик хавфсизлиги тахдидига аксилҳаракатларнинг шакл ва усуллари;

аҳолининг фуқаролик мақомини мустаҳкамлаш, асосийси, миллий истиқлол ғоясини ташки ғайри мақсадларга ва негатив ахборот-психологик таъсирга карши иммунитетни шакллантирувчи асос сифатида ёшларга, жамоатчилик онгига сингдириш.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик" курси билан алоқадор фанларга қуйидагилар киради: "Ахборот жамияти назарияси ва амалиёти", "Ахборот маконининг глобаллашуви", "Интернет журналистика", "Психология асослари", "Фалсафа асослари", "Социология асослари", "Тармоқли социология", "Сиёсатшунослик асослари", "Давлат ва ҳуқуқ асослари".

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

"Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик" курсини ўкитишда янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш назарда тутилади. Хусусан, маърузаларнинг муаммоли шакллари, аудитория билан диалог шаклларидан, ақлий хужум, давра суҳбатлари, гуруҳларда баҳс-мунозара, тренинг, кичик гуруҳларда ишни ташкил этиш, ролли ўйинлар каби интерфаол ўрганиш методларидан фойдаланиш кўзда тутилади. «Чархпалак», «Лойиҳа», «Бумеранг», «Кластер», «Резюме», «ФСМУ» ва бошка янги педагогик технологиялар кўлланилиши мўлжалланмокда. Талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини синаб кўриш ва мустақил тафаккурини шакллантириш максадида тестлар ўтказилади. Дидактик ва техник воситалар, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг назорат тизимини кўллаш.

1.4. Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалари

"Очик ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси олий ўқув юртларининг гуманитар факультетларида баклавриатнинг тўртинчи семестрида (иккинчи курс) ўрганилади. Ўкув курси учун ҳаммаси бўлиб 36 соат ажратилади, шундан 20 соат маъруза ва 16 соат амалий машғулотлар учундир. Ўкув фани миқёсида талабалар реферат, назорат ишлари назарда тутилади. Уларнинг ўкув фанини ўзлаштиришини текшириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.5. Умумий ва ўқув ишларнинг турлари бўйича ҳажми

Фан учун жами - 36 соат ажратилган, шулардан: маъруза машғулоти учун –20 соат, амалий машғулот учун - 16 соат.

"Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси бўйича ўқув машғулотларининг семестрлар бўйича тақсимоти

Машғулот тури	***4 семестр***	***Жами***
Маъруза	20	20
Амалий машғулот	16	16
Жами	36	36

Ўқув методик қўлланмани тайёрлашдан максад, биринчидан, адабиётлар етишмаслигининг маълум даражада олдини олиш бўлса, иккинчидан, энг муҳими, "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси бўйича назарий ва амалий билимларни талабаларга янги илғор педагогик технологиялар асосида, осон, тушунарли, мисолларга бой қилиб етказишдир.

Ўқув методик қўлланмани тайёрлашда В.Каримова, Ф.Акрамованинг «Психология»дан маърузалар матни, В.Каримованинг "Ижтимоий психология" дарслиги, ҳамда бу соҳада етакчи мутахассислар Мўминов Ф.А., ф.ф.д., профессор (ЎзДЖТУ), Ирназаров Қ.Т. т.ф.д., доцент (ЎзМУ), Хусанов М.М., т.ф.н., доцент (ЎзМУ) ва бошка олимларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармасининг «Масофали ўқитиш» марказида бизга ўқилган маъруза матнларидан фойдаланилди. Шунингдек, айрим масалаларни ёритишда психолог олимларнинг энг янги тадқиқотларидан, вақтли матбуот материалларидан ҳам фойдаланилди. Ушбу қўлланманинг ўзига хослиги "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор каратишга, ҳамда амалий машғулотларни фаол ўрганиш усуллари, янги педагогик технологиялар асосида ташкил этишга имконият яратишга ҳаракат килинди. Ҳар бир мавзу учун режа, унинг кисқача мазмуни, амалий машғулотларнинг янги педагогик технологиялар асосидаги ишланмалари ва ҳар бир мавзуда ўрганиладиган саволлар бўйича тарқатма материаллар берилган.

1–мавзу: "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси предмети ва вазифаси, таянч тушунчалари. Ахборот ва жамият ривожланиши.

Режа:

1. Ахборот-психологик хавфсизлик ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Аклий ҳужум) - 10 дақиқа.
2. "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозараси. (3х4 педагогик технология асосида) -25 дақиқа.
3. "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси предмети ва вазифаси, таянч тушунчалари. Ахборот ва жамият ривожланиши. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 40 дақиқа.
4. Дарсга якун ясаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Ахборот-психологик хавфсизлик ибораларини эшитганингизда фикрингизга кандай сўзлар, иборалар келади? деган савол билан талабаларга мурожаат этилади. Бунда биз интерфаол усуллардан бири аклий хужум усулини кўллаймиз. Аклий хужум - гояларни генерация (ишлаб чиқиш) килиш методидир. «Аклий хужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар оркали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Аклий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. "Аклий ҳужум" иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар кандай мулохаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини кайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва хужум давомида улар танкид килинмайди, кайталан ифодаланмайди. Аклий хужум тугагач, мухимлик жихатига кўра энг яхши таклифлар умумлаштирилиши, синфлаштирилиши,тизимлаштирилиши ва муаммони ечиш учун зарурлари танланиши мумкин.

2. "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3х4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гурух 4 та кичик гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурух учун бир варак коғоз олиниб, унга "Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳакида 3 тадан гурух фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган коғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гурухларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гурух эса яна бу ҳакда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гурухга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир коғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гурухлар бу фикрларни таҳлил этиб, гурухнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. "Очик ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курси предмети ва вазифаси, таянч тушунчалари. Ахборот ва жамият ривожланиши каби саволларни мухокама этиш учун кичик гурухларда ишлаш методидан фойдаланиш максадга мувофик. Кичик гурухларда ишлаш учун гурух 5 та кичик гурухга бўлинада ва уларга куйидаги таркатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича такдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гурух учун таркатма материал.

"Очиқ ахборот тизимида ахборот—психологик хавфсизлик" курси предмети ва вазифаси

XXI ахборот асри. Кишилар ўртасида хабар етказишни таъминлашга кобил хисоблаш техникаси, ахборий алока тизими, интернет тизими, шунингдек, бошка ахборот технологиялари инсон ва жамият хаёти ва фаолиятида ахборотнинг ахамиятини кескин ошириб юборди. Ҳозирги кунда ижтимоий-техникавий ривожланиш билан ижтимоий-сиёсий ривожланиш ўртасида мутаносиблик мавжуд бўлган жамиятгина ҳар томонлама уйғун ривожланиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий сиёсий ва бошка ахборотга бўлган талаб хамда эхтиёжини тўликрок қондиришга интилади. Юкорида айтиб ўтилганидек, бугунга келиб илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ривожланишнинг микёси мазкур соҳаларда тўпланган ва алмашинаётган ахборотлар, уларнинг алмашиниш суръати ва ўзлаштирилиш тезлиги билан белгиланади.

Ахборот оқимининг жадаллашуви ҳақида баъзи маълумотлар:

Вақт ва нарх нуқтаи назаридан:

- *50 йил олдин 30 бетли матнни 5 минг кмга юбориш учун ўн кун ва 30 доллар керак бўлган;*
- *20 йил олдин бундай харакат (факс ёрдамида) бир соат ва 50 долларни талаб қилар эди;*
- *Бугунги кунда бунга 3 сония ва 3 цент керак;*

Тезлик ва хажм нуқтаи назаридан:

- *Охирги 50 йилда ахборот тезлиги ва ҳажми 1 млн марта кўпайди*
- *70- йилларда инсон билими ҳар 10 йилда икки баробар ошар эди*
- *80- йилларда инсон билими ҳар 5 йилда икки баробар ошар эди*
- *90- йилларнинг охирида эса инсон билими хар 1 йилда икки баробар ошар эди*
- *Бугунги кунга келиб, қадимда одам бутун умри давомида оладиган ижтимоий маълумотларни 1 кунда олмоқда*

Глобаллашаётган дунёда ахборот халкларарo ва давлатларарo муносабатларда катта ахамият касб этади. Яъни у жахон хамжамияти хаётида хам ижобий, хам салбий куч сифатида намоён бўлиши мумкин. Шу маънода техникавий-технологик сохада катта имкониятга эга бўлган мамлакатлар кулай шароитга эга бўладилар. Мана шу устунлик туфайли улар ўз шахсий

манфаатларига мос келувчи қадриятларни, нуқтаи-назарларни, ғояларни, фикрларни илгари суришлари мумкин ва сурмоқдалар ҳам. Шунга кўра, кўпгина давлатларда глобаллашувга карши харакатлар юзага келмоқда, булар ягона жахон уйғунлашган ахборот майдонини тузишни рад этмоқдалар. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, глобаллашувга қарши ҳаракатнинг ўзи тобора глобал ҳаракат тусини олмоқда. Замонамизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, ҳар қандай маҳаллий ҳодиса ёки вокеа замонавий ахборот технологиялари туфайли глобал ҳодиса ёки волкеага айланмоқда. Масалан, 2000 йил 11 сентябрда Нью Йоркда юз берган вокеа, Ливан тупроғидаги ҳарбий ҳаракатлар, Франциядаги ёшларнинг чиқишлари, у ёки бу мамлакатдаги сайловлар, авиа ҳалокат, табиий офат, террорчилик ҳаракати ва бошка шунга ўхшаш вокеа ва ходисалар бунинг ёркин далили бўлади.

Жаҳон миқёсида кезиб юрувчи бундай ахборотлар муайян давлат манфаатларига таъсир этмай колмайди. Бу факат шу ахборот таркаладиган алохида олинган бир мамлакатдаги ижтимоий, сиёсий ва жараёнлардан дарак бериши билангина эмас, балки бошка мамлакатларнинг мазкур хабарлар ҳакида ҳеч нарса айтилмаган аудиторияси буларни ўз давлатидаги ҳолатга киёслаши билан ҳам мазкур мамлакат манфаатларига ҳам таъсир этади. Шу сабабли давлатлар, хукуматлар ўртасида айрим келишмовчиликлар вакти-вакти билан юзага чикиб туриши мумкин. Бунда ким хак ёки ким нохак эканлигини аниклаш ҳар доим ҳам осон бўлавермайди.

Булар барчаси ахборот жараёнларининг глобаллашуви билан боғлик муаммолар долзарблигини яна бир карра таъкидлайди. Аммо мазкур муаммолар туфайли ахборот ишлаб-чиқариш ва таркатиш имкониятлари тенгсизлиги пайдо бўлади. Бу объектив вазиятни шундай деб кабул килмок керак. Мамлакатлар бу борадаги ўз устунликларини шахсий манфаатларида фойдаланишлари бошка гап. Мана шундай вактда муносабатларда кескинлик юзага келади, у кўп ҳолларда ахборий курашга ёки бошкача қилиб айтганда психологик урушга айланиб кетади.

Очик ахборот тизимларида ахборий-психологик хавфсизликни таъминлаш хозирги куннинг долзарб талабидир. Ҳар бир давлат бунинг устида бош котирмоқда. Бу жаҳондаги янги геосиёсий таксимот, янги минтакавий низоларнинг юзага келиши, миллатчилик, шовинизм, дин никобидаги экстремизм, экологик ҳалокатнинг таҳдиди кучайиши, спид, парранда грипи ва бошка юкумли касалликларнинг таркалиши билан боғликдир.

Ўз вактида Хиндистоннинг таникли сиёсий арбоби Маатма Ганди шундай ёзган экан: *"Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни агдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман"*. Бу сўзларни бугунги информацион хуружлар ва турли хил маълумотларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга, умуман, бошка мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтакада асрлар мобайнида шаклланган кадриятлар, урф-одатлар, эътикод шаклларига ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида кўллаш ҳам мумкин. Зеро, дунёга юз очган, ёшлари дунё тилларини бемалол эгаллаб, "интернетомания" касалига чалиниш

арафасида турган Ўзбекистонга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини-ўзи психологик жиҳатдан салбий таассуротлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси учун ҳам мазкур муаммолар муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бунинг долзарблиги давлатимиз учун миллий мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисод ва бозор муносабатларининг тадрижий ривожланишини таъминлаш, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришда яққол кўринади. Бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, миллий анъаналарни ҳаётга қайтариш, муросасозликни тарбиялаш ҳам катта аҳамият касб этади. Маълумки, мустақил дунёқарашга эга маълумотли кишиларгина турли хил талкиндаги тазйиқларга руҳан барқарор қаршилиқ кўрсата оладилар. Бу биринчидан. Иккинчидан, мана шундай кишиларгина тегишли мухитни яратувчилари ва миллий ғояларнинг дарғалари ҳисобланади.

Курснинг предмети бўлиб, аудиторияда очиқ ахборот тизимларида айланувчи ахборотларни баҳолашга психологик иммунитет ва онгли равишда оқилона ёндашишни тарбиялаш мақсадида очиқ ахборот тизимларидаги долзарб ахборий психологик хавфсизлик муаммоларини идрок этиш ҳисобланади. Мазкур муаммонинг муҳимлигини яна юқори технологик коммуникация воситалари амал қилаётган шароитларда айрим кишилар, жамият давлат, жаҳон ҳамжамияти хулқ-атвори ва ҳаракатини ҳатто биргина ахборот канали ёрдамида бошқаришни амалга оширишнинг улкан имконияти пайдо бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тўфон, астероидлар яқинлашиб келаётгани ҳақидаги биргина хабарни ёдга олайлик, булар сайёрамизга қандай зарар етказиши, ҳатто ундаги ҳаётни барбод қилишлари мумкин. Лекин бундай ҳодисалар тез-тез юз бериб турмайди. Булардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин эмас. Бир ёки бир гуруҳ мамлакатларнинг миллий манфаатлари ҳақида сўз борса, бу бошқа гап. Бундай ҳолатда манфаатдор мамлакат зарур натижага эга бўлиш учун интилиб, ҳам мамлакат ичкарисида ҳам халқаро майдонда ахборий тадбир ўтказади. Бугунги кунга келиб, иқтисодий, сиёсий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳарбий уступлик ёки кучнинг ўзи етарли эмас. Ракиб томонга ахборий- психологик тазйиқ ўтказиш ҳам зарур бўлади. Ироққа қарши биринчи ҳарбий ҳаракатлар вақтида ҳам, иккинчисида ҳам шундай бўлган эди. Совет Иттифоқи парчаланганда сўнг айрим давлатлардаги (рангли инқилоблар) вақтида ҳам шундай ҳолат кузатилган эди. Афсуски, бу ҳол бизнинг замонамизда халқаро муносабатларнинг кўринишларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун рухий тазйиқ ўтказишни минимум даражага келтириш учун ҳозирда бирор жамиятга таъсир ўтказиш мақсадида фойдаланилаётган шакл, усул ва йўсинларни ўрганиш шундай таъсирга учраши мумкин бўлган айрим давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам ниҳоятда муҳимдир. Аудитория у ёки бу ахборотдан қандай мақсад кўзлангани, кимнинг манфаатига хизмат қилишини аниқ белгилашни ўрганиши талаб этилади.

2-гуруҳ учун таркатма материал.

"Очиқ ахборот тизимида ахборот-психологик хавфсизлик" курсининг

асосий тушунчалари.

Курс мавзуларини ўрганишда ахборот, оммавий ахборот, ахборот глобаллашуви, ОАВ (оммавий ахборот воситалари) ва глобаллашув, очиқ ахборот тизимлари, интернет, ахборот экспансияси, хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, ахборот-психологик хавфсизлик, аудитория психологияси, ахборот-психологик хавфсизликнинг кўринишлари ва манбалари ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш жоиз.

Психология, социология, фалсафа, ОАВ назарияларидан олинган бу тушунча ва терминлар фанни чуқуррок тушунишга, унинг асосий мазмунини, усуллари ва йўсинларини, яъни очиқ ахборот тизимларида фойдаланилаётган усулларни идрок этишга, демак, ижобий ғояларни салбий ғоялардан фарқлай олишга кўмаклашади. Маълумки, ҳар кандай далил, ходиса ёки воқеа турлича талқин этилиши мумкин, шунга боғлиқ тарзда аудитория томонидан қабул этилиши ҳам мумкин. Шунинг учун аввал, тушунчавий аппаратни белгилаб олиш, уни шарҳлаш лозим, шундан келиб чиққан ҳолда бирор ходиса ёки воқеани биз қандай идрок этишимиз ва талқинимизни беришимиз даркор.

Ахборот (лотинча «informatio»-тушунтирмок, баён этмок) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинрок ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумот; XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, ҳужайрадан ҳужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлаган.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ходисалар, жараёнлар ва шу кабилар хакидаги маълумот (маълумотлар мажмуи)ни англатади.

Ахборот моддий дунёнинг организмда ёки организмлар жамоасида акс этган хамда улар томонидан атроф –мухит ўзгаришларига мослашиш учун фойдаланиладиган моддий дунё объектларининг аксидир. У маълумотлар, хабарлар шаклида намоён бўлади. Маълумотлар моддий дунё объектлари ташкиллашуви акси натижасида хосил бўлади. Хабарлар эса бошқа организмларга хабар етказиш учун юзага келади. Очиқ ахборот тизимларида «хабар» термини кишилар, ижтимоий гурухлар, умуман жамиятни куршаб турган оламда мўлжал топа билиши учун ижтимоий ахамиятга эга хабар маъносини беради.

Ахборот – психологик таъсир воситаси сифатида. Инсон учун ахборот – энг таъсирчан воситадир, чунки унинг онги бор. Мантиқий исбот, колаверса, ахборот етказишнинг энг оддий усуллари шу кадар катта кучга эгаки, унга хеч ким хеч нарсани карши кўяолмайди. Шунинг учун таргиботи хаддан кучли мамлакатнинг ахолиси фанатикларга ўхшайди, масалан, Гитлер давридаги немис бюргерлари. Инсоннинг табиати шундай яратилганки, у ахборотни кабул килмасдан, уни тушунишга харакат килмасдан яшолмайди. Хар бир одам маълумотни кўради, эшитади, ўқийди ва, энг мухими, доимо, узлуксиз равишда, кечаю-кундуз унга етиб борадиган ахборотнинг таъсирида яшайди. Шунинг учун ахборот ёрдамида кимгадир рухий таъсир килмокчи бўлганларга ўша одамнинг психологияси кўмаклашади.

Ахборотлаштириш-ахборот ресурсларини шакллантириш ва улардан

фойдаланиш ҳисобига фуқаролар, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг ахборот сохасидаги эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш мақсадида оптимал шароитларни яратиш учун ташкил этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник жараёнлар мажмуи.

Информацион жараёнлар-ахборотни киритиш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатиш жараёни.

Ахборот тизими (информацион система)-информацион жараёнларни амалга оширувчи тартибга солинган ҳужжатлар ҳамда ахборот технологиялари мажмуи.

Ахборот ресурслари-муайян (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банки каби) ахборот тизимларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи.

Ахборот маданияти техник-технологик ва ижтимоий-маданий жиҳатларга эга. **Техник-технологик жиҳатлан** ахборот маданияти ахборотни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб беришга хизмат қиладиган техник-ахборот воситалари ва улардан окилона фойдаланиш усуллари ҳақидаги билимлар тизимини англатади.

Ижтимоий-маданий маънода ахборот маданияти инсоннинг муайян маънавий-ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий ва эстетик қадриятларни ўзлаштирган ҳолда ахборот майдонида ҳаётий фаолият кўрсатишини англатади.

"Ахборотдан фойдаланиш маданияти" тушунчаси, тузилиши ва моҳияти. (ЎзМУ тадқиқотчиси У.Қўшаев томонидан илмий муомалага киритилган тушунча) ахборот дунёсидан ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи маълумотларни саралаб олиш борасидаги билимлар, кобилият ва малакани ўзида ифода этади. Ахборотдан фойдаланиш маданияти ҳеч қачон ўзидан ўзи келмайди, бундай маданият бир катор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ахборот истеъмолчилари юксак шахсий маданиятга эга бўлишлари лозим. Иккинчидан, ОАВ ва бошқа манбалардан келаётган маълумотни мағзини чақиб, унинг муаллифларини мақсадларини англаб олиш керак. Учинчидан, касбий ўсиш ва шахсий дунёқарашни ривожлатирадиган маълумотларни олиб, кераксиз ахборотни тез эсдан чиқариш зарур ва ҳ.к.

Жамоатчилик фикри. бу ҳозирги пайт учун долзарб бўлган турмуш муаммоларига кишиларнинг муносабатини ифода этувчи ижтимоий онг шаклидир. Аслида тезкор бўлган онгнинг бу шакли юқори даражада жамият турли институтлари томонидан кўрсатилаётган таъсир остидадир, демак, бу манипулятив таъсирга ҳам чалингандир.

Жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш (чалғитиш) муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Бунда чалғитиш (манипуляция) қилиш тушунчасининг нисбийлиги ҳақида айтиб ўтиш керак, чунки исталган томон жамоатчилик фикрига ҳар қандай таъсирни чалғитиш (манипуляция) дея баҳолаши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятда ягона бўлган ижтимоий фикр эҳтимолдан йироқдир. Демократиянинг тамойилларидан бири мана шудир.

Ахборий карама-қаршилик, бу- аудиторияга атроф дунёдаги бирор ходисага нисбатан муносабатда бўлишга ўз қарашлари, фикрини тиқиштириш

ҳамда қарши томон ғояси ва нуктаи-назарини инкор этиш роли билан таъсир этишга интилишдир.

Ахборий- психологик кураш, бу- бошка мамлакат ёки мамлакатлар гурухида мавжуд ижтимоий тузумни бўшаштириш, жамият ахлокини издан чиқариш, ривожланиш миллий дастурига путур етказиш, шунингдек, ўз кадриятлари ва турмуш-тарзини тўғридан- тўғри экспорт қилиш максадида ахборот хизмати ва кўпорувчилик билан шуғулланувчи хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигидир.

Омма онгига у ёки бу кадриятларнинг психологик жиҳатдан таъсир кўрсатишида ахборий воситалардан фойдаланиш -- ахборот манипуляцияси, ахборотни ишлатиб максадга эришишдир. Кўпчилик бунда ўзи англамаган холда, ҳатто ўзларининг манфаатларига зид бўлса ҳам таъсир қилиш манбаига, объектига айланганларини билмайдилар.

"Ахборот-психологик хавфсизлик" тушунчасининг таркиби ва мазмуни

Ахборот психологик хавфсизликни умумий холда турли даражадаги ижтимоий субъектларнинг (шахс, гуруҳ, жамият ва давлат) ноўрин ижтимоий жараёнларни келтириб чиқарувчи ахборот омиллари таъсиридан ҳимояланганлик ҳолатидир. Бошкача айтганда, бунда жамиятнинг давлат ва ижтимоий институтларининг ҳамда шахснинг тўла ҳуқукли ва эркин фуқаро сифатида оптимал ҳаёт фаолиятини кийинлаштирувчи ёки унга тўсқинлик килувчи ижтимоий жараёнлар ҳакида сўз бораяпти.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ахборот-психологик хавфсизлик -- бу бевосита инсон рухиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, мукаддас идеалларидан, эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон, жамият ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий кадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлик бўлган кадриятларга **маънавий-рухий таъсир, бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан** келиб чиқади.

Иккинчидан, ахборот-психологик хавфсизликка риоя килинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузгунчи ғоялар миллий кадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни **геноцидга** олиб келиши мукаррар.

Учинчидан, тинғиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқукий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига караб жамиятнинг тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши мукаррар.

Тўртинчидан, ижтимоий фикрни шакллантиришда ахборот таъсирини, ахборот технологияларидан фойдаланиш усуллари ва услубларининг тобора

кенгайиб бораётганлигини назарда тутсак, ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси яна ҳам кескинлашиб қолади.

Бешинчидан, мазкур атаманинг моҳияти шундаки, у инсон, жамият тушунчалари доирасидан чиқиб кетиб, яхлит инсоният, бутун кишилик тақдири билан боғлиқ бўлган глобал масалаларни ҳам қамраб оладики, натижада ҳозиргача мавжуд бўлган глобал муаммоларнинг энг тажовузкори, энг бузғунчиси ёки, аксинча, энг ташаббускори бўлиб колиши мукаррар. Бу ҳолатни халқаро сиёсатда, давлатлараро, минтақалараро муаммоларни ҳал этишда буюк давлатчилик шовинизми авж олиши мумкин бўлган ҳолатларда яна ҳам хавфлироқ моҳият касб этади. Бундай пайтда кўпрок анъанавий сиёсий мувофиқлаштириш тажрибаларидан кенгрок фойдаланишни такозо этади. Яъни **шарқона муносабатлар илми** (И.Каримов), мулоҳазалилик, мушоҳадалилик, ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга акл-идрок йўриғи билан ёндашиш тамойили устивор бўлмоғи лозим.

Ахборий таҳдидлар аслида турлича бўлиши мумкин: шахс, жамият ва давлатга, ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва якин, сиёсий, харбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий ва бошқ.

Ахборий фаолиятнинг субъектлари сифатида давлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, турли катта (корпорация, ассоциация, бирлашма, концерн...) ва кичик (корхона, идора, ваколатхона...) ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Замонавий боскичда, яъни, интернет пайдо бўлганидан кейин, шундай субъект сифатида алохида шахслар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин, масалан, виртуал маконда ўз сайтини очиш йўли билан.

Таҳдид объектларини таснифлашда икки ёндашув мавжуд. Биринчи ва кенг таркалган нуқтаи назар бўйича бундай объектлар учта: давлат, жамият ва шахс. Иккинчи қарашнинг тарафдорлари фикрича, таҳдид объектлари социологик таснифлашга мос тушса, тўғрироқ бўлади. Яъни, бундай объектларга жамият, ижтимоий синф, катта ва кичик ижтимоий гурухлар ҳамда шахсларни киритиш максадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

3-гурух учун тарқатма материал.

Ахборот инсоннинг ўз-ўзини англашнинг йўли, эътиқод, тасаввур ва билимлар ҳақидаги маълумотларнинг йиғиндиси сифатида.

Ахборот (лотинча «informatio»-тушунтирмок, баён этмок) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинрок ёзма ёки бошка шаклларда узатилган маълумот; XX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсонлараро, инсон-автомат, автомат-автомат ўртасидаги маълумот ҳамда ҳайвонлар ва ўсимликлардаги сигнал алмашинуви, ҳужайрадан ҳужайрага муайян белгиларнинг узатилиши ва шу кабиларни англата бошлаган.

Ижтимоий ҳаётга татбиқан ахборот-кишилар, предметлар, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шу кабилар ҳакидаги маълумот (маълумотлар мажмуи)ни англатади.

Ш а х с — ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир. Шахсга таалуқли бўлган энг муҳим таснif ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алокадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан хам объект, ҳам субъект бўлишликдир.

Шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг мухими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшликданоқ «менинг хаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва хар куни ҳис киладиган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит — келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади, баъзилар кисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан кораланади, таъкибланади. Шулардан келиб чикадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан барча тартиб — қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, *жамият-ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал кўринишидир.*

Шахс ижтимоий хулқига турли ташки кучлар таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иктисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таассуротлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алохида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат коллективлари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият ва бошк.) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкура, мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб ва бошка ўқув ва тарбия муассасалари оркали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса, ва унда яна янгидан-янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши ва ўсишига олиб келса, шахс тараккиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, у ўз кобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўкитувчи, ёки врач, ёки олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу-юртига хизмат қилади.

Иктисодий муносабатлар хам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, боскичма-боскич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иктисодий ўзгаришлар, бозор, ракобат, легализация, либерализация, яъни эркинлаштириш ва шунга ўхшаш янгиликлар хар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иктисодий онги, тафаккури ва иктисодий хулки нормаларини белгилайди.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулк-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиклаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ — ижтимоий нормалар доирасидаги макбул харакати унинг ўзига хам боғликдир. Одамнинг ўз-ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диккати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, кобилиятлари, хиссий кечинмаларига каратилишини такозо этади. Яъни, ижтимоий хулк-шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулк-атворларига эътибор беришдан ташкари, ўзининг шахсий харакатлари ва уларнинг окибатларини мунтазам тарзда тахлил килиб бориш

оркали, ролларни мувофиклаштиришни хам такозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавкеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ — «Мен» — образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади.

«Мен» — образининг ижтимоий психологик ахамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб каралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли хам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни, инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, номаъқул сифатларни англамасликка, уларни «яширишга» ҳаракат қилади, хаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик сохасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, хиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Мен» — образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гўёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда рефлексия деб аталади. *Унинг моҳияти* — айнан ўзига ўхшаш одамлар образи оркали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия «Мен» — образи эгасининг онгига тааллукли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингизни учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютукларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг каергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бетоқатлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошка ерда турганлигидан билиб коласиз ва шу оркали айни шу пайтда «маҳмадона, лакмарок» бўлиб колганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги хатога йўл кўймаслик учун «Ўртоқ, шошмаяпсанми?» деб сўраб хам кўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, сухбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар («мен унга қандай кўриняпман?») — рефлексиядир.

Шахснинг ўзи хақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айникса, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган «катталик» ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини хам белгилайди. Қизлардаги «Мен» — образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпрок бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик хислатларининг ўзида айни пайтда мавжудлигига боғлик бўлса, йигитлардаги образ кўпрок жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун

эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган «Мен» — образи катор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташки тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос катор бошка сифатларнинг бор — йўқлигига боғлиқ холда «Мен» образи мазмунан идрок *килинади. Қизларда ҳам ортикча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим* тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, такинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос *турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.*[2]

Ахборотлашган жамият- кишилик жамияти ривожланишининг хозирги босқичида шаклланаётган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ахборот ҳамда информатикадан окилона фойдаланишга асосланган сифатий ҳолатини тавсифловчи тушунча.

Ахборотлашган жамият назарияси асосчилари ижтимоий ривожланишни «босқичлар алмашинуви» нуктаи назаридан караган ҳолда, унинг шаклланишини кишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар иқтисодиётидан кейин пайдо бўлган иқтисодиётнинг тўртинчи – "ахборот сектори'' юзага келиши билан боғлайдилар.

Уларнинг фикрига кўра, индустриал жамиятнинг асоси бўлган капитал ва меҳнат ахборотлашган жамиятда ўз ўрнини ахборот ва билимга бўшатиб беради.

4-гурух учун гарқатма материал.

Ахборотлашув ва жамият ривожи.

Ахборотлашув жараёни жамиятдаги иқтисодий ҳамда ижтимоий-маданий ўзгаришларга жиддий таъсир кўрсатади. Ғарб социологлари фикрига кўра, ахборотлашган жамият:

- техника соҳасида-ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, таълим ва маиший ҳаётга ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши;
- иқтисодий ҳаётда-ахборотнинг товарга айланиши;
- ижтимоий ҳаётда-ахборот турмуш, ҳаёт даражаси ўзгаришининг асосий омилига айланиши;
- сиёсий соҳада-кенг миқёсда фикр алмашишга замин яратувчи хилма-хил ахборотларни эркин олишга йўл очилиши;
- маданият соҳасида-ахборот алмашинуви давр эҳтиёжларига жавоб берадиган нормалар ва кадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Айни пайтда ахборотлашган жамият:

-уйда ишлашнинг кенгайишига, транспорт ҳаракатининг камайишига ва бунинг окибатида табиатга тушадиган «юк»нинг кескин қисқаришига олиб келади;

-иш кунининг қисқариши одамларнинг уйда кўпрок бўлишига ва оилавий

[2] Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. - Т., 2002.

муҳитнинг барқарор бўлишига замин яратади;

-кейинги юз йилликларда кишилар шаҳар яшаш ва ишлаш учун энг қулай макон, деган хулосага келдилар. Ахборотлашув жараёни эса, кишлоқдан туриб ҳам бутун олам билан мулоқот қилиш, энг обрўли ташкилотларда ишлаш, шаҳар аҳолиси баҳраманд бўлаётган маданият ютуқларини истифода этиш имкониятини яратади. Бу эса, ўз навбатида нисбатан осуда ва тинч бўлган, табиатга якин кишлоқларга қайтиш ёки у ерда доимий колиш учун замин яратади;

-масофавий таълим билим олишнинг энг қулай шаклига айланиши баробарида, аҳолининг кенг қатламлари учун ҳатто энг элитар олий ўқув юртлари эшикларининг очилишига замин яратади. Содда қилиб айтганда, маълумотлилик кўп даражада инсоннинг ҳоҳиш-иродасига боғлиқ бўлиб колади.

Айни пайтда, ахборотлашув жараёни бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Бундай муаммолар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

1. «Юмшоқ эротика»дан тортиб "очик порнография"гача бўлган ходисалар билан боғлиқ муаммолар ана шулар жумласидандир. Бундай ҳолатларнинг олдини тўла-тўкис олиб бўлмайди. Зеро, ахборот тармокларининг узилишларсиз ишлаши унинг муҳим сифатий белгиси ҳисобланади ва бу жараён доимий такомиллашувни бошдан кечирмокда. Демак, юқоридаги каби «муаммолар» йўлига канчалик тўсиқ қўйилмасин доимо уларни «айланиб» ўтиш имконияти мавжуд бўлади.
2. Яна бир муаммо муаллифлик ҳамда интеллектуал мулк ҳуқукининг бузилиши билан боғлиқ. Шундай экан, ахборот тармоғида кўпчилик кўра олмайдиган ҳудудлар юзага келиши табиий. Бугунги кунда компаниялар ўз ахборотларини ҳимоя қилиш ва рухсат этилмаган киришларнинг олдини олиш учун катта маблағлар сарфлаётгани ҳам шундан.
3. Шу билан бирга муайян ахборотларни яширишдан тортиб, уни ноқонуний равишда эълон қилишгача бўлган кўринишларда намоён бўладиган суиистеъмолликлар ҳам келиб чиқиши мумкин.

Ахборот турли ижтимоий катламлар, профессионал ва миллий гуруҳлар вакилларга ҳар хил таъсир қилиши баробарида уни истеъмол қилиш амалиёти турли гуруҳларда бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бу энг аввало, ахборот манбалари миқдори ўртасидаги фарқда намоён бўлади. Масалан, айрим одамларда ахборот манбаи минимал (телевидение, радио), айримларда эса кенг (интернет, янги телекоммуникациялар тизими) бўлиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, бугунги кунда жамиятда айнан ахборотни олиш, унга йўл топиш сохасида кескин бўлиниш, табакалашув содир бўлмокда.

Ёшлар ўзининг ҳаракатчанлиги ва янгиликка интилувчилиги ҳамда бўш вакт ресурсига эгалиги туфайли юкори даражада коммуникатив фаоллик кўрсатишади. Бошка гуруҳларда эса, нисбатан пассивлик кузатилади. Уларга хос бундай хусусиятлар салбий оқибатларни ҳам келтириб чикариши мумкин. Бу биринчи гуруҳ учун тобора фаоллашаётган агрессив сиёсий таъсирга берилиб кетиш хавфининг мавжудлигида, иккинчи гуруҳнинг эса, позитив мазмунга эга ахборотлар таъсиридан ташкарида колиши билан белгиланади.

Ахборотнинг турли шакллари, хусусиятлари, сифатлари ва уларнинг бажараётган асосий вазифалари.

Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари. Ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш, тарқатиш механизмлари, жамиятдаги трансформация ва қайталаниши. Ахборот–психологик хавфсизликнинг шахсга таъсир этувчи восита ва усуллари аслида кўп, лекин анъанавий равишда улар учта асосий турга бўлинади: давлат етказадиган, ОАВ ва норасмий мулоқотдаги ахборот. Норасмий ахборот деб, шахс маҳаллада, иш жойида, ўртоқларидан, транспорт воситаларидаги гапларда эшитган маълумотларга айтилади.

Ахборот билан ишлаш бир нечта асосий бўғинларни ташкил этади, уларнинг иш механизми эса қуйидагидан иборат: 1) маълумотни қабул қилиш, англаб олиш ва эслаб қуйиш; 2) ахборотни англаш ва эслаб қўйиш жараёнида материални қабул қилувчи томонидан унинг билими ва психологиясидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаш ва янгиланган ахборотни шахс хотирасида сақлаш; 3) ахборотни тарқатиш. Ҳар бир босқичнинг ўз қоидалари бор ва уларга риоя қилмаган одам ушбу фаолиятда инқирозга учрашиши аник. Ахборотни қабул қилиш энг оддий нарса, лекин бу ерда хам, агар эшитиш, кўриш ёки ўқиб олиш учун етарли шароит бўлмаса, кенг омма маълумотни тушунмайди ва эслаб ололмайди. Ахборотни англашга келсак, аудитория вакиллари турли ижтимоий қатламларга тегишли бўлиши туфайли улар барча ахборотни эслаб ололмайди, шунинг учун хорижий шоввоз журналистлар ўз хабарларини иложи борича содда, киска ва аник тарзда узатишга ҳаракат қилади, материалнинг асосий ғоясини эса бир неча марта такрорлайди. Улар ҳар бир фукаро эшитган янгилигини ўзи яшайдиган шароитга киёслаб тушунишини жуда яхши билади ва узатиладиган маълумотларни айнан ушбу талабга мослаштириб тарқатади. Шунинг учун ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мутахассислар юқорида келтирилган конуниятларни эътиборга олиб ишлашлари зарур.

Ахборотни тарқатиш механизми эса катта тизим оркали амалга оширилади, булар матбуот, радио, телевидение ва интернет. Бу ҳақда биз кейинги маърузада тўхталамиз.

Трансформацияга келганда айтиш керакки, ҳар бир шахс ва ижтимоий қатлам қабул қилган ахборотини ўзининг ёши, ҳаётий тажрибаси, миллати, билими, касби, жамиятдаги мавкеи нуктаи назарларидан кабул килиб, ушбу кўрсаткичларга караб мослаштиради, ёки бошқача қилиб айтганда, қабул қилинган маълумот маълум бир трансформацияга учрайди. Одамнинг тажрибаси ва билими канча кўп бўлса, унга четдан туриб таъсир килиш имкониятлари шунча кам бўлади.

5-гурух учун тарқатма материал.

Ахборот инсон онгига манипулятив таъсир кўрсатиш воситаси сифатида

Жамоа руҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ахборот манипуляцияси, унинг максад ва вазифалари, қоида, усул ва шакллари. Жамоатчилик фикрига таъсир этувчи ахборотнинг ижтимоий феномени. Оммавий аудиторияга психологик таъсирнинг усул ва шакллари. Алохида

бир одамнинг руҳияти жамоа руҳиятига тенг эмас, албатта. Энг қизиғи шундаки, жамоа руҳиятида онгсизлик даражаси баландроқ. "Ум хорошо, два лучше (бир ақл яхши, икки ақл янада яхши)" деган рус маколи ОАВ хабарларининг оммавий қабул қилинишига тўғри келмайди. Оммавий таассуротда ОАВ томонидан айтилган гапларга бирдан ишониш, вахимага тушиш, салбий информацияга кўпроқ берилиш кайфиятлари анча кучли. Буни Карл Юнг "жамоавий онгсизлик" ("коллективное бессознательное") деб таърифлаган ва бугунги кунда ушбу психологик категорияни топиб, уни исботлаб берилгани Юнгнинг буюк кашфиёти деб ҳисобланади.

Ахборот манипуляциясига келганда айтиш керакки, ушбу муаммо буйича анчагина китоблар чоп этилган ва улар билан танишиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Биз эса манипуляциянинг айрим кам тилга олинадиган турларини айтиш билан чегараланамиз. Булар: абстракт, тушунарсиз фикрлаш; манба томонидан ахборотни фақат унинг фойдасига бўлган қисмини етказиш; реал фактларни хомаки, нореал хулосалар билан якунлаш; ўз вақтида жавоб бермасдан долзарб муаммони "совутиш" ва ҳ.к.

Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш-долзарб вазифа.

Иктисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ахборотлар таъсирлашуви ижтимоий ҳаётнинг мазмунан бойиши, такомиллашувининг муҳим омили ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда ахборот алмашинуви инсоният тараққиётининг муҳим шартига айланди дейиш мумкин. Ўз даврида оғзаки нутқнинг пайдо бўлиши билан ахборот узатиш имкониятлари кенгайган бўлса, ёзма нутқ ривожи бу борада ўзига хос янги боскични бошлаб берган эди. Ҳозирги фан-техника тараққиёти, интеграция ва глобаллашув шароитида эса ахборот маконида туб сифатий ҳолат кечмоқда. Эндиликда, ахборот узатиш нафақат хилма-хил (радио, телевидение, матбуот, телефон, факс, почта, Интернет ва б.) шакллари, балки ўта тезкорлиги билан ҳам жамият тараққиётининг олдинги даврлардагидан фарқ қилади. Бундай шароитда, ахборот истеъмоли жараёнида ҳам янги тенденциялар кузатилмоқда.

"Кимки ахборотга эга бўлса, у дунёга эгалик қилади" деган фикрнинг пайдо бўлишига ҳам ахборотнинг юқоридаги хусусиятлари сабаб бўлган.

Ижтимоий макон – бу, айни вақтда ахборот макони ҳамдир. Глобаллашув шароитида ахборот ҳажмининг катталиги, уларнинг замонавий тезкор воситалар оркали таркатилаётгани ахборот сохасининг ижтимоий маконнинг бошқа шаклларидан тубдан фарқ қилишини таъминламоқда. Хусусан, замонавий оммавий ахборот воситалари (айникса, Интернет тизими) оркали таркатилаётган хабар ва маълумотларга турли сиёсий тақиқлар, давлат чегаралари тўсиқ бўла олмайди.

Ахборот истеъмоли ижтимоий, аниқроғи, маънавий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ҳодисадир. Ахборот истеъмоли хизматлар истеъмолининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай хизматни истеъмол қилишдан аввал унинг сифати, нархи, фойдаси, қулайлиги ва бошқа шу каби хусусиятларига эътибор берилади. Бу жараёнда, истеъмол қилинаётган хизматнинг талаб-таклиф хусусиятлари ҳам инобатга олинади. Масалан, таклифи камайиб кетган хизматларнинг истеъмол даражаси юқори бўлиб, уларга талаб кучаяди. Мазкур хусусиятлар ахборот истеъмоли жараёнига ҳам

хосдир. Бироқ, маънавий неъмат бўлган ахборотни истеъмол қилиш ўзига хос томонлари билан ҳам ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, ахборот конкрет шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамият ва давлат томонидан истеъмол қилинади-ки, мазкур даражаларда истеъмол жараёнлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, бирон шахс учун қизиқарли бўлган маълумот, муайян ижтимоий қатлам ёки гурух учун аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Шунингдек, ахборот макон ва замон хусусиятларига хам эга. Чунончи, Ғарбда ўта оммабоп бўлган ахборотлар Шарқ халқлари томонидан кам истеъмол қилиниши мумкин. Бундан ташқари, маълум бир тарихий даврда катта қизиқиш билан кутиб олинган маълумотлар, вақт ўтиши билан одатий ҳолга айланиши ва ижтимоий ҳаётда бу тарзда инъикос этмаслиги мумкин.

Ахборот истеъмоли, ким томонидан истеъмол қилинишидан қатъи назар, қабул қилиш, тушуниш, талқин этиш каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган боскичларда амалга ошади.

Бугунги кунда, ахборот истеъмоли жараёни ҳам ўзига хос маданиятни тақозо этмоқда-ки, маданиятнинг бундай шакли инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисмига айланиши зарур.

Ахборот истеъмоли маданияти глобаллашув жараёнларининг характерли хусусиятларидан бири бўлган, Интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган хозирги шароитда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун, хозирги давр кишиси олдида ахборот танлаш имконияти шу қадар юқори-ки, унинг талабини кондира олмайдиган маълумотлар бир зумда қимматини йўқотиши аниқ. Шу нуқтаи назардан караганда, хозирги даврда ахборот истеъмоли аввалгиларидан тубдан фарқ қилади.

Шубҳасиз, зарур ахборотларга эга бўлишга интилиш – давр талаби. Бироқ, бугунги кунда, шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамият ва давлатнинг ўзи ҳақида ахборотларни таркатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг икки асосий жиҳати мавжуд. Биринчидан, масалан, Интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётган хозирги даврда, улардан мамлакатимизнинг жахон ҳамжамиятида тутган ўрнини мустаҳкамлашда кенг фойдаланиш зарур. Чунки, жаҳонга танилиш учун нафакат реал дунёда, балки, ахборот дунёси (виртуал олам)да ҳам ҳаракатлар олиб бориш зарур. Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «бу борада ишни тўғри ташкил этиш учун Интернет тизимидан самарали ва окилона фойдаланиш, уни ўзимизнинг маълумотлар билан тўлдириш керак...бизнинг заиф томонимиз шундаки, Интернетда Ўзбекистон билан боғлиқ маълумотлар жуда кам. Нега деганда, бизда бу жараённинг техникаси ва технологияси талаб даражасида эмас. Миллий қадриятларимиз, тарих ва меросимиз, бугунги фан, санъат ва адабиётимизнинг энг яхши намуналарини Интернетга киритиш дастури ишлаб чиқилмаган»[3]. Иккинчи муҳим жиҳат шундаки, юртимиз ҳаётига доир айрим нохолис, тор доирадаги манфаатлардан келиб чиқиб таркатилаётган маълумотларга жавобан ахборотларни глобал миқёсда тартиб-ташвиқ этиш ташки ахборот хуружларига қарши ўзига хос қалқон вазифасини бажаради. Бу эса, турли геосиёсий манфаатлар доирасидаги ахборот хуружлари таъсирини камайтириш ва миллий ахборот макони хавфсизлиги таъминланишининг муҳим

[3] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч качон, ҳеч кимга карам бўлмайди. 13-жилд.-Т., Ўзбекистон. 2005. - Б. 301-302

шарти ҳисобланади.

Бунинг учун, кишиларда ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражада шакллантиришга эришиш зарур. Шундагина маълумотларга кўр-кўрона эргашиш, уларни нотўғри талқин этишнинг олди олинади. Энг муҳими эса, ахборот истеъмоли маданиятига эга инсон, жамият, халқ ва миллат ғаразли манфаатлар доирасидаги геоахборотлар таъсирига тушиб қолмайди. Албатта, ахборот истеъмоли маданиятининг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тизимли равишда саъй-ҳаракатларни олиб боришни тақозо этади.

Ахборот истеъмоли маданияти ҳам маданиятнинг бошқа шакллари каби бир қатор функцияларни бажаради. Коммуникатив, регулятив (тартибга солиш), ахборот, аксиологик (баҳолаш) каби функциялар шулар жумласидандир. Биз таҳлил этаётган муаммо доирасида ахборот истеъмоли маданиятининг аксиологик функцияси алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Интернет орқали жуда кўп ижобий маълумотлар билан бирга, Шарқ маданиятига, хусусан, кишиларимиз хулқу одобига салбий таъсир этувчи ахборотлар ҳам узатилаётгани, табиийки, кишиларимиз, айниқса, ёшларимиз ғоявий тарбиясига салбий таъсир этиши мумкин. Ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, "биз баъзан Ғарб маданияти тўхтовсиз кириб келаётгани ҳақида таассуф билан гапирамиз. Бу шундай кучли окимки, унга қарши чиқиш жуда мушкул. Бунинг факат битта йўли бор. У ҳам бўлса, Интернетга ўзимизга мос бўлган маълумотларни ўз вақтида киритишдан иборат"[4].

Ҳамма гап, мазкур муҳим ресурсдан ким ва кандай максадларда фойдаланишида.

Бошқача айтганда, тармоқдан иллат кидириш билан овора бўлмасдан, унинг имкониятларидан юртимиз шон-шухратини дунё микёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш максадга мувофик. Чунки, Интернет виртуал, аммо, объектив ходисадир. Унинг ҳаётимизга кириб келишини назорат килиб бўлмайди. Одамларимизни Интернет тизимидан узоқроқ тутишга интилиш эмас, балки, ундан окилона фойдаланишга ўргатиш, ахборот истеъмоли маданиятини юксалтиришга ҳаракат килишимиз тўғри бўлади. Зеро, кишиларда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, миллий кадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларни "...баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз карашлари, кадриятлар тизими муҳим роль ўйнайди. Лекин, аксарият ҳолларда бундай пайтда, айниқса, баҳоланилаётган ходиса ўзга маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият рухимизга сингдирган кадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун бўй-басти билан ўзлигини намоён килади... маданиятнинг баҳолаш функцияси туфайли танланиш содир бўлади, маданиятдаги баркарорлик, ҳар бир даврдаги айнийлик, ўзига хослик, айни пайтда, давомийлик, ворислик таъминланади[5].

Шунинг учун, хозирги даврда аҳолимиз, айниқса ёшларимизнинг ахборот узатишнинг замонавий техникаси ва технологиясини мукаммал даражада ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, мамлакатимизда

---

[4] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч качон, ҳеч кимга карам бўлмайди. 13-жилд.-Т., Ўзбекистон, 2005. - Б. 304

[5] Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. - Фарғона, 2000. – Б. 37

Интернетдан фойдаланиш тизимини янада ривожлантириш билан бирга, мазкур тармоққа миллий манфаатларимиз акс этган ахборотларни турли шакл ва тилларда киритиб бориш зарур. Зеро, жамиятимиз ҳаётининг турли соҳалари тўғрисида ахборот берувчи объектив, жозибадор маълумотларнинг Интернет саҳифаларидан кенг ўрин эгаллаши, Ўзбекистоннинг глобал ахборот маконидаги ўрнининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мавзу бўйича саволлар:

1.Ахборот психологик хавфсизлик курсининг асосий тушунчаларини тушунчаларини тушунтириб беринг.
2.Ахборот окимининг жадаллашуви ҳақида маълумот беринг.
3.Ахборот психологик таъсир воситаси сифатида тушунча беринг.
4.Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англанишини тушунтириб беринг.
5.Ахборотлашув ва жамият ривожи ҳақида тушунтириб беринг.
6.Ахборотнинг турли шакллари, хусусиятлари, сифатлари ва уларнинг бажараётган асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
7.Ахборотни инсон онгига манипулятив таъсир кўрсатиш воситаси ҳақида маълумот беринг.

2 – мавзу: Ахборот маконининг глобаллашуви. Замонавий очиқ ахборот тизимининг тавсифи.

Режа:

1. Глобаллашув иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? (Ақлий хужум) - 10 дакика.
2. Ахборот макони глобаллашувининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида гурухий баҳс, мунозара ташкил этиш - 25 дакика.
3. Ахборот маконининг глобаллашуви. Замонавий очик ахборот тизимининг тавсифи. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи оркали) - 40 дакика.
5. Дарсга якун ясаш - 5 дакика

<u>Машгулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар</u>

1. Глобаллашув иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий хужум).

2. Ахборот макони глобаллашувининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида гурухий баҳс, мунозара ташкил этиш.

3. Ахборот маконининг глобаллашуви. Замонавий очик ахборот тизимининг тавсифи. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гурух 2 та кичик гурухга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади..

1– гурух учун тарқатма материал.

Глобаллашув ҳақида.

Глобаллашувга қисқа таъриф бермоқчи бўлсак, уни турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва

боғлиқликнинг кучайиши дейиш мумкин.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўларок қамраб олгани бизнингча, француз тадқикотчиси ***Б.Банди берган таъриф. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига ургу берилади:***

- ***Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён;***
- ***Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;***
- ***Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.***

Б.Банди таърифида келтирилган глобаллашув ўлчовларининг ҳар учаласига нисбатан ҳам муайян эътирозлар билдириш мумкин. Лекин жаҳонда юз бераётган жараёнларни кузатсак, уларнинг ҳар учови ҳам унда мавжуд эканини кўрамиз.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу кадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўк, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узокрок туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлако четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпрок учраб колиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий бўлади.

2– гурух учун таркатма материал.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисоди сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иктисодий, ахборот, маънавий салохиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлик. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг мохиятини чукуррок англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чукур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чукур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чикмаслик мамлакат иктисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё окимига бошқарувсиз кайикни топшириб кўйиш билан баравар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказаётган тадқиқотларга кўз югуртириш бу соҳадаги ишлар энди бошланаётганидан гувохлик беради. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказадиган таъсири ҳақида ёзилган жиддийрок рисола ва йирик тадқиқотлар у ёкда турсин, кичикрок мақолаларни топиш ҳам мушкул. Илмий нашрлар ва журналлар, даврий матбуотда мазкур мавзу бўйича биз топа олган ишларнинг миқдори кўлларимиз панжасидан ҳам оз. Ҳар кандай сиёсат, жумладан, иктисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина

муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак бера олмаётганини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимиз жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсат кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқуррок тадкик ва тахлил килишимиз, шу орқали сиёсатчиларимизнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул килиши учун имконият яратишимиз лозим.

Глобаллашувнинг ўзи мураккаб жараён экани, унинг турли мамлакатлар иктисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказаётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли жаҳонда бир-бирига нисбатан карама-карши бўлган икки гурух: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар, деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотининг вакиллари бор. МДҲ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқдалар. Бу ерда улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар.

ХХ аср ўрталарида глобаллашувнинг институционаллашуви, яъни ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва кучайди. Институционаллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараккиёти ва тикланиш банки улкан ташкилотларнинг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлаши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти хам кучайиб кетди. Улар глобаллашувнинг фақат салбий окибатларига эмас, умуман унинг ўзига қарши чика бошладилар. Масалан, Россиялик файласуф ва ёзувчи А. Зиновьев «Аксилглобализм векторлари» номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди: «Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик колиш учун каршилик кўрсатишдан бошқа йўлини кўрмаяпман. Фақат қаршилик!»[1],- деган эди.

«Аксилглобализм векторлари» анжуманидаги яна бир маърузачи А. Паршев эса глобаллашувга куйидагича таъриф беради: «Аслида глобаллашувнинг асосий мазмуни бошка мамлакатларда ишлаб чиқарилган махсулотнинг кўшимча кийматини, дунёдаги асосий захираларини ўзлаштиришдан иборат»[2].

Тахлил шуни кўрсатадики, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари хам асосий эътиборни иктисодиёт сохасига каратишади. Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида ўзининг аксини етарли даражада топганича йўк.

Маънавиятни бир уйга киёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин килиб ташлашини хеч бир хонадон сохиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, окимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига карши химоя чоралари кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга карши химоя

чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъкуллаш лозим-у, *кандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда* бирорта ҳам миллий маънавият йўкки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла иҳоталанган бўлса. Ҳатто, Австралия чакалакзорлари, Африка саванналари ва Жанубий чангалзорларда турмуш кечираётган қабилалар ҳам қўшни қабилалар ва замонавий тамаддун таъсирини ўзида ҳис килиб туради. Қолаверса, тарихни таҳлил қилиш бошқа халқлар маънавиятидан баҳраманд бўлган халқлар маънавияти юксакликларга кўтарилганидан гувохлик беради.

Глобаллашувнинг ижобий таъсири. Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Мухими шундаки, халкимиз Ғарб ва Шарқ маънавиятидан баҳраманд бўлиб, уларнинг ижобий томонларини ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарилди. Бу фикрнинг тасдиғини маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган илмий билимлар, диний эътиқод, санъат мисолида ҳам кўриш мумкин. Буни фақат Ватанимиз эмас, умумжаҳон маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган алломаларимиз ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ана шундай аждодларимиздан бири Абу Райхон Беруний Хитой ва Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим фалсафасини, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Ҳиндистонда бўлган пайтида у ҳинд фани ва маданиятини ўрганар экан, қадимги манбаларни ўрганиш учун кадимги ҳинд тили-санкритни билиш лозимлигини англайди. У санскритни ўрганишга киришади ва киска фурсатда уни чуқур ўзлаштиради. Энди кадимги ҳинд маданияти ва фанини асл манбалардан ўргана бошлайди. У, шунингдек, юнон ва Рим маданияти ва фанини ўрганиш учун юнон ва лотин тилларини ўзлаштирган эди.

Жаҳон маданияти тарихида чуқур из колдирган Абу Наср Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган эди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Энг мухим жиҳати шундаки, ўша буюк аждодларимиз жаҳон халқлари маънавиятини ўрганибгина колмай, уларни чуқур таҳлил этишди, тегишли жойларини ривожлантириб оламшумул кашфиётлар қилишди.

Аждодларимиз тарихи жаҳон халқлари маънавиятига ҳурмат билан қараш, керакли жойларини ўрганиб, ижодий ривожлантириш оркалигина маънавият чўккисига эришиш мумкинлигидан гувохлик беради. Менинг назаримда, бизга хозирги кунда ана шу ижодий ёндашув етишмаётгандай. Бизга таъсир ўтказаётган ёки таъсир ўтказмоқчи бўлаётган ғояларнинг кай бирини қабул килиш ва кай бирини рад этиш лозимлигини аниклаш учун жидлий таҳлил лозим. Ана шундай таҳлилни ўтказиш учун эса баъзан эринчоклигимиз, баъзан уқувсизлигимиз халакит бермоқда. Бунинг окибатида кабул килиш керак бўлган ғояларни рад этиш ва рад этиш лозим бўлган ғояларни қабул килиш холлари ҳам учраб турибди.

Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни такиллатиб кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар ўғри каби кечаси туйнукдан тушишади.

Эшик коқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитишга, ривожлантиришга хизмат қилади. Чунки миллий маънавиятлар ўзаро таъсир

жараёнида ривожланади. Ҳар қандай халқ маънавияти ривожига назар ташланса, унинг бошқа халқлар удум ва анъаналарини ўзлаштириш ва мослаштириш орқали ривожланганини кўриш мумкин.

Ўзбек миллий маънавияти ҳам узоқ ва якиндаги қўшниларнинг илғор анъаналарини ўзлаштириш натижасида ривожланиб борди. Маънавиятимизнинг ривожланиш тарихини кузатсак, бунга яна бир бор ишонч хосил қилиш мумкин. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ва унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида анча жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри ҳали шаклланмаган эди, демак, миллий театр санъати тўғрисида сўз ҳам юритиш мумкин эмас эди. Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат сингари маърифатпарварларнинг саъй-харакатлари туфайли драматургия шакллана бошлади ва кейинроқ театр санъати вужудга келди. Ўша пайтларда театр санъатини ўзбек миллати учун ёт, бегона ғоя деб эълон қилганлар оз эмас эди. Драматургия ва театрни рад қилиш фақат даҳанаки танқид билан чегараланмаган эди. Санъатнинг бу турларини Ўзбекистонга олиб киришга ҳаракат қилаётган инсонларни мазах қилиш, масхаралаш, ҳатто сазойи қилиш ўзларини миллий маънавият ҳимоячилари деювчилар томонидан амалга оширилган эди. Ҳамма нарса учун олий ҳакам ҳисобланадиган вақт эса, театр санъати миллий руҳиятимиз ва маънавиятимизга ёт деювчиларнинг ўзлари миллий маънавият ривожига ғов эканини кўрсатди. Ҳозирги кунда ҳар миллион кишига ҳисоблаганда театрлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг илғор ўринлардан бирини эгаллайди ва театр миллий маънавиятимизнинг узвий қисмига айланган.

Глобаллашув иқтисодий жиҳатдан давлатлараро товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар, капитал, иш кучи, технологиялар, ахборот оқимларнинг эркин кўчиши ва ягона жаҳон хўжалик тизимига мамлакатларнинг боғлиқлигини ифодалайди. Пировард максад эса барча давлатларда муттасил иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади. Глобаллашув, глобал режалар тенденцияси сифатида, ҳалқаро алоқалар учун янги қулайликлар ва имкониятлар туғдириши билан бирга, бир катор таҳдидларни, ва қолаверса, зиддиятларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Глобаллашувнинг салбий жиҳатлари

1. Глобал боғлиқлик тенденцияларининг кучайиши билан жаҳон хўжалик тизимининг ривожланишида номутаносиблик яна кучая бормоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги ижтимоий- иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги тафовут янада ортиб бормоқда. Ривожланган давлатлар экспорти жаҳон экспортининг қарийиб 60% эгаллайдилар. Ривожланаётган давлатлар ўзларининг 70% экспортини ривожланган давлатларда сотадилар. Уч мамлакат, яъни АҚШ, Япония, Германияда жаҳон аҳолисининг 9% яшайди, улар ҳиссасига эса, дунё даромаднинг ярми, харидорлик қувватининг 30% тўғри келди. Жаҳонда «катта еттилик» мамлакатлари (АҚШ, Канада, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия) ялпи экспорт ва импортнинг қарийиб ярмини эгаллайдилар.

2. Бундан ташқари, минерал ёқилғи, асосий хом ашё ва воситачи материаллар жаҳон бозорларининг индустриал мамлакатларида мужассамланиши окибатида ривожланаётган ва трансформацион иқтисодиёт шароитидаги мамлакатлар иқтисодиёти ривожланган давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари, жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқлиги янада кучайди. Масалан, иқтисолий тизимларни тавсифлашда қўлланиладиган «миллий бозор модел»ларини олиб кўрайлик. Бозор иқтисодиётини шакллантиришда Германияда белгиланган бозор модели Япония, Корея ёки Хитойдаги бозор моделларидан тамомила фарқланади. Гарчи бозор иқтисодиётининг институтларини барпо этишда умумий ўхшашликлар бўлса-да, уларни шакллантириш ёндашувлари ва йўллари турлича бўлган. 3. Эркин иқтисодиётни барпо этишда хўжалик юритишнинг жаҳон коидаларини унификациялашга уриниш ва бунда халкаро ташкилотларнинг муваффакиятсиз харакатлари.

Савдо, инвестициялар, технологияларни давлатлараро кўчиришнинг кучайиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ҳамда халкаро тўловлар тизимидаги силжишлар натижасида халкаро, яъни «универсал коидалар»ни ишлаб чикишга харакатлар кучайди. Бу муносабатларни халкаро ташкилотлар (Жаҳон Банки, Халкаро валюта фонди, Халкаро молия корпорацияси ва шу каби ташкилотлар) томонидан тартибга солишга катта эътибор берилмасин, ҳар бир давлат иқтисодиётни тартибга солиш, уни эркинлаштириш ва ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда ўзгача воситалар ва услубларни қўлламокдалар

1997-1998 йиллардаги дунёда кечган иктисодий инкироз ва уни бартараф этишда халкаро ташкилотлар берган тавсиялар ижобий натижалар бермади. Иқтисодий тангликдан чикишда муайян мамлакат ўз имконияти ва шароитларини ҳисобга олган холда ёндашди. Миллий иқтисод манфаатлари жаҳон иқтисодиётидаги ўзаро тўловлар муаммосига нисбатан устивор эканлигини яна бир бор исботланди. Хусусан, Малайзия, Корея, Таиланд каби давлатларнинг бу борадаги тажрибасини мисол келтириш ўринлидир.

4. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида икки хил стандартлар муаммоси. Бир томондан, ривожланган давлатлар глобаллашув жараёнининг асосий тарафдорлари бўла туриб, ташки савдода «антидемпинг сиёсати» шиори остида турли савдо тўсиқлари ва бож тўловларини қўлламокдалар. Ҳозирги кунгача Европа Иттифоки, АҚШдаги кишлок ҳўжалиги махсулотлари, тўкимачилик товарлари бозорлари бир катор тўсиклар билан химояланган ва ушбу протекционистик харакатлар кўплаб молиявий, солик ва бошка турдаги иқтисодий тадбирлар билан беркитилган. Натижада, жаҳон савдосидаги эркинлаштириш жараёнида ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган ва трансформацион иқтисодиёт шароитидаги давлатлар учун икки хил стандартлар қўлланилмокда.Жумладан, сарфланган капиталга олинган даромад (экологик, молиявий, ижтимоий нуктаи назардан) ресурсларга эга мамлакатларда нисбатан паст бўлиб колмокда. Бошкача килиб айтганда, арзон ресурслар демпинг нархларда олиб чикиб кетиш «нобозор» характерда бўлиб, унда қўлланилган «ресурсларни кўчириш схемаси»ни тартибга солиш ва назорат этишда тегишли мамлакатларнинг ҳукуматлари старлича

имкониятларга эга эмаслар.
5. Савдо ва ишлаб чиқаришни либераллаштиришдан ривожланган мамлакатлар кўпроқ иқтисодий манфаатдорликка эга бўлдилар. Ресурсларни ўзлаштиришга бўлган кураш барча мамлакатларда ишсизлик, тармоклараро номутаносибликни янада кучайтирди. Ресурсларнинг ҳозирги кундаги жаҳон нархлари нисбий эканлиги ва уларни келгуси авлод учун ҳам авайлаб асраш нуқтаи назаридан ёндашсак, у ҳолда улар қиймати на фақат иқтисодий, балки, тарихий, ижтимоий, маънавий ва бошқа мезонларга кўра қайта баҳоланиши зарурлигига иқрор бўламиз.
6. Иқтисодиётда бир қутбли дунёни шакллантириш, янги жаҳон иқтисодий тартиботини яратишга бўлган уринишнинг кучайиши. 1990- йилларда собиқ «социалистик лагер»нинг парчаланиши, совуқ уруш даврининг тугаши билан икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантиришга эътибор ортди. Кўп қутбли дунё- жаҳонда монопол мавқега эга бўлмаган давлатлар ҳамдўстлиги, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида турли ёнбосишлардан холи бўлган «идеал», яъни рисоладаги муносабатлар тизимидир. Лекин, ҳозирги кунда «бир қутбли дунё», яъни «глобаллашувнинг марказлари» саналмиш АҚШ ва Европа Иттифокининг жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги ҳукмронлиги остида шаклланмоқда, пешқадам давлатлар монопол мавқеини кучайтиришнинг янги усуллари топилмоқда. Албатта, бундай ҳолат икки томонлама тенг манфаатли ҳамкорлик тамойилларини жаҳондаги глобаллашув жараёнларида амалий қарор топишига ўта кучли таҳдид туғдирмоқда.
7. Халқаро савдонинг эркинлашуви, капитал, иш кучи миграцияси оқибатида «фақат ғарб маданиятига ва мафкураси»га хос бўлган товар, хизмат турини тарғиб қилиш одатдаги ҳол бўлиб бормоқда. Кўп миллатли дунё аҳолисининг турмуш тарзи, истеъмол одатлари ва ҳулқ- атворини «ғарблаштириш»- энг «мақбул» ва «жаҳон стандарт»и сифатига чиқариш учун уриниш кучаймоқда. Бу тадбирлар турли товарлар истеъмолини ошириш учун қўлланилаётган мода, реклама воситалари, сотиш услублари орқали амалга оширилмоқда. Келтирилаган мисоллардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёни ва қолаверса шаклланаётган геоиқтисодиёт шароитида миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлаш, кўп жиҳатдан иқтисодий ёки ижтимоий йўналишда бўлмай, балки маданий, маънавий, мафкуравий йўналишлардаги тўқнашувларни келтириб чиқармоқда. Кўп қутбли, тенг манфаатли, барча миллатлар маънавий эркинлиги тамойиллари асосида қуриладиган глобал иқтисодиётда маданий ва мафкуравий ҳуружларнинг олдини олиш, миллий қадриятларни ҳурматлаш масаласи ҳам бугунги кун тартибидаги масаладир.
Шундай қилиб, глобаллашув билан боғлиқ хавфлар ва таҳдидлар на фақат иқтисодий мазмунда ва йўналишда балки, ижтимоий, маънавий, мафкуравий йўналишларда ҳам ўз ифодасини топади ва бу жиҳат келгусида тобора кучая боради.

Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиклол ғоясидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ. Шу масалада миллий истиклол ғоясининг жуда муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади. Миллий истиклол ғояси ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида

факат билим, тасаввур сифатида эмас, эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил қилади. Аслида миллий истиқлол ғоясининг асослари Президент И.Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки босқичларидаёқ шакллантирилган эди. Лекин, бу ғояни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор керак эди. Яъни, аввало миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ғурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисолалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бизнингча баъзан биртомонламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ғояни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, мақола ва рисолаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу ёндашув билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга каратилган кучдир. Унинг моҳияти шундаки, у одамлар онгидаги, хотирасидаги ғоялигича қолмай амалиётга, хаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётимиз жараёнига сингиб кетишини таъминлаш учун эса, ғоялар амалий ҳаракатларга айланиши жараёнини синчиклаб ўрганиши керак. Бунинг учун даставвал, ғоя бевосита амалиётга, амалиёт дастурига айланиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, бу жараён қандай юз беради, деган саволларга жавоб топиш керак.

Замонавий психология, ижтимоий психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар нуктаи назаридан бу саволга "кўпинча айланмайди" деб жавоб бериш керак. Чунки инсон онгида, миясида ўнлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб ғоялар бўлади. Уларнинг барчаси амалиётга айланаверса инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан майда бўлакларга бўлиниб, парчаланиб кетиши керак эди. Чунки, айни бир инсон онгида айни бир пайтнинг ўзида ўнлаб турли хил, жумладан, диний, аҳлоқий, сиёсий, илмий, бадиий ва бошқа хил ғоялар бўлиши табиий. Улар бир-бирларини тўлғазиши ва кўпинча бир-бирларига тўла мос келмаслиги мумкин. Натижада, шахс бу ғоялардан энг зарурларини ва ўзи энг тўғри, деб билганларини ажратиб хаётга тадбиқ қилади. Ана шу танлаш, яъни ғоянинг амалиётга ўтишидаги муҳим боскични тўларок ва чуқуррок англаш учун шу танлаш мезонларини аниклаб олиш зарур.

Ғояларни саралашда шахс фойдаланадиган мезонларнинг энг муҳимларидан бири, саралаб олинаётган ғоянинг шахс манфаатларига, эҳтиёжларига, установкаларига, эътиқодига мослигидир. Бу ҳодисалар, яъни манфаатлар, эҳтиёжлар, установкалар, эътиқодлар ва уларнинг ғоялар билан ўзаро алоқадорлиги шу қадар мураккабки, уни бир эмас бир неча мақола доирасида ҳам ёритиш амри маҳол. Бунинг устига бу муаммо жаҳон фанида ҳам кам ўрганилган. Мамлакатимиз психолог олимлари бу муаммо устида энди бош қотира бошладилар.

Муаммонинг мураккаблигини ҳисобга олиб биз унинг фақат бир жиҳати, яъни ғоялар ва эътиқод алоқадорлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Эътиқод шахс онгида шундай муҳим ўрин тутадики, унинг ҳаёт йўналиши, ҳаёт тарзи, интилишлари мана шу эътиқод билан белгиланади.

Инсон онгига йўл топаётган, кириб бораётган ғоялар ҳам мана шу эътиқод чиғиригидан ўтказилади. Эътиқодга мос келмайдиган ғоялар рад этилади.

Лекин, ғоя ва эътиқод алоқадорлиги фақат бир томонлама жараён эмас. Уларнинг алоқадорлиги фақатгина эътиқоднинг назоратчилиги, ғояларни элакдан ўтказиши билан чекланмайди. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, инсон онгига кириб келаётган ғоя ундаги эътиқодни мустаҳкамлайди ёки бўшаштиради, баъзан эса шу ғоянинг ўзи эътиқодга айланади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, мамлакатимизда кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар бошланди. Бу ислоҳотлар жараёнида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш сингари кўплаб тадбирларни амалга оширишга киришилди.

Ислоҳот ижтимоий руҳият соҳасида ҳам амалга оширила бошлади. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш эди. Бунинг учун эса уларни собиқ шўролар тузуми колипларидан, бокимандалик, ўзибўларчилик кайфиятидан халос қилиш керак эди. Бу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди. Бирок бу жараён мамлакатимизда миллий истиклол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари шаклланиши билан ўзининг якунловчи палласига кирди. Чунки Президент И. Каримов кўп марта таъкидлаганидек, табиатда бўлмагани сингари инсон онгида ҳам мутлақ бўшлик бўлмайди. Собиқ тоталитар тузум саркитларини инсон онгидан супуриб ташлаш учун кучли курол керак. Бундай курол вазифасини фақат миллий истиклол ғояси бажариши мумкин. Чунки, ҳаётбахш ғоя билан куролланмай туриб эски ғоялар таъсиридан тўла кутилиш мумкин эмас. Шуниси ҳам борки, миллий истиклол ғоясидан жамият аъзоларининг кўпчилиги хабардор бўлиши эски тузум саркитларини супуриб ташлаш учун кифоя қилмайди. Миллий истиклол ғояси эътиқодга айланғандагина эскилик саркитларини супуриб ташлаши мумкин.

Ғоянинг эътиқодга айланиши унинг амалиётга ўтишидаги муҳим боскичдир. Шахс эътиқодга айланган ғояни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қила бошлайди. Эътиқод қанчалик кучли бўлса, уни амалга ошириш учун шахс шунчалик эҳтирос билан ҳаракат қилади. Кучли эътиқод йўлида шахс билимини, кучини, бойликларини, ҳатто ҳаётини ҳам аямайди. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. АҚШ Президентларидан бири Т. Жефферсон "Озодлик шундай дарахтки, у баъзан одам қони билан суғориб

туришларини талаб қилади", деганда худди шундай эътиқодли одамларни, озодликни ҳимоя қилиш йўлида улар ўз жонидан кечишга ҳам тайёр туришларини назарда тутган эди. Юртимиз тарихида озодлик дарахтини ўз қони билан суғорган ёки суғоришга тайёр турган қаҳрамонлар кўп бўлган. Ўғизхон, Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари шахслар шулар жумласидандир. Улар озодлик, юрт мустақиллиги йўлида бутун куч-ғайратларини, зарур бўлганда жонларини ҳам аямадилар.

Миллий истиқлол ғояси эътиқодга айлангандагина мукаммаллик касб этади. Миллий истиқлол ғоясининг ҳақиқатан ҳам миллат, халқ миқёсидаги ғоя эканлигини кўрсатувчи муҳим бир мезон бор: бу унинг ҳар бир фуқаро шахсий этиқодига айланганлигидадир. Бу ғоянинг кўпчилик фуқаролар эътиқодига айлангандагина унинг ҳақиқатан ҳам *миллий* ғоя эканини тасдиқлайди. Миллий истиқлол ғояси ва алоҳида фуқаронинг ғоявий эътиқоди ўртасидаги боғлиқлик шундаки, шахс эътиқоди миллий ғоя негизида шаклланади ва миллий ғоя ўз навбатида алоҳида шахслар эътиқодидан қувват олади, алоҳида шахслар эътиқоди сифатида мавжуд бўлади.

Мавзу бўйича саволлар:

1.Глобаллашув иборасини тушунтириб беринг.

2.Глобаллашув ҳақида Б.Банди берган таърифни изоҳланг.

3.Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисоди, сиёсати, маънавиятига ижобий ва салбий таъсир жиҳатлари ҳақида тушунтириб беринг.

4.Миллий истиқлол ғояси ва фуқаролар эътиқоди ҳақида изоҳлаб беринг.

3 – мавзу: Шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид манбалари ва турлари.

Режа:

1. Ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид манбалари ва турлари. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи оркали) - 35 дақиқа.

3. Шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид манбалари (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

<u>Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар</u>

1. Ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум).

2. Шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид манбалари ва турлари. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гурух 2 та кичик гурухга бўлинади ва уларга қуйидаги таркатма материаллар берилиб, ушбу

масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади. Тақдимотлар муҳокама этилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

Ахборий таҳдидлар ва уларнинг турлари.

Ахборий таҳдидлар аслида турлича бўлиши мумкин: шахс, жамият ва давлатга, ички ва ташқи, катта ва кичик, узоқ ва яқин, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий, экологик, миллий ва бошқ.

Ахборий фаолиятнинг субъектлари сифатида давлат тузилмалари, оммавий ахборот воситалари, турли катта (корпорация, ассоциация, бирлашма, концерн...) ва кичик (корхона, идора, ваколатхона...) ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Замонавий боскичда, яъни, интернет пайдо бўлганидан кейин, шундай субъект сифатида алоҳида шахслар ҳам фаолият кўрсатиши мумкин, масалан, виртуал маконда ўз сайтини очиш йўли билан.

Таҳдид объектларини таснифлашда икки ёндашув мавжуд. Биринчи ва кенг тарқалган нуқтаи назар бўйича бундай объектлар учта: давлат, жамият ва шахс. Иккинчи қарашнинг тарафдорлари фикрича, таҳдид объектлари социологик таснифлашга мос тушса, тўғрироқ бўлади. Яъни, бундай объектларга жамият, ижтимоий синф, катта ва кичик ижтимоий гуруҳлар ҳамда шахсларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланади.

Таъсир кўрсатиш йўллари таъсир этувчи томонидан объектга мос равишда танланади, барча объектлар учун бир хил усул тўғри келмайди. Давлатга таъсир бир йўл билан амалга оширилса, шахсга таъсир этиш учун бошқача усул танланади.

Зарарнинг кўлами ва миқдори ҳам турлича бўлиши мумкин, жуда катта даражадан унча аҳамиятли бўлмаган ҳажмгача. Бу эса ўз навбатида таъсир этувчининг максади, моддий, илмий, психологик ва техник имкониятларига боғлиқ.

Шахс, жамият ва давлат манфаатлари, жамоатчилик фикри ва мамлакат маънавий юксалишига ахборот таҳдиди. Ахборот таҳдиди шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалгитишга ва охири оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам. Чунки ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши унча ҳам кўзга ташланмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарклаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзи эса мустаҳкам иродали бўлиши зарур. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг асосий қисми эса бундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун ахборий-психологик баркарорликка биринчи ўринда ахборот тарқатувчилар эга бўлиши шарт: давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бошк.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай деган: "Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган максадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва

тараққиёт карор топади. Агар шу муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди"[6]

Давлат сиёсатини таъминлашдаги ахборий тахдид. Ахборий тахдидларнинг энг хавфлиси – давлат сиёсатини таъминлашга ҳалақит бераётганларидир. Чунки агар шахсга салбий таъсир тор доирадаги одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга тахдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қуяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир, шунинг учун биз уни мазкур фанни ўзлаштириш жараёнида турли нуктаи назардан ўрганмоқдамиз.

Мамлакат ахборот такомилидаги тахдидлар; ички бозорни ахборот билан таъминлаш; миллий ахборот технологиялари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уни тўплаш. Ахборий тахдидларга карши курашнинг яхши йўлларидан бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлаши. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари яна хорижий манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсиклик килолмайди. Аслида ички ҳудудни ахборот билан етарли даражада таъминлаш унча ҳам қийин эмас, чунки бугунги кунда ахборот технологиялари жуда кенг ишлатилмокда ва ахборот таркатадиган субъектлар мамлакатнинг ҳамда дунёнинг турли бурчакларидан хохлаган маълумотларни олиб мамлакат ичида тарқатиши мумкин. Фақат ушбу ишда лоқайдлик ва ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарур. Чунки инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир вокеа бўйича уч-тўрт соат ичида маълумот (жумладан, расмий) ололмаса, пайдо бўлган ахборот бўшлигини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради.

Ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимлари хавфсизлигига тахдидлар. Биринчи Ирок уруши пайтида Ирокнинг ўша даврдаги президенти Саддам Хусайннинг кучли армияси бор эди. Аммо мазкур армия бир неча кун ичида АҚШ ҳарбийлари томонидан тор-мор қилинди. Бунинг сабаби нимада? Биринчи ўринда АҚШ ҳарбийлари Ирок армиясининг ҳарбий коммуникацияларини, жумладан, компьютерларини ишдан чикардилар. Бундай кейин техника ва аскарларни сигиш қийин бўлмади.

Мазкур мисолдан ҳар бир мамлакат ўз ахборот тизимларининг хавфсизлигини таъминлаши накадар мухим эканлигини англаб олиш кийин эмас. Ахборот асрининг мухим кўрсаткичларидан бири – давлат ва жамиятнинг барча бўғинлари учун тезкор ахборот алмашинуви биринчи ҳаётий заруратга айланиши. Бу ишни қила олганлар замона билан ҳамнафас яшайди, эплолмаганлар эса орқада колиб кетаверади ва бундай колоклик кундан кунга ошади. Демак, ривожланишни хохлаган давлат биринчи ўринда ўз коммуникация тизимлари фаолиятини, бутунлигини, уларнинг хавфсизлигини таъминлаши зарур.

2-гурух учун таркатма материал.

Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига тахдиднинг манбалари ва умумий тавсифи: ташқи ва ички тахдид, унинг тузилиши ҳамда моҳияти. Юқорида айтганимиздек, шахс томонидан ахборотни қабул қилишнинг ҳал

---

[6] Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси: халқ эътикоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: "Ўзбекистон", 2000. 23-24 б.

этувчи мезони – бу инсоннинг онги борлигидир. Мазкур онгдан фойдаланиб, мантиқий исбот ёрдамида одамга хоҳлаган, энг номаъқул ғояни ҳам "тўғрилигини" исботлаш мумкин, бу қийин эмас. Бунинг учун далилларни усталик танлаб, исбот жараёнини яхши тузиш кифоя. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаси – бу инсоннинг ўзидир.

Ундан ташқари, бошқа манбалар ҳам бор. Улар, энг аввало, ташқи ва ички манбаларга бўлинади. Ташқилари қаторига бошқа мамлакатлар Ўзбекистон ахборот ҳудудида ҳукмронлик қилишга йўналтирилган харакатлардан ҳосил бўлади ва турли нохолис сиёсий, харбий, иқтисодий, жамоавий тузилмалар вакилларининг Ўзбекистон фуқароларига нисбатан салбий таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ҳаракатлар, жумладан, хорижий ОАВ, турли нодавлат, жамоавий ташкилотлар, жамғармалар, гуруҳлар ва ҳ.к. томонидан амалга оширилади.

Ички таҳдидлар сирасига аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари етарли эмаслиги, фуқаролик жамиятининг институтлари ривожланмаётганлиги ва фуқароларнинг давлат ва нодавлат ташкилотларига мурожаатлари жавобсиз қолиб кетиши, ахборот бозори қандай ривожланиши давлат томонидан назорат қилинмаслиги, фуқаролар давлат тузилмалари фаолияти ҳақида етарли ахборот ололмаслиги ҳамда юқори ташкилотлар томонидан кабул қилинган қарорлар уларга тушунтириб берилмаслиги ва бошқ. киради.

Шахс руҳиятининг биоижтимоий табиати, унинг хусусияти, шаклланиши ва бошқарилуви, кишининг шахсий тавсифи ва ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида унинг аҳамияти. Инсон руҳияти биоижтимоий табиатга эга эканлигини кўпчилик билса-да, бу холатга ва бундан келиб чиқадиган окибатларга унча ҳам эътибор берилмайди. Биоижтимоий табиат эса инсон ҳулқи ва онги учун етакчи омил. Демак, кенг аудитория билан ишлаш жараёнида психология конунларини билмасдан самарали фаолият кўрсатиб бўлмайди. Инсон психологиясининг негизини биологик фазилатлар ташкил этади, одатда биологик жиҳатдан тинч бўлган оддий одам ижтимоий сифатларга эга бўлишга кодир. Зигмунд Фрейд, Карл Юнг ва шулар каби файласуф-психологлар исботлаб берилгани бўйича, инсон онгининг фундаментини онгсиз биологик хусусиятлар (шахсий ва жамоавий онгсизлик) ташкил этади. Шундай экан, ахборот хавфсизлиги сохасида ихтисослашаётган мутахассислар буни эътиборга олишлари зарур.

Масалан, ҳар бир инсон ҳулқи, нуқтаи назари ва позицияси турли ахборот ёрдамида ҳар хил бошқарилиши мумкин. Сиёсатшуносла ёки журналистлар бир вокеани, битта фактни шундай талкин кила оладики, ундан кенг аудитория ижобий ёки, тескариси, салбий хулоса чиқариши одатий хол бўлиб колган. Шундай экан, ахборот-психологик хавфсизлик таҳдиди тизимида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон ОАВ улар учун энг муҳим омиллар бўлган тезкорлик ва ҳақиқатгўйлик принциплари асосида иш олиб боришлари нихоятда муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари. Бундай манбалар кўп, уларнинг асосий кисми шахс ахборот–психологик

хавфсизлигига таҳдиднинг манбалари таркибида келтирилди. Қўшимча равишда бутун жамият ва миллатга хавф солаётган манбаларни келтириш мумкин, масалан, миллатчиликни, шовинизмни, империявий тафаккур, мафкуравий экспансионизм ва бошқа шу каби иллатларни қўзғатувчи давлатлар, ташкилотлар ва шахслар (Қаранг: Пахрутдинов Ш. Тараккиётга таҳдид: назария ва амалиёт. Т.: "Akademiya", 2006. 73 б.).

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига таҳдид манбалари деганда инсон ва фуқаронинг очиқ ахборотга эга бўлиши, қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишни фойдаланишга бўлган ҳукукини чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизлик маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари индивидуал, «виртуал ахборот » майдонини, унинг руҳий фаолиятига таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчилик онгини чалкаштириш имконини кенгайтириш шахснинг манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборот тизимини ва алоқа тармокларини, жамият ҳаётини таъминловчи ўта муҳим инфратузилмани мураккаблаштириш ахборот соҳасидаги жамият манфаатларига бўлган тазйиқ манбаларидан бири ҳисобланади.

Бу тазйиқлар атайин ёки тушунмасдан амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, улар техниканинг ва программавий таъминотнинг хатоси ёки ишламай колиши туфайли, жиноятчи тўдалар ёки унсурлар томонидан мазкур инфратузилмага зарарли таъсир сифатида намоён бўлиши мумкин.

Яна бир тазйик манбаи бўлиб ОАВларнинг унча катта бўлмаган мулкдорлар гуруҳи қўлида тўпланиши хисобланади. Булар тазйики остида ижтимоий ахамиятга молик бирор ходиса сохталаштирилиши ҳамда жамоатчилик фикри чалғитилиши мумкин, шунингдек, ёт қадриятларни тикиштириш йўли билан жамият ахлоқий заминига путур етказиш мумкин.

«Ахборий курол» ни таркатиш ва бу сохада «куролланиш пойгаси» ни кучайтириш ҳам ахборот сохасидаги давлат манфаатлари учун хавф манбаи хисобланади. Бундай хавфлар давлат сири ҳисобланган, бошка махфий ахборотлардан иборат бўлган маълумотларга қонунга хилоф тарзда эга бўлишдан иборатдир. Маълумки, буларнинг ошкор бўлиши шубхасиз, давлат манфаатларига зарар етказади.

Очиқ ахборот тизимлари бўлиб ахборот агентликлари, газеталар, журналлар, журнал тарздаги нашрлар, бошка нашр махсулотлар, радио, телевидение, аудио ва ведиомахсулотлар ҳисобланади. Интернет, матбуот хизмати, жамоатчилик билан алокалар, давлат, жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар ва муассасалар, реклама агентликлари бўйича тузилмалар ҳам шулар жумласидандир.

ОАВ лари бўлиб, вактли матбуот, ахборот таркатишнинг аудио-видео воситалари, ахборот агентликлари, интернет- журналистика ҳисобланади. ОАВ очик ахборот тизимининг муҳим асосий кисмини ташкил этади.

Ахборотда худудий муносабатлар: ахборот олиш худудини таъминлаш; шахсий ҳаёт ва оила сири, сирли ёзишмалар дахлсизлигини таъминлаш. Энг аввало айтиш керакки, **ахборий хуружни худуд жиҳатдан**

олтита асосий турга ажратиш мумкин:

1) умумсайёравий (бир кутбли, яъни "однополярный" дунёни ташкил этишга харакат килувчи давлатлар томонидан амалга оширилади);

2) китъавий (Осиё ёки бошка китъага нисбатан);

3) регионли (ўзаро чегарадош, масалан, Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан);

4) давлат (Ўзбекистон)га нисбатан;

5) минтакавий (масалан, Фарғона водийси);

6) маҳаллий (вилоят, шаҳар, туманга нисбатан).

Табиийки, ҳар бир давлат ўз ахборот ҳудудини ўзи ташкил этади. Бошка **давлат** томонидан ушбу мамлакат ҳудудида интенсив равишда ахборот таркатиш ахборий хуруж хисобланади, бундай харакат ушбу давлатни ўз ахборий маконини хакли равишда химоя килишга ундайди. Ҳимоя килинадиган соҳаларга давлат ва жамият манфаатларидан ташкари шахсий хаёт дахлсизлигини, оилани асраш ва сирли ёзишмаларни асраш хам киради.

Ахборот кўламини шакллантириш, ички ва халкаро микёсидаги ахборот алмашинувида давлат сиёсатидан фойдаланиш; ахборот технологиялари окимига иктидорли дастурчилар ва бошка мутахассисларни йўналтириш.

Ахборот кўламини шакллантириш жараёнида дунёвий тамойиллардан келиб чикиш зарур. Кайси бир мамлакат ушбу тамойилларни инкор килса, унинг ахборот таркатиш жабхасидаги интилишлари керакли натижа бермайди. Дунёвий тамойил эса биринчи ўринда бугунги ахборот окимлари жуда катта хажмда ва жадал суръатларда таркатилаётганидан иборат. Бундай шароитни эътиборга олиб, колаверса, уларга мослашиб иш олиб бориш, сарф-харажатлардан келиб чикиб, юкорирок натижа олишга ёрдам беради. Киска килиб ушбу фикрни куйидагича баён килиш мумкин: агар Ўзбекистонга нисбатан ахборот хуружини ракиблар томонидан катта майдон бўйича, яъни, ноаник ахборий отишмага киёсласак, Ўзбекистон давлати ва ОАВ ўз ишини аник худуд ва аҳоли катламларига режалаштирилган шаклда (точечный охват маъносида) изчил равишда олиб бориши зарур.

Ўзбекистон давлати дунё ҳамжамиятининг тенг вакили сифатида мустакилликнинг биринчи кунларидан бошлаб турли йўналишлар бўйича ўз окилона сиёсатини ишлаб чикди ва унга амал килиб келмокда. Мамлакатимиз ички ва халкаро микёсидаги ахборот алмашинувида ўзига хос ва мос хамда бошка мамлакатларга зарар етказмайдиган давлат сиёсатидан фойдаланмокда. Шуни ҳам айтиш керакки, шу сиёсатга мувофиқ иш олиб бориш барчага: давлат тузилмалари, ОАВ, жамоат ташкилотлари учун, колаверса, бутун мамлакат учун фойда бериши мукаррар. Ушбу сиёсатдан чекланиш эса давлат микёсидаги бирликка, ҳамжиҳатликка путур етказади.

Маълумки, инсоният ривожланишининг "учинчи тўлкин" боскичида давлатларнинг асосий бойлиги ахборотдир. Демак, ҳар бир мамлакатга ахборот билан ишлайдиган мутахассислар хам керак. Одатда бундай одамлар сифатида журналистлар тилга олинади. Лекин бу масаланинг факат бир кирраси. Ундан ташкари, ахборот билан самарали тарзда сиёсатшунослар, политтехнологлар, ўкитувчилар ва бошкалар хам ишлайди. Охирги йилларда бундай

мутахассислар сафига пиарменлар ҳам қўшилди. Лекин ахборот технологиялари ривожланган даврда энг керакли мутахассислар компьютер дастурчиларидир. Ўз давлатини ривожлантирмокчи бўлган ҳукумат ахборот асрида биринчи ўринда ушбу тоифадаги мутахассиларни тайёрлаш зарурлигини англайди ва кун тартибига қўяди. Маълумки, Ўзбекистон республикаси ҳам мазкур масала бўйича жадал ҳаракат килиб, бугунги кунда кўп вилоятлардаги университетлар таркибида шундай мутахассисликни очди. Журналистлар тайёрлаш масаласи бўйича саккиз йил ичида Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори кабул килинди.

Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдиднинг шаклланиш омиллари, унинг таъсир доираси кенгайиши. Замонавий босқичда шахснинг ахборий-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг кўлами анча кенг. Буларнинг ичида асосийлари деб куйидагиларни келтириш мумкин. Биринчи ўринда шахс кадр-кимматини паймол килмаслик, фикр ва сўз эркинлиги, адабий, бадиий ва илмий ижод эркинлиги. Иккинчидан, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирнинг ҳимояси. Учинчидан, оммавий ахборот воситалари эркинлиги, ҳар бир киши уларда конун доирасида ўз фикрини айта олиши. Мутахассисларнинг кузатувларига мувофик, ОАВда фуқаролар ўз фикрларини эркин айтишлари давлат учун хавфли эмас, одамлар эса уларнинг сўзини бошкалар ҳам эшитишини хохлайди ва шунга интилади. Тўртинчидан – маънавий кадриятларга, халкнинг урф-одатларига, жамиятнинг маданий меросига кимнингдир томонидан хужум килиниши.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маърифатпарварлик ҳакида нима деган? (“Миллий истиклол мафкураси – халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир” асари бўйича).
2. Таҳдид турлари кандай бўлади?
3. Ахборий-психологик баркарорликка биринчи ўринда ахборот таркатувчилар эга бўлиши нима билан шартланади?
4. Ахборий таҳдидларга карши курашнинг йўллари нимадан иборат?
5. Мамлакатнинг ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимлари хавфсизлигига таҳдидлар кандай окибатларга олиб бориши мумкин?
6. Шахс ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг манбалари ва умумий тавсифи нимадан иборат?
7. Шахс рухиятининг биоижтимоий табиатини тушунтириб беринг.
8. Жамият ахборот–психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг манбаларини тавсифлаб беринг.
9. Ахборот кўламини шакллантириш, ички ва халкаро микёсидаги ахборот алмашинувида давлат сиёсатидан фойдаланишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
10. Ахборотни кабул килиш, кайта ишлаш, таркатиш механизмини ифодалаб беринг.

4 – мавзу: Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ахборот кураши

Режа:

1. Ахборот кураши иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) – 5 дақиқа.

2. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ахборот кураши (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

3. Дарсга якун ясаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Ахборот кураши иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум).

2. Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва бу ҳақида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва ушбу масала бўйича талабалар ўзлаштириши савиясини аниқлаш учун «Қарорлар шажараси" педагогик технологиясини қўллаш мумкин. Бунинг учун доскада ёки катта ватманда "Қарорлар шажараси" схемаси кўрсатилади. Гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва гуруҳ муҳокама этиб шу схемадаги ҳар бир ОАВ турининг афзаллик томонлари ва камчиликларини ёзади.

Ҳар бир гуруҳга олдиндан тайёрланган қуйидаги дидактик тарқатма материал берилади. Унинг юқори қисмида умумий муаммо қўйилган бўлиб, ҳар бир гуруҳ 5 дақиқа ичида ўзининг фикрини, яъни оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятларини, афзаллигини ва камчилигини ёзиб қарор, яъни хулоса чиқариши керак.

"Қарорлар шажараси" педагогик технологиясини қўллаш учун тарқатма материал

Оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос хусусиятлари							
ТВ		Радио		Матбуот		Интернет	
Афзаллиги	Камчиликлари	Афзаллиги	Камчиликлари	Афзаллиги	Камчиликлари	Афзаллиги	Камчиликлари
Хулоса							

Ҳар бир гуруҳ хулосалари муҳокама қилинади ва энг яхши вариант жавоби баҳоланади.

3. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ахборот кураши. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гурух учун тарқатма материал.

Ахборот уруши ва унинг усуллари

Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметига айланиб бормоқда. Г. Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик конуниятлар инобатга олинади. *Ахборот-психологик қурол* – бу янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир.

Ахборий қуролга тавсиф

Кенг маънода ахборий қурол *– бу рақиб мамлакат фуқароларини керакли йўналишда фикрлашга ундайдиган, унинг нуқтаи назарини ўзгартиришга қодир бўлган ва керакли ахборот ёрдамида амалга оширилaдиган ҳаракатлар*

Тор маънода ахборий қурол *– бу рақибнинг ахборот захиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологиялар*

Ахборот қуроли хусусиятлари

- ахборий қуролни ишлаб чиқарилиши арзон
- ахборот қуроли учун давлат чегаралари нисбий характерга эга
- ҳарбий ва ноҳарбий жанглар ўртасида фарқлар аниқ эмас
- ахборий хужумни олдини олишнинг деярли иложи йўқ
- ахборий уруши оқибатидаги зарарни хисоблаб чиқиш қийин
- доимий ҳарбий блоклар ва бирлашмалар тузиш қийин

"Ахборот уруши" тушунчаси нисбатан янги бўлиб, у ўзига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий борликнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Унинг асосий кўринишларидан бири – компьютер вируслари ва янги технологияларни ўғирлаш орқали зиён етказишдир. Ахборот урушининг оқибатида аввало танлаб олинган аудитория (кўпинча бу ёшлар аудиторияси)нинг билимлари, таълим тизимига таъсир кўрсатилиб, уларнинг анъанавий маданиятини кўпориб ташлашга уриниш содир бўлади. Бундай шароитда одатда "хамма хаммага қарши" бўлиб, мағлуб томон одатда у ёки бу соҳадаги устивор мақомини батамом йўқотади. Бундай қуролни ишлатишни билган бир ҳовуч ғаразли ниятли одамлар катта ижтимоий гурухларни ёки яхлит мамлакатларни ўзига тобе қилиши, ўз ахборот маконида саклаши мумкин. Одатда қайси мамлакатда ахборот ресурслари кўп бўлиб, у юкори технологиялар борасида илгарилаб кетган бўлса, айнан шу давлатнинг ахборот уруши комида колиш эхтимоли юкори бўлади. Шу сабабли ҳам дастлаб ахборот урушлари ҳақидаги ахборотлар ривожланган Япония ва АҚШда қайд килина бошланган.

Шундай килиб, ахборот уруши – бу гуманитар соҳада бир ижтимоий гурухнинг бошка бир ижтимоий гурух манфаатларидан қатъий назар уни ўзига тобе килиш, ўз қадриятларига кўндиришга каратилган узокни кўзлаган сиёсатидир. Бунда асосий курол ролини чексиз маълумотлар маконида фаолият юргизаётган электрон ОАВ ўйнайди.

Ахборот урушлари олиб боришнинг услуллари ҳам турлича бўлиб, унинг асосийлари қуйидагилардир:

- Ахборот хуружларининг энг кенг тарқалган турига аввало *рекламани* киритиш мумкин. Чунки яхши ишланган реклама – бу одамларнинг ишонч ва эътиқодини жуда тез ўзгартиради. Ишонч ва эътиқоднинг ўзгариши эса эгасини дадил ҳаракатларга чорлайди.

- *Парчалаб ташланган маълумотлар* – ахборот хуружларини амалга оширишнинг янги воситаларидан бири. Бунда бир қарашда аҳамиятсиз, айрим-алоҳида маълумотни ўзида мужассам этган ахборот уни идрок этганларнинг маданий савиясига бевосита таъсир қилиб кўйганини билмай колади киши. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, одатда аклли мутахассислар муҳим, глобал характерли маълумотларга эътибор бериб, орада ўтказиб юборилган, кўшиб берилаётган нарсаларга эътибор қаратмайдиган, лекин айнан ўша кичик маълумот онгости тизими орқали шахсга кучли таъсир қилиши мумкин. Масалан, чиройли, маънили кўшикни бемаъни либос, ёт маданиятга хос бўлган колипда тикилганлиги, ёшларнинг кийиниш дидига кучли таъсир килиши мумкин. Чунки одатда катталар кўшиқнинг мазмунига эътибор беришса, ёшлар кўшиқчининг либоси, ўзини тутишига аҳамият беради.

Ташаббусни эгаллаш – ахборот агрессияларидаги яна бир усул. Янги маълумотни билган захоти уни эгасидан аввал "меники" деб бериб юбориш кўплаб ахборот каналларида ишлатиладиган усул бўлиб, ўзгалар ташаббусини "бизники" дейиш орқали ўз мамлакати аҳолиси, хаттоки, хориж каналларида ўзларига маъкул фикрни таъкидлаб, номаъкулини ўзгаларникидай кўрсатишга асосланади.

Ёмонлик билан тугамайдиган қуролларни ишлатиш – мутахассисларнинг фикрича, одамлар ҳаётига таҳдид солмайди, бундан одамлар саломатлик ёки умрларининг тугаши каби талофатлар кўрмайди, лекин улар оммани гаразли чакириклар билан тўс-тўполонларга чикишга мажбур этиши, алоқа воситаларини батамом ишдан чиқариши ёки энергия манбаларининг ноконуний бошқа тарафга ўтиб кетишига олиб келиши мумкин. Масалан, бундай курол ишлатилганда баъзан ишлаб турган радио канал тармоғига бегона канал тушиб олиб, ўз "дийдиёси"ни гапириши, одамларнинг "нима бўлди экан?" кабилида қизикишларига асоланиб, бирор сиёсий лидерни ёмонлаши, ёки геноцидни тарқатиши мумкин. Максад – тингловчиларнинг фикрини ўзгартириш орқали, уларнинг хулқ-атворига таъсир кўрсатишдир.

Ахборот орқали таъсир кўрсатиш механизми – асосли ёки асоссиз, ўринли ёки ўринсиз ахборот етказиш орқали оммaнинг онгини бошкаришга таянади. Чунки омма ёки "оммавий одам" теран тафаккур юритиш, хар бир маълумот ёки ахборотни таҳлил қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам юкори технология воситалари орқали одамлар онгига таъсир килиш унинг онгости тузилмасига бевосита таъсир кўрсатиш орқали, унинг идрокидаги онглиликни камайтириш, хар қандай янги маълумотга нисбатан табиий толерантлиликни оширишга йўналтирилгандир. Буни психологлар психиканинг "калити" деб изоҳлашади. Чунки одам ҳамиша янгиликка кизикади, "Бу нима?" рефлекси айникса, кичик ёшли ва ўсмирлик ёшидаги болаларда кучли бўлгани сабабли, улар танкидсиз хар турли маълумотни кабул килишга мойил бўладилар.

Шунинг учун ҳам охирги йилларда психологлар ўз навбатида бола онгини турли ғайри табиий ахборотга нисбатан чиниқтириш, унинг ўзида психологик ҳимоя воситаларини ва имкониятларини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.[7]

Баъзи бир давлатларнинг ахборот бозоридаги ҳукмронлигининг ошиш тенденцияси, халқлар, давлатлар ва маданиятлар хусусида уларнинг шахсий қарашларини шакллантиришга интилиши. Маълумки, бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари жадал ва кенг кўламли бўлмоқда. Битта мисол: охирги эллик йил ичида жамиятда айланадиган ахборот ҳажми миллион марта кўпайди ва кундан кунга янада ошиб бормоқда. Бу шундай бир катта рақамки, уни тўла даражада англаб олиш ҳам қийин. Шуни айтиш зарурки, бундай имкониятлар ҳамма давлатларга ҳам хос эмас.

Демак, техникавий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар кучли ахборот технологияларига эга. Шунинг эвазига улар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни таркатиш йўли билан бошқа мамлакатлар устидан олдин ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Бундай давлатлар сирасига энг аввало ривожланган мамлакатлар киради. Мазкур мамлакатларнинг ахборот манбалари сифатида биринчи ўринда давлат ахборот марказлари ва миллий ОАВ хизмат қилади.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсадлари қуйидагилар:

- ўз турмуш тарзини ташвикот қилиш натижасида ғоявий ҳукмронликка эришиш, бундай ҳукмронлик, ўз навбатида:
- сиёсий
- иқтисодий
- маданий ва бошқа ҳукмронликларга олиб боради.

Ахборий ҳукмронликнинг мақсадларидан асосийси – ахборот таркатадиган мамлакатнинг мафкурасини бошқа давлатлар ва халклар ўртасида кенг таркатиш ва тарғиб қилиш. Лекин бундай вазифа борлиги ҳакида улар очик ойдин айтмайди, аксинча, уни ҳар хил йўллар билан яширади. Масалан, инсон ҳуқуқлари ёки демократик андозалар никоби остида ва ҳоказо.

"Биринчи даражали" ва "ривожланмаган" давлатлар ҳақидаги афсонанинг яратилиш эҳтимолини мавжудлиги. "Биринчи даражали" ва "ривожланмаган" давлат ҳакидаги афсоналар аслида бир неча асрлик тарихга эга. Аммо сайёрамиз мамлакатларини бундай тоифаларга бўлиш учун асос йўқ. Иқтисодий, илмий ва техникавий жиҳатлардан ривожланган мамлакатлар аҳолиси яхши яшайди деган гапнинг ўзи унча ҳам тўғри эмас. "Яхши яшаш" нима дегани? Моддий бойлик етарлигими? Унда нега аҳолиси энг узок умр кўрадиган Япония бир неча ўн йилликлар давомида дунё мамлакатлари ичида ўз жонига қасд килувчи фуқаролар сони жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради? Нега Самарканд ва Бухоро тўйларини кўрган француз ва немислар бизнинг урф-одатларимизга ҳавас билан қарайдилар ва "сизларга Европа маданияти керак эмас экан" деган фикрларни билдирадилар? Бу АҚШ профессори Самюэль Хантингтон айтган маданиятлар (цивилизациялар) тўқнашуви эмас, аксинча, улар турфа хиллиги, колаверса, сиртки диалогидир

[7] Ижтимоий психология: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т., 2007.

2-гурух учун тарқатма материал.

ОАВ ахборот–психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида. Афсуски, айрим ОАВлар бугунги кунда шундай воситага айланганлар. Ушбу урушда ОАВнинг ўрни ва ролини аниклаш учун энг аввало ахборий-психологик урушнинг маъносини англаб олишимиз зарур. "Ахборот уруши" сўзларининг асосчиси физик-олим Томас Рон хисобланади, 1976 йилда у ахборотни ҳарбий кучларнинг энг заиф буғини деб таърифлаб, ушбу масалага барча давлат микёсидаги масъул кишиларнинг эътиборини каратди. Шундан бери мазкур сўзларнинг ахамияти кундан кунга кучайиб келмокда.

Бевосита ахборот уруши таърифига келганда, биз бир китобдан иктибос келтирмокчимиз: "Ахборот уруши деб, ижтимоий, сиёсий, этник ва бошка тизимларнинг моддий ютукка эга бўлиш максадида бир-бирига очик ва яширин максадли ахборий таъсирларга айтилади. Шу билан бир каторда ахборот уруши деб ракиб устидан ахборий хукмронликка эришиш ва шунинг эвазига унга моддий, мафкуравий ёки бошкача зарар етказиш учун давлатнинг харбий кучлари, хукумати ҳамда хусусий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ва операциялар мажмуасига айтилади" (Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006, 203 б.).

Турли ОАВ (телевидение, радио, даврий матбуот)нинг ўзига хос психологик таъсири. Ҳар бир ОАВ аудиторияга ўзига хос таъсир этиш кучига эга. Интернетгача уларнинг ичида энг самаралиси телевидение эди, чунки у томошабинга уч йўл билан ахборот стказади: тасвир, овоз ва мантиқ. Шунинг учун телевидение оммавий равишда таркалганидан кейин беш-ўн йил ичида беш юз йиллик тарихга эга бўлган матбуотдан ўзиб кетди. Радио ҳам катта кучга эга, чунки у икки канал оркали таъсир кўрсатади, овоз ва мантик. Унинг афзаллиги – жонли овоз ёрдамида аудитория билан мулокот килиш, бундай усул ахборот манбаи билан тингловчи ўртасидаги масофани йўкотади. Инсон овози, уни юракдан чикиши, ундаги ҳаяжон ва самимийлик радионинг имкониятини кескин оширади.

Матбуотнинг ўкувчи билан мулокот йўли эса асосан мантикий исботдан иборат, бундай таъсирга маълум миклорда тасвир ҳам кўшилади: газетадаги расмлар, ранг, сарлавҳалар кўринишлари.

Психологик таъсир технологияси. Юкори технология ва оммавий коммуникация. Психологик таъсир инсоннинг ахборотни кабул килиш йўллари билан боглик: кўриш, эшитиш, таъмини билиш, хидини сезиш, кўл билан тегиш, фикрлаш ва х.к. Ахборот хавфсизлиги масаласига келганда психологик таъсир кўпрок ОАВ ёрдамида амалга оширилади, шунинг учун улар мутахассислар томонидан тинмасдан мукаммаллаштирилмокда. Натижада ривожланган мамлакатлар матбуот, радио ва телевидениенинг барча имкониятларини ўзида мужассамлаштирган интернетдек юкори технологияга эга бўлдилар.

Интернет оммавий коммуникация таъсирини энг баланд поғонага кўтарди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бирдан бутун дунё бўйича

таркалиб кетади. Унинг адади (тиражи) эса чексиз. ОАВнинг роли интернеттача хам кучли бўлган, энди эса уларнинг таъсири тасаввур қилиб бўлмайдиган даражага етди. ОАВдан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини хам бажаради. Энг қулайи шундаки, интернетдаги маълумот жуда кўп, у арзон ва ўта тезкор.

Интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикасининг такомили. Интернетни кўп мутахассислар ҳарбийларнинг ихтироси деб айтади. Аслида эса дастлабки босқичда уни АҚШдаги тўртта университет кашф этди. Мазкур университетлар компьютерларини бир тизимга бирлаштириб, ўзаро кутубхоналаридан фойдалана бошладилар. Пентагон эса бундан тез хабар топди. Ва ихтиронинг имкониятларини ўрганиб, ундан ҳарбий қўмондонликни такомиллаштириш максадида олимларни жалб этиб, уларга барча шароитларни яратиб, арпанетни (интернетнинг биринчи номи) ўз максадларига йўналтирди. Узокка бормай ундан журналистлар хам фойдалана бошлади. Натижада интернет журналистикаси пайдо бўлди.

ИНТЕРНЕТНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

- реклама
- маълумотнома
- электрон почта
- конференция (очик мулокот)
- манфаатлар бўйича клублар
- оммавий ахборот воситаси

Интернет журналистикаси – катта ва мухим мавзу, уни маърузанинг бир кисмида очиб беришнинг иложи йўк (Қаралсин: Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2005). Шунинг учун биз факат унинг ижобий ва салбий томонларини айтиб ўтамиз. Интернетнинг қулайликлари: арзон, тезкор, техник жиҳатдан материалларни жойлаштириш кийин эмас, маълумотларни катта ҳажмда ўрнатиш мумкин, уларни турли тилларга ўгириш осон, ахборот чегара ва масофани билмайди ва х.к. Салбий окибатлари: хохлаган одам истаган ахбороти билан виртуал майдонга тўсиксиз кириб келиши, назорат йўклиги ва шу туфайли террористик хамда порнографик маълумотлар ўта кўплиги, космополитик ғоялар ҳамда "универсал маданият" кенг таркалиши, давлат роли пасайиши, тармок ёрдамида демократик фундаментализм ривожланиши ва бошкалар.

3-гуруҳ учун таркатма материал.

Нейролингвистик дастурлаш ва доимий, узлуксиз эфирга узатиладиган телевизион хабарлар натижасида турли миллат ва халклар онгига таъсирнинг ўсиши. Нейролингвистик дастурлашни айрим мутахассислар (масалан, Г.Г.Почепцов) томонидан унга хеч нарсани карши кўйиб бўлмайдиган шприц таъсирига қиёслайдилар. Бундай ўхшатишда маълум бир ҳақиқат бор. Агар бирор-бир ғояни, у ёлғон бўлса хам, ОАВ ҳаддан ташқари кўп ва турли шаклларда такрорлайверса, аудитория (гарчи у ушбу ғояга дастлабки босқичда ишонмаган бўлса-да) бориб-бориб кейинча унга ишонадиган бўлади. Ҳар хил услубларда, барча ОАВда маълум бир фикрни такрорлаш одамнинг остки онгига таъсир этади ва у ушбу фикрга ишонадиган

бўлади. Мазкур жараённи мутахассислар нейролингвистик дастурлаш деб атайди.

Агар радио, телевидение ва матбуотда айрим давлат, гурух ёки шахс ҳақида қайта-қайта бирор-бир нотўғри баҳо такрорланаверса, турли мамлакатлардаги халқлар, ҳар хил миллатлар унга ишонадилар. Нейролингвистик дастурлаш учун энг қулай ОАВ телевидениедир, чунки у аудиторияга бир пайтнинг ўзида учта канал орқали ўз таъсирини ўтказади. АҚШ коммуникативистлари телевидениени хатто транквилизаторга ҳам ўхшатадилар.

"Маданий босқич" ва "инсон ҳуқуқ"лари экспансияси тушунчасининг моҳияти ва унинг пайдо бўлиш шакллари. "Маданий босқич" ва "инсон ҳуқуқ"лари ғоялари Ғарбда пайдо бўлиб, Ғарб мамлакатлари томонидан бутун дунё буйича тарқатилмоқда. Бу эса жуда мураккаб ва, энг муҳими, самарасиз жараён. Катта муҳокамаларга сабабчи бўлган Самюэль Хантингтоннинг "Маданиятлар тўқнашуви" деб номланган мақоласини ўқимаган сиёсатшунос бўлмаса керак. Афсуски, ўзбек тилига таржима қилинганда, мақоланинг энг муҳим парчаси тушиб қолган. Ушбу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қиламиз: "Турли жамиятларнинг маданий қадриятларини ўрганишга бағишланган юзта асарни қиёсий усулда ўрганиб чиққан бир муаллиф (Harry C. Triandis назарда тутилмоқда – Ф.М.) ўз обзорида шундай хулосага келганки, "ғарб жамиятида энг эъзозланаётган қадриятлар дунёнинг қолган қисмида энг паст аҳамиятга эга экан". Сиёсий жиҳатдан ушбу қарама-қаршилик АҚШ ва бошқа ғарбий давлатлар томонидан бошқа халқларни демократия ва инсон ҳуқуқларига тегишли ғарбона ғояларни қабул қилишга мажбурлаш самарасиз эканлигини кўрсатмоқда. Замонавий демократик тузум Ғарбда пайдо бўлди. Ноғарбий давлатлар томонидан эса бундай тузум ғарбона колониализм ёки мажбурлаш хосили деб қабул қилинади" ("Экономическое обозрение", 1998, январь, 74 б.). Херри Триандис обзоридаги ғоялар "Нью-Йорк Таймс" газетасида 1990 йил 25 декабрь куни 41 бетда ҳам чоп этилди. Замонавий илмда бундай харакатлар "демократик фундаментализм" деб ном олди.

Янгилик, унинг кўриниши ва шакллари. Чегараланмаган журналистика; янгиликларни тиклаш йўллари, фактларни тартиблаш ва таҳлил этиш, янгиликлар блокининг тартиби.

Янгиликларнинг кўринишлари хар хил бўлади: воқеа, ходиса, рақам, фамилия, лавозимлар, жойлар номлари акс эттирилган хабар, лавҳа, репортаж, маълумотномалар ва х.к. Бугунги кунга келиб янгиликларни етказиш усуллари ғоявий курашнинг катта бир йўналишига айланиб қолди. Ушбу соҳада эса нафақат журналистлар, улар билан бир қаторда сиёсатшунослар, политтехнологлар, иктисодчилар, психологлар, кискаси, оммавий ахборотни оммага етказадиган барча мутахассислар устаси фаранг бўлиб кетганлар. Уларнинг махорати шу қадар ривожланиб кетдики, янгиликдан, унинг мазмунидан қатъий назар, кандай хулоса чиқариш керак бўлса, шундай тарзда у аудиторияга етказилади. Фактларни эса керакли тартибда тизимлаштириш қийин эмас, уларнинг кетма-кетлигининг ўзи аудиторияга керакли маълумотни беради ва ахборот етказувчи учун зарур бўлган дунёқарашни шакллантиради

4 гурух учун таркатма материал

Ахборот урушини аниклаш. Ахборот уруши таркиби: психологик, электрон ва дезинформацион; ахборот хужуми ва унинг турлари (тўғридан-тўғри, айланма), ахборот тизимининг ишдан чиқиши. Ахборот уруши таърифини биз юқорида келтирган эдик. Ушбу фикрни давом эттирамиз. Ахборот урушининг хусусиятлари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, ахборот куролини ишлаб чиқиш унча хам киммат эмас ва бу ишни турли соха мутахассислари бажариши мумкин. Иккинчидан, чегараларнинг нисбийлиги: давлатлар, конуний ва ноконуний харакатлар, харбий ва нохарбий жанглар ўртасида ва х.к. Учинчидан, хужумнинг олдини олиш ноиложлиги. Тўртинчидан, зарарни хисоблаб чиқиш мураккаблиги. Бешинчидан, харбий блоклар, бирлашмалар тузиш кийинлиги ва х.к.

Ахборот куроли, унинг ўзига хослиги, замонавий дунёда уни қўллаш имконияти ва кўлами. Ахборот куролининг кенг ва тор маънолари бор. Кенг маънода ахборот куроли деб ракибни керакли йўналишда фикрлашга ундайдиган, унинг нуктаи назарини ўзгартиришга кодир бўлган ва керакли ахборот ёрдамида амалга ошириладиган харакатларга айтилади. Тор маънода ахборот куроли деб ракибнинг ахборот захиралари устидан назоратни таъминлайдиган ва унинг телекоммуникациялари тизимларига зарар етказа оладиган техникавий усуллар ва технологияларга айтилади. Демак, ахборот куроли – бу ракибнинг ахборот ва бошкарув тизимларига таъсир этувчи махсус мослама ва воситалар. Табиийки, ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар томонидан бундай куролдан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг.

Ахборий карама-каршиликнинг максади, восита ва шакллари, уни назорат этиш, жамиятнинг умумий холатига келтирадиган психологик зарарлари. Ахборий карама-каршиликнинг максади – дунёвий (глобал) ахборот майдонида миллий манфаатлар химоясини таъминлаш. Мазкур максадга эришиш эса турли мамлакатлар томонидан турлича амалга оширилади: технологик кучли давлатлар хукмронлик килишга интилади, ривожланаётган давлатлар эса ўзини химоялашга харакат килади. Иккала томон хам ўзига кулай келадиган усуллардан фойдаланади.

Аммо шуни хам айтиш керакки, технологик жихатдан кучли давлатнинг ахборий хужуми бошка мамлакатлар ахолисига катта психологик зарар етказади. Чунки бундай урушни тўхтатадиган ва агрессор-давлатга нисбатан чора кўриш учун имконият яратадиган халкаро меъёрий хужжат йўк. Ривожланган мамлакатлар ушбу вазиятдан кенг фойдаланмокдалар.

Хорижий ОАВлаги ахборот экспансиясидан химояланиш йўллари

- миллий ахборот инфратузилмани замонавий даражага кўтариш
- миллий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш
- оммавий ахборот воситалари фаолиятида дунёвий давлатлар кабул килган журналистиканинг сифат стандартларига риоя килиш
- миллий кадриятларни саклаш ва ривожлантириш

Бунинг учун бош омил ва мустаҳкам фундамент – миллий истиқлол ғояси

ОАВ доирасида халқаро корпорация; дунё ҳамжамияти ва айрим давлатларда жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми сифатидаги ўрни. ОАВ сохасида бевосита халқаро корпорациялар кам ва улар дунё бўйича ахборот таркатиш жараёнига катта таъсир кўрсатолмайдилар. Бундай ОАВ сифатида биз Си-эн-эн ва Би-би-си, Евроньюс ва ТВ–5, Ассошиэйтэд Пресс ва Франс Пресс, Рейтер ва ИТАР-ТАСС, Америка овози ва Дойче Веллеларни тилга олишимиз ўринлирок бўларди. Ушбу ахборот манбалари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Россияларга тегишли бўлиб, улар нафақат юкори тезлик ва катта хажмда, шу билан бир каторда турли тилларда маълумотларни таркатадилар. Масалан, Би-би-си телерадиокорпорациясининг ўзбек тилидаги сайти, Америка овози радиостанциясининг эса ўзбек тилидаги бўлими бор. Биз улар Ўзбекистон ҳақида таркатадиган материалларга бефарк бўла олмаймиз.

Хориж матбуоти, телевидение, радио ва Интернетнинг асосий кадриятлари. Хориж ОАВнинг аҳолига таъсир кўрсатиш йўли, шакл ва услублари.

Кейинги пайтда хорижий ОАВ ахборот манипуляцияси, яъни яширин максадларда ахборот тузилиши, такдим этиш йўлларини ўзгартиришдан кенг фойдаланишмокда. Бундай манипуляциянинг айрим усуллари куйидагилар:

- анекдотлар
- 25-кадр
- уйдирмалар (инсинуациялар)
- обрўсизлантириш (компрометация)
- мантиқий хатолар: тезисларда, асосларда, демонстрация (исбот жараёнида)
- сохта рейтинглар
- сохта сўровлар
- қайта-қайта такрорлаб мажбурий ишонтириш (внушение)
- сохта пресс-релиз тайёрлаш
- расмлар монтажи
- ёлғон гапларни таркатиш

Табиийки, бундай ахборот манбалари, энг аввало, иктисодий жиҳатдан бакувват давлатлар томонидан уларга хос ва мос бўлган кадриятларни, жумладан, ғарбий кўринишдаги "демократия стандартлари"ни таркатади. Бу ҳакда биз кисман юкорида айтиб ўтдик. Бунинг сабаби нимада, деб ўзимизга савол берсак, жавоб куйидагича бўлиши мумкин. Гап шундаки, ҳар бир ҳалқ ёки миллат тарихий ривожланиб ва шаклланиб келган ва ушбу кўп асрлик жараённинг ўзи кайси бир яшаш усули тўғри ёки нотўғри эканлигини исботлаб берган. Агар устига устак у ёки бу халкка мана бундай яшанглар, бу тўғри бўлади деб, уни шунга мажбурласа, албатта, бундай зўравонлик, жумладан, "демократик фундаментализм" кўпчилик томонидан кабул килинмайди. Агар хорижий ОАВ ёки ташкилотлар Ўзбекистон худудида умуминсоний

кадриятларни таркатишга ёрдамлашса, улар ўзбекистонликлар томонидан яхши қабул килинади. Бунга мисол сифатида мамлакатимизда кўп йилдан бери фаолият кўрсатадиган Конрад Аденауэр ёки Фридрих Эберт жамғармаларини айтиш мумкин.

Ахборотдан фойдаланиш маданияти тушунчаси, тузилиши ва моҳияти. Ахборотдан фойдаланиш маданияти хеч качон ўзидан ўзи келмайди, бундай маданият бир катор омилларга боғлик. Биринчидан, ахборот истеъмолчилари юксак шахсий маданиятга эга бўлишлари лозим. Иккинчидан, ОАВ ва бошқа манбалардан келаётган маълумотнинг магзини чақиб, унинг муаллифлари максадларини англаб олиш керак. Учинчидан, касбий ўсиш ва шахсий дунёкарашни ривожлантирадиган маълумотларни олиб, кераксиз ахборотни тез эсдан чикариш зарур ва х.к.

Ахборотдан фойдаланиш маданиятини ошириш йўллари

- олинган ахборотни бошка манбалар билан солиштириб кўриш;
- ахборотдаги маълумотларни мантиқан таҳлил қилиб чиқиш
- муҳим фактларни асл манбалар ёрдамида текшириш
- ахборот ким томонидан ва қандай максадда берилганини таҳлил қилиб чиқиш
- ахборот кимнинг фойдасига ишлашини ўрганиб чиқиш.
- муҳим маълумотларнинг архивини олиб бориш
- юксак шахсий маданиятга эга бўлиш ва бошқ.

Мавзу бўйича саволлар

1. Баъзи бир давлатларнинг ахборот бозоридаги ҳукмронлигининг ошиш тенденцияси нимадан иборат ва у қандай амалга оширилади?
2. ОАВга ахборот психологик урушни олиб бориш воситаси сифатида кандай тавсиф берар эдингиз?
3. Телевидение, радио ва даврий матбуотнинг ўзига хос психологик таъсири ҳақида гапириб беринг.
4. Интернетнинг пайдо бўлиши ва интернет журналистикасининг такомили ҳақида нимани биласиз?
5. Нейролингвистик дастурлаш жараёнини тушунтириб беринг.
6. "Маданий боскич" ва "инсон ҳукук"лари экспансияси тушунчалари ҳакида нимани биласиз?
7. Ахборот уруши ва ахборот куролини тавсифлаб беринг.
8. Ривожланган мамлакатларнинг халкаро микёсилаги етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан дунё ҳамжамияти ва турли давлатларда жамоатчилик фикрини шакллантириш механизми кандай амалга оширилади?
9. Жамоа рухияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ахборот манипуляцияси, унинг максад ва вазифалари, коида, усул ва шакллари ҳакида гапириб беринг.
10. Ахборотдан фойдаланиш маданияти тушунчасини изохлаб беринг.

5 –мавзу: Ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг тузилиши.

Режа:

1. Ахборот соҳасида хавфсизлик деганда нимани тушунасиз? (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг асосий йўналишлари («Чархпалак» педагогик технологияси асосида) - 15 дақиқа.
3. Ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг тузилиши (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Ахборот соҳасида хавфсизлик деганда нимани тушунасиз? (Ақлий ҳужум).
2. Ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг асосий йўналишлари, бу ҳақида олинган маълумотларни мустаҳкамлаш ва ушбу масала бўйича талабалар ўзлаштириши савиясини аниқлаш учун «Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш мумкин. Бунинг учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга олдиндан тайёрланган қуйидаги дидактик тарқатма материал берилади. Унинг юқори қисмига чап томонга гуруҳ номери ёки шартли номи, ўнг томонга гуруҳ аъзолари белгилаш учун танлаган белги қўйилиши ва гуруҳ мухокама қилиб, жадвалнинг чап қисмидаги устунда ифодаланган ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг йўналишлари хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келишини белгилаш таклиф этилади. Бу белгилар қўйилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна гуруҳ фикри бўйича тегишли белгилар билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, гуруҳлар фикрлари белгиланган қоғозлар чархпалак сингари гуруҳлар орасида айланиб бўлгач, натижалар мухокамаси ташкил этилади. Бунда жадвалнинг чап қисмидаги 2-устунда ифодаланган ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг йўналишлари қайси асосий йўналишларга мос келиши бўйича белгилашларда қандай бандларда фарқлар мавжуд бўлса, шу банддаги хусусиятлар қайси асосий йўналишларга мансублиги мухокама этилиб, умумий бир тўғри хулосага келинади.

«Чархпалак» педагогик технологиясини қўллаш учун дидактик тарқатма материал.

Қуйидаги жадвалнинг чап қисмидаги устунда ифодаланган ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг йўналишлари хусусиятлари қайси таркибий қисмга мос келади?

		Ахборот сохасида хавфсизлик тизимининг асосий йўналишлари				
	Ахборот сохасида хавфсизлик тизимининг асосий йўналишларининг хусусиятлари	**Социологик йўналиш**	**статистик йўналиш**	**сиёсий психология**	**мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил**	**ахборот тизимида миллий истиқлол ғояси-нинг устиворлиги**
1	жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг омилларини ўрганишни йўлга қуйиш					
2	сиёсий можаролар келиб чиқиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниқлаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти – ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиш					
3	аниқ хисоб-китобларга, таҳлилий ечимларга эга бўлиш					
4	Фукаро ахборот бозоридан "маҳсулот" танлаш жараёнида унинг қалбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг окибати сифатидаги ҳатти-ҳаракати ва муносабатида **мафкуравий иммунитет** устуворлигини таъминлаш					
5	илмий-таҳлиий, назарий ва амалий хулосалар чиқариш					

4. Ахборот соҳасида хавфсизлик тизимининг тузилиши кичик гуруҳларда ишлаш учун гурух 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

I-гурух учун тарқатма материал.

Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва асосий компонентлари

Инсоният ахборот окими тобора тезлашган, Ер шари аҳолиси кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос ютуғи ахборот халқлар, мамлакатлар, давлатлар ўзаро муносабатларини тобора якинлаштиришга, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, дунёвий кайфият, дунёвий руҳият ва маслакнинг вужудга келишига хизмат киладиган мўжизакор ходиса.

Бирок цивилизациянинг ана шундай улкан, кенг микёсли ва серқирра ютуғидан ким қандай мақсадларда фойдаланаяпти? Уни бекиёс ва кудратли кучини нималарга ишлатаяпти? - деган ҳақли савол ҳам муаммога айланмоқда.

Умуман олганда инсоният тафаккури кенгайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашгани сайин инсоният ўзининг буюк яратувчилик кудратини намоён этмоқда. Шу билан бирга ўзининг бошини ўз оғритадиган, ўз ҳаётига ўзи таҳдид соладиган, ўз истиқболини мавҳумлаштирадиган ҳолатларга ҳам дуч келмоқда.

Инсоният ёзув ихтиро килингунга кадар тахминан уч миллион йил оғзаки алока килган бўлса, ундан беш минг йил кейингина саноат асосида китоб босишни ўрганди. Ундан беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевидениега эга бўлди. Анъанавий эшитув - кўрув воситаларидан компьютерларга ўтиш учун эса атиги эллик йилча вакт керак бўлди, холос. Ана шу тарихий ҳақиқатнинг ўзи инсон тафаккури тараққиёти, фан-техника ривожи билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади.

Компьютерларнинг юзага келиши эса, бутун Ер шарини ягона ахборот маконига айлантирдики, натижада ҳар бир мамлакат тақдири билан ҳам, бутун дунё тақдири билан боғлиқ бўлган вокелик юзага келди.

Бугун Ўзбекистон ана шу ягона ахборот тизимининг фаол субъектига айланди. Унинг дунё билан алоқаси, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларига иштироки, давлатлараро муносабатлар, сиёсий, иктисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маданий алоқалари умумжаҳон ахборот тизими таркибида амалга оширилмоқда. Бу бевосита электрон почта, электрон ахборот алмашиш тизими орқали ҳам миллий, ҳам дунёвий муаммоларни ҳал этишда фаолият самарадорлигини оширишда, вактни тежашда, молиявий харажатларнинг кескин камайишида, қолаверса, замонавий ахборот алмаштириш салохиятини намоён килишда катта самара бермоқда.

Бирок бу жараён бир катор муаммолардан ҳам холи эмас. Жумладан, жаҳон ахборот тизимидан фойдаланиш даражасининг пастлиги (5 %), интернет тизимининг кенг ривожланмаганлиги, ундан фойдаланиш даражасининг

пастлиги кўзга ташланмокда.

Аммо масаланинг иккинчи томони хам бор. Бу бевосита ахборот бозоридан фойдаланаётганда кандай ахборотларни кабул килиш, кандай ахборотлардан фойдаланиш борасидаги салохиятни хам такозо этмокда. Чунки бозорнинг оддий хакикати шундаки, хар ким топганини савдога чикаради. Сифати, мазаси, ранги, таъми ёки фойдаси жихатидан танлаш харидорнинг ихтиёрида. Ана шу хаётий конуният нуктаи назаридан караганимизда жахон ахборот бозорида бизнинг манфаатларимизга зид бўлган, миллий хусусиятларимизни, анъаналаримизни, турмуш тарзимизни менсимайдиган ахборотлар хам хурж килмокда, хаётимизга шиддат билан кириб келмокда. Бу ўз ўзидан ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш муаммосини кўндаланг килиб кўймокда.

Ахборот ва оммавий коммуникация сохаларида хавфсизликни таъминлаш тизимларининг компонентлари:

- ахборот олиш ва ундан фойдаланишда инсон эркинлиги ва хукукини таъминлаш, фукаролар томонидан очик давлат ахборот тармокларидан ахборот олиш имкониятини яратиш, мамлакатнинг маънавий ривожланиш борасидаги жамиятнинг психологик химояси ва маънавий бойлигининг мустахкамланиши, шунингдек, маънавий кадриятлар, ватанпарварлик ва инсонийлик, маданий ва миллий потенциални таъминлаш хамда кучайтириш;
- давлат сиёсатини ахборий таъминлаш, махаллий аҳолига, шунингдек, чет эл аудиториясига мамлакатнинг ижтимоий хаёти ва давлат нуктаи-назари, долзарб ички ва халкаро вокеа-ходисалар хакида объектив ахборот бериш;
- махаллий ахборот технологияларини, миллий ахборот индустриясини, ахборотлаштириш воситаларини, телекоммуникация ва алокаларни ривожлантириш, махаллий ахборот ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни саклаш, янги йўналиш ва технологияларни шакллантириш;
- махаллий ахборот тизимлари, жумладан, давлат органларининг ахборот тизимлари ва тармок алокаларни хамда мудофаа, молия-кредит ва банк соҳалари хавфсизлигини таъминлаш.

2-гуруҳ учун тарқатма материал.

Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг йўналишлари

Ҳозирги замон ахборот тизими, унинг жуда кенг имкониятларидан **келиб** чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда ахборот олиш, сақлаш, фойдаланиш ва таркатишнинг умуммиллий манфаат ва умуммиллий тараққиёт нуқтаи назаридан бошқарув механизмини яратиш, унинг моҳияти ва унсурларни чуқур англаш зарур бўлиб колмоқда. Ана шу хаётий эхтиёждан келиб чиқиб ахборот сохасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратишнинг қуйидаги йўналишларини кайд этиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, социологик йўналиш. Бунда ахборот олиш ва таркатиш жараёнида жамият тараккиётида ахборотнинг ижтимоий вокелик сифатидаги ролидан келиб чикиб жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари, ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг окимларини ўрганишни йўлга қуйиш керак. Аҳоли турли қатламлари қарашлари, касбий ва бошка ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниклаб бориш зарур.

Иккинчидан, статистик йўналиш. Кўпмиллатли мамлакатда, хусусан, 130 дан ортик миллат ва элат яшаётган, 20 га якин диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро можароларни, турли сиёсий манфаатлар ва бузғунчи ғоялар таъсирида келиб чикиши мумкин бўлган сиёсий низоларни ўрганиб бориш. Бу борада аник хисоб-китобларга, тахлилий ечимларга эга бўлиш.

Учинчидан, сиёсий конфликтология ва сиёсий психология йўналиши. Ахборот-психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чикиши мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларни аниклаш ҳамда унинг натижасида жамиятда шаклланиши мумкин бўлган жамоатчилик фикри, сиёсий қарашлари, руҳияти – ижтимоий-сиёсий психология изчил равишда ўрганиб борилмоғи лозим.

Тўртинчидан, мантиқий-тизимий ва функционал таҳлил. Ахборот тизими, хусусан, ахборот-психологик таъсир ахборот сиёсати тизими ва воситасининг муҳим қисми сифатида бахоланиши лозим. Вокеликка ана шу тарзда ёндошиб, илмий-таҳлиий, назарий ва амалий худосалар чикариш керак. Тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот окими таъсирида шаклланаётган ижтимоий фикр фан нуктаи назаридан изчил ўрганилмоғи, унинг предмети ва методологиясини ишлаб чиқиш муҳим бўлиб колди.

Бешинчидан, ахборот тизимида миллий истиклол ғоясининг устиворлиги. Ҳар кандай фукаро ахборот бозоридан "махсулот" танлаш жараёнида унинг калбида, руҳиятида, кайфиятида, феъл-атворида, буларнинг барчасининг окибати сифатидаги хатти-ҳаракати ва муносабатида **мафкуравий иммунитет** устиворлигини таъминлаш.

Албатта, Ўзбекистонда мустакилликнинг ўтган 15 йили мобайнида оммавий ахборот коммуникацияси соҳасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Энг аввало, хар бир фукаронинг сўз ва фикр эркинлиги, ахборот олиш ва таркатиш ҳуқуки Конституция билан кафолатланди. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги бир катор конунлар яратилди ва амалда қўлланилмокда. Мустакил

нашрлар сони кескин кўпайди. Буларнинг хаммаси мамлакат ички хаётида миллий ахборот тизимининг ўзига хос тараккиётидан далолат беради.

Шу билан бирга Ўзбекистон жахон ахборот тизимидан фойдаланишнинг энг замонавий ва тезкор технологиясини жорий этди. Бу нафакат давлат ва хокимиятнинг, расмий идораларнинг, балки нодавлат-нотижорат ташкилотлари, хатто, алохида фукароларнинг дунё ахборот бозорига бемалол кириши ва ундан бемалол фойдаланиши имконини беради.

3-гурух учун таркатма материал.

Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини ривожлантириш имкониятлари

Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизими бевосита ижтимоий хавф, миллий тахдид, тараккиётга тўғанок сифатида баҳоланмоғини ва унга карши кучли механизмни яратишни такозо этади. Бунда давлат ахборот сиёсати алохида ахамиятга эга. Албатта, Ўзбекистонда ахборот тизими, уни бошкариш, ундан фойдаланиш борасида катор конунлар бор. Жумладан, ахборот олиш кафолатлари, электрон почта, электрон ракамли имзо тўғрисидаги катор конун хужжатлари кабул килинди. Бирок булар етарли эмас. Чунончи, замонавий ахборот технологиялари тобора такомиллашиб, ривожланиб, ахборот олиш, саклаш, уни ишлаш ва таркатишнинг шакллари, усуллари, услублари тобора кенгайиб бормокдаки, бу бутун кўлами билан амалдаги конунларда ўз ифодасини топмаган.

Масаланинг иккинчи томони хам бор. Ўзбекистонда хозирги мавжуд ижтимоий фикр, жамиятнинг умумий сиёсий-маърифий даражаси замонавий ахборот хуружига ва унинг шиддатига дош беролмайди. Аникроғи, унинг бутун кўламини, моҳиятини, ахборот остидаги яширин ғояни ва ахборот таркатувчи манба максадини етарли даражада баҳолай билмайди. Натижада ахборот бозорида мавжуд бўлган асосли, жиддий, фикрлашга чакирадиган, тараккиётга ёрдам берадиган ахборотларни етарлича кабул кила олмайди. Аксинча сингилелпи, шов-шувли, хаётимиздаги мавжуд ўткинчи камчилик ва нуксонларни бўрттириб кўтариб чиккан хабарларга берилиб кетади. Уларни тез кабул килади. Натижада жамиятда ялпи ўртача кайфият, озурда рухият пайдо бўлишига имконият яратилади. Бундай вазиятда миллий ахборот тизимини хар томонлама кўллаб-кувватлаш, унинг фаолиятини такомиллаштириш, таъсир доирасини ошириш зарур бўлиб колмокда. Бу муаммоларни хал этиш учун кўйдагиларга эътибор бермок лозим:

- Оммавий ахборот воситаларида хозиргача шаклланган тил, услуб ва ифода усулини ўзгартириш лозим. Жозибадор, айни пайтда хаётга якин, энг олдий фукаро калби ва рухиятига мос келадиган халкчил ифода усулини шакллантириш лозим. Бошкача килиб айтганда, ахборот маконини хаётга, одамларга, уларнинг кундалик ташвишу изтиробларига, янгиланаётган жамият муаммоларига юксак махорат билан мослаштириш керак.

- Жамиятни, унинг хар бир аъзосини ахборот воситаларига кизикишини орттириш йўли билан ахборот оркали юзага келаётган рухий танглик, маънавий озурдалик, бошкача килиб айтганда, бузғунчи ғояларга эргашиш кайфиятининг

оммалашиб кетишига чек қўйиш лозим. **Ғояга карши ғоя, фикрга карши фикр, жаҳолатга карши маърифат** тамойилининг устиворлигига эришмоқ керак.

- Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари – жамоат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар сўзи ва фикрининг таъсирчанлигини ошириш керак. Токи ҳар қандай умумманфаат ва умумтараккиёт йўлида айтилаётган сўз ҳар бир тингловчи қалбига кирсин, онгига сингсин. Уни рағбатлантирсин, руҳлантирсин, миллий якдилликка, миллий бирликка даъват этсин.

Албатта, ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашнинг энг самарали йўлларидан бири тўғридан-тўғри ҳар қандай бузғунчи ғояларга, жамоатчилик фикрини бузадиган хабарларга асосли тарзда карши тура билиш. Иккинчи томондан айни ана шу карши тарғибот механизмини самарали бошкаришни таъминлаш.

Ҳозирги замон ахборот тизимида шундай ходисалар мавжудки, унга карши чиқиш у ёқда турсин, уни бошқариш, тартибга солиш ҳам мумкин бўлмай қолмоқда. Демак, бундай шароитда энг мақбул ва самарали усулларни ишлаб чиқиш зарур. Жумладан:

Биринчидан, жамоатчилик фикрини ўзгартираётган, чалғитаётган вайронкор ахборотлар ташқаридан, ўзига хос ҳимоя қалқонига эга бўлган мақонлардан келаётганлигини назарда тутиб, ахборот тарқатиш борасидаги можароларга йўл қуймай, уларга юксак сиёсий ва касбий маданият орқали ёндошиш. Бефарқлик, сукут саклаш, кайфиятига бархам бериб, миллий орият, миллий нафсоният билан боғлиқ ҳолдаги тарғиботчилик имкониятимизни намоён этиш йўлидан бориш.

Иккинчидан, шуни назарда тутиш керакки, ҳар қандай ҳужумкор ва бузғунчи ғояга карши ўз вақтида, мўлжални аник олиб муносабат билдиришда эҳтиросларга берилмаслик, ортиқча шов-шувларга йўл қуймасдан сиёсий вазминлик ва босиклик, айни пайтда кучли таъсир ўтказиш усулларини ўзлаштирмоқ лозим.

Ахборот соҳасида ахборот хуружи кизғин авж олган бир пайтда айни ана шу хуружлар моҳиятини, унинг манбаларини, ривожланиш омилларини, илмий тил билан айтганда **конфликтоген** жиҳатларини чукур ўрганиш лозим. Бузғунчи ва ҳужумкор ахборотлар максади, иддаоси, уларнинг тагида ётган манфаатлар канчалик тўғри ўрганилса, уларга шунчалик тўғри ва ишончли зарба бериш мумкин бўлади.

XXI аср цивилизацияси окибатида инсоният ҳаёти ахборот-психологик таҳдид кучаётган жараённи бошдан кечирмоқда. Бу, айникса, ривожланиш йўлига чиқиб олган Ўзбекистондай ёш мустақил давлатларга кучли салбий таъсир ўткизиши мумкин. Чунки ҳар қандай асоссиз, бузғунчи ғоя ўтиш даврига хос бўлган жузъий камчиликлар ва ўткинчи ижтимоий-иктисодий нуқсонларни бўрттириб кўрсатиб, жамоатчилик фикрини чалғитиши, унинг истиқболга ишончини сусайтириб юбориши мумкин. Зотан, бугун жаҳон сиёсати тобора маданийлашиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар инсонийлашиб, давлатлараро манфаатлар устуворлиги юмшайиб бораётган бир пайтда оммавий кирғин қуролларидан фойдаланиш, термо-ядро хавфини

кучайтириш, атом, вадород, турли биологик, бактериологик ва кимёвий аслаҳалардан фойдаланиш ибтидоий ходисага айланиб колди.

Миллатларни йўк килиш, уларнинг илдизини киркиб ташлаш, миллий хусусиятлари, анъаналари ва урф-одатларини барбод этиш йўли билан мамлакатларни забт этиш цивилизациявий ходисага айланди. Бундай максадни амалга оширишда ахборот тизимидан фойдаланиш кенг авж олиб бормокда. Мустакил Ўзбекистон эса ана шу жараёнда ўзининг янгидан-янги имкониятларини, аклий салоҳиятини, ўзини ўзи химоя килиш ва хар кандай тажовузларга карши тура олиш иктидорини намоён этмокда. Бирок бу етарли эмас. Аник натижаларга эришиш учун куйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- инсоннинг шахс ва фукаро сифатидаги имкониятларни руёбга чикариш ва уни шакллантириш;
- инсоннинг ўзини ўзи химоя кила олиш инстинктини, ўзини ўзи бошкариш салоҳиятини шакллантириш;
- алохида одамлар, гурухлар, катламлараро муносабатларни яна хам баркарорлаштириш;
- жамоалар бирлигини, умумий хонадон – яхлит мамлакат такдири учун жавобгарлик хиссиини кучайтириш;
- миллатидан ва диний эътикодидан катъий назар Ўзбекистон фукароси бўлган хар бир шахснинг келажак учун масъуллигини таъминлаш;
- келиб чикиши мумкин бўлган можаролар, келишмовчиликлар асосларини, йўналишларини, уларнинг ривожланиш омилларини ва динамикасини доимий тарзда, узлуксиз равишда ўрганиб бориш.

Ана шу тарзда, албатта, ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлашнинг Ўзбекистон тажрибаси такомиллашиб бормокда. Бу бевосита ахборот хуружи авж олаётган, ахборот таркатиш технологиялари тобора такомиллашиб, унинг усул ва услублари янгиланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон айни ана шу цивилизациявий жараённинг энг самарали, энг инсонпарвар усулларидан яна хам кенгрок фойдаланиш имкониятларини кидирмокда.

Мавзу бўйича саволлар:

1.Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимининг моҳияти ва асосий компонентларини тушунтириб беринг.
2.Ахборот соҳасида хавфсизликни таъминлаш тизимини яратилиши йўналишларини тушунтириб беринг.
3.Ахборот сохасида хавфсизликни таъминлаш тизимини ривожлантириш имкониятларини изохлаб Беринг.
4.Ахборот сохасида конфликтоген жиҳатларини тушунтириб беринг.

6 – мавзу: Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари

Режа:

1. "Ахборот" сўзини эшитганингизда фикрингизга кандай сўзлар иборалар келади. (Аклий хужум) - 5 дакика.

2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3х4 педагогик технология асосида) -20 дақиқа.

4. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 40 дақиқа.

5. Дарсга якун ясаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик таркатма материаллар

1. "Ахборот" сўзини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар иборалар келади (Ақлий ҳужум).

2. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари ҳақидаги фикрлар мунозараси 3х4 педагогик технология асосида ташкил этиш учун гурух 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гурух учун бир варақ қоғоз олиниб, унинг юқори қисмига Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари ҳақидаги 3 тадан гурух фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гурух эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

4. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишлари ва усуллари. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гурух 3 та кичик гурухга бўлинада ва уларга куйидаги таркатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гурух учун таркатма материал.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари

"Ахборот" тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этмоқда. У инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсоният ҳаётини ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий гоҳ ижобий моҳият касб этувчи кудратли воситага айланди.

Аслини олганда ахборот тушунчаси дунёқарашни ифодалайдиган барча билимлар соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Кибернетиканинг келиб чиқиши ва ривожланиши бу тушунчани "алока" ва "бошқарув" тушунчалари билан бирга кенг қўлланилишига олиб келди. Ҳозирги вактда ахборотларни ҳосил қилиш, қайта ишлаш, сақлаш, кўпайтириш ва таркатиш алоҳида илмий соҳани – информатика соҳасини ташкил этади. Бу лотинчада таништириш, тушунтириш, шарк тилларида эса хабар, ахборот маъносини билдиради.

Ахборот соҳасининг тез суръатлар билан ўсиши, уни автоматлаштириш усулларининг шиддат билан ривожлантирилиши компьютерларнинг яратилишига ва кишилик ҳаётининг турли соҳаларини компьютерлаштиришга

олиб келди. Бу эса ўз навбатида бугунги кунда ғоятда тезкорлик билан ўсиб бораётган "Ахборотли жамият" назариясини майдонга келтирди.

Компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва таркатиш технологиясининг тасаввур килиб бўлмайдиган даражадаги тараккиёти бугун жиддий ташвишлар туғдирмокда. Чунки хозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди хар бирининг процессорида 80-100 миллион транзистор бўлиб, хар сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг ана шундай мўъжизаси туфайли хохлаган киши Ер юзининг хохлаган нуктасидаги одам билан сонияларда алока ўрнатиши, муаммони лахзаларда хал этиши мумкин. Ана шу холатнинг ўзи инсон фаолиятини, тафаккур тарзини, ахлокий меъёрларини, оламга муносабатларини, яхлит олганда эса янги юз йилликдаги инсоният хаёти ва тақдирини ифода этади. Бошқача килиб айтганда, XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, информацион-психологик уруш киёфасида ўзини намоён этмокда.

Инсониятнинг келажакдаги тақдири ва истикболи хусусида ўйлар эканмиз, ахборот технологияси моҳияти, унинг тараккиёти, инсон ва инсоният хаётига таъсир ўтказиши омилларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, инсон фаолиятини мақсадга мувофиқ ҳолда йўлга қуйиш, йўналтириш. Умумманфаат атрофида бирлаштириш, жамоа ва жамият ишига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инсоният хаётини сақлашда масъуллик, унинг тақдирига тақдирдошлик хиссини шакллантириш.

Иккинчидан, турли феъл-атворга, табиатга эга бўлган, ўз манфаати устуворлигига интилаётган сиёсий субъектлар ўртасидаги ўзаро мувофикликни таъминлаш. Уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтиш, давлатлараро ва минтакалараро муносабатларда бир-биридан кочиш эмас, бир-бирига интилиш кайфиятини яратиш, жаҳон муаммоларини хал этишда соғлом ғояларга тан бериш рухиятини шакллантириш.

Учинчидан, фан-техника тараккиёти чексиз даражада ривожланаётган бир пайтда унинг кенг имкониятларини умумий тараккиёт йўлига сафарбар этиш кайфиятининг устуворлигини таъминлаш. Акс холда ғайриахлоқий ва ғайрииншоний кайфиятдаги фукаро кудратли технологияларни жамият тараккиётига зид бўлган ғоят хатарли максадни амалга оширишга ишлатиши мумкин. Бу, айникса, халкаро терроризм, наркобизнес, динний экстеримизм сингари глобал фожеаларни бошқаришда, давлатлараро иктисодий муносабатларни чалкаштиришда, банк, молия-иродит тизимини издан чиқаришда кўл келади.

Тўртинчидан, ахборот технологиясининг бекиёс имкониятларини, улкан кудратини тўла-тукис инсон хаётига тадбик этиш, инсон тақдирига хизмат килдиришни таъминлайдиган энг замонавий ва самарали бошқарув механизмини иктисодий, ижтимоий, маънавий, рухий ва сиёсий соҳаларда юксак маданият билан унумли фойдаланиш асосида ташкил этиш.

Тигиз ахборотлашган жамиятда **"шахс-жамият-давлат"** алокадорлиги,

уларнинг ўзаро узвийлиги ва яхлитлигини таъминлаш бир мунча қийинлашади. Чунки ахборот оқими тезлашгани ва ахборотлар гирдорбида яшаш каби мураккаб, зиддиятли вазиятнинг юзага келиши бевосита шахс тафаккурининг, инсон дунёқарашининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, хар бир фукаро ўз шахсий нуктаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлокий-рухий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Ўз олами худудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва рухий эҳтиёжидан келиб чиқиб ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва ана шу таҳлиллар асосида ўзининг шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан **"шахс-жамият-давлат"** мутаносиблигига у ёки бу тарзда таъсир этади. Ана шу жиҳатдан қараганда миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашнинг роли яна ҳам ошади.

2-гурух учун таркатма материал.

Албатта, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос асослари яъни ***асосий йўналишлари*** бор. Булар:

Биринчидан, ташкилий-техник жиҳатдан таъминланганлик. Замонавий техника ва технологиялар билан етарли даражада қуролланиш.

Иккинчидан, мустаҳкам моддий-молиявий асосларга эга бўлиш. Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга хизмат киладиган соҳа ходимлари моддий манфаатдорлигини ошириш.

Учинчидан, замонавий ахборот технологияларини бошқарадиган, ундан самарали фойдалана оладиган, замонавий билимларга эга бўлган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган кобилиятли кадрларни тайёрлаш.

Демак, ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган, **якка тартибда** ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон онгига кучли таъсир ўтказаётган, **кенг миқёсда** олганда эса жамият тараккиёти ва миллат тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган, **глобал миқёсда** эса бутун инсоният ҳаётини кафолатлайдиган, унинг тараккиёти ёки таназулини белгилашга қодир бўлган тиғиз ахборот тизимини бошқариш, тартибга солиш, ундан фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқиш хозирги замоннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

3- гурух учун таркатма материал.

Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг усуллари

Ахборот-психологик хавфсизлик - бу бевосита сиёсий можароларнинг олдини олиш, энг аввало, инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқароларо муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантириш, ахборот қуролидан замонавий инсонпарвар тафаккурни, ижодкорлик рухини, яратувчилик кобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини шакллантиришни такозо этади.

Жамиятни бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини кидириб топиш зарур. Жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлик бўлган йўналишларда бошқарувнинг энг мақбул услубини топишни, бевосита ҳокимият ва унга ишончни, жамият ва давлат тараққиётини таъминлашда фуқаролар якдиллигини, маънавий ва гоявий жиҳатдан бирлигини таъминлашни тақозо этади.

Жамият шу даражада шаклланиши лозимки, унинг аъзолари тиғиз ахборотлар бозоридан умуммиллий манфаатга хизмат киладиган, унинг тараққиётига ёрдам берадиган ахборотни танлай олсин. Ахборот олиш кафолати бу бевосита шахсий манфаатдан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланмоғи лозим. Ана шундай шароитда қандай мазмундаги ахборотни тарқатишни ман этиш, жамиятнинг психологик ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом акл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси ана шу тарзда маънавий-ахлоқий мезонга айланади. Эркин шахс ва озод кишилик жамоаси бўлган фуқаролик жамияти шароитида ахборот-психологик хавфсизликнинг ўзига хос тизимлари шаклланмоғи лозим. Бу бевосита ОАВ фаолияти ва унда хизмат киладиган ахборот олувчи, сакловчи ва таркатувчи ходимларнинг сиёсий савиясига, касб маҳоратига ва энг муҳими фуқаролик позициясига, жамият ишига дахлдорлик туйғусига боғлиқ. Зотан, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг бош мезони ва асосий таянчи – миллатпарварлик, ватанпарварлик, фидокорлик туйғуси!

Мавзу бўйича саволлар:

1.Ахборот психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифаларини тушунтириб беринг.

2.Ахборот психологик хавфсизликни таъминлаш асосий йўналишлари қандай?

3.Ахборот психологик хавфсизликни таъминлаш усуллари қайсилар?

7 – мавзу: Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини ҳимоя килиши. Жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси ва жамоатчилик фикри.

Режа:

1.Жамоатчилик фикри ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Аклий ҳужум) - 5 дакика.

2. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини ҳимоя килиши. Жамиятнинг ахборот-психологик ҳимояси ва жамоатчилик фикри (Кичик гуруҳларда ишлаш методи оркали) - 70 дакика.

3. Дарсга якун ясаш - 5 дакика.

Машгулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Жамоатчилик фикри ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Аклий хужум).

2. Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини химоя килиши. Жамиятнинг ахборот-психологик химояси ва жамоатчилик фикри. Кичик гурухларда ишлаш учун гурух 3 та кичик гурухга бўлинада ва уларга куйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гурух учун тарқатма материал.

Ижтимоий психология ва хавфсизлик муаммолари

Хавфсизлик тушунчаси бевосита шахснинг жамиятдаги ижтимоий, иктисодий, техник, экологик ва биологик тизимларида нормал фаолият юритишини кафолатловчи тушунчадир. Ижтимоий тузилманинг, яъни, яхлит жамиятнинг хавфсизлиги одамлар ҳаёт тарзининг сифатини, унинг давомийлигини белгиловчи мухим мезондир. Бу ўринда фанда бевосита хавфсизлик тушунчасига якин ишлатиладиган бир катор тушунчаларга изох бериш жоиздир.

Ижтимоий хавфсизлик – жамиятда мавжуд бўлган турли ижтимоий институтлар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш органлари, давлат муассалари, оила ва маҳалла томонидан аҳолининг турли эхтиёжлари, орзу-истаклари, максад-муддаоларини амалга оширишларига имкон бериш билан боғлиқ вазифаларини ўз ичига олади. Бунда айрим-алоҳида табака ёки аҳоли катламининг манфаатлари, яъни, уларнинг яхши яшашлари, узок умр кўришлари, бир худуддан иккинчисига кўчиб ўтишига алокадор хавфсизлик назарда тутилмайди.

Хавфсизлик – бу шахс, жамият, иктисодиёт ва давлатчиликнинг барқарор тараккиёт этиши учун хавф солиши мумкин бўлган ҳар кандай таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини билдиради. Хавфсизлик ташки ва ички хавфлардан яхлит жамиятни мухофаза килишни назарда тутади.

Ташқи хавфсизлик – икки боскични назарда тутади: умуминсоний ёки глобал характерли ва давлатлараро хавфсизлик масалалари. Ташки хавфсизлик таҳлил этилганда аввало экологик, харбий, радиацион, эпидимиологик, криминал-жиноий, биологик ва маданий-ахлоқий (экспансиялар) турдаги хавфларни олдини олиш назарда тутилади.

Ички хавфсизлик эса мамлакат доирасида инсон конституцион хукук ва кафолатларига алокадор бўлган иктисодий диверсияларнинг олдини олиш ва уларга йўл кўймасликка боғлик бўлган махсус чораларни, террористик хуружларнинг олдини олиш ва уларнии вактида бартараф этиш, келиб чикиши бўйича ижтимоий, табиий, биологик ҳамда техник асосли таҳдидлардан жамият аъзоларини ҳимоя килишни назарда тутади.

Охирги йилларда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий худудлар, барча ёшдаги инсонлар учун кулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати билан хавфсизликнинг ўзига яна бир тури ахборот хавфсизлиги пайдо бўлди.

Ахборот хавфсизлиги – аслида жамиятнинг объектив, холис, ҳаққоний ахборот манбаига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутади. Албатта, бунга мустақил ахборот воситалари орқали аҳолига етиб келадиган маълумотлар оқими ҳам киради. Бу воситалар айнан мустақил бўлганликлари учун ҳам биринчи навбатда молиявий, қолаверса, сиёсий ва бошқа томонлардан хеч бир сиёсий куч, алохида давлат ёки ижтимоий катламнинг манфаатларига хизмат қилмасликлари керак.. Чунки мустакил ОАВ аслида одамларда содир бўлаётган турфа хил жараёнларга нисбатан холис фикрнинг шаклланишига имкон бериши лозим. Лекин амалиётда минг афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди ва жамият ўз аъзоларини, айникса ёш авлодни турли ахборот хуружларидан ҳимоя килишга мажбур бўлади.

Ахборот хавфсизлигининг вазифалари:

1) шахс ва жамиятнинг ахборот қабул қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

2) *холис ахборотлар маконини таъминлаш (мустакил ОАВ тизимини яратиш* орқали);

3) информацион ва телекоммуникацион технологиялар сохасидаги жиноятларни бартараф этиш йўли билан ушбу йўналишда содир бўлиши мумкин бўлган террористик таҳдидлар, жумладан, телефон орқали, компьютер тизими орқали рўй берадиган хавфларни, шу орқали ноқонуний маблағларнинг бир манбадан иккинчисига оқим кетишига йўл қўймаслик;

4) *шахсни, ташкилот ва яхлит жамиятни ахборот-психологик таҳдидлардан* ҳимоя қилиш;

5) имиджни шакллантириш, турли бўхтон, миш-мишлар ва ноўрин хабарларга карши курашиш.

Ахборот хуружлари турлича бўлгани учун унга нисбатан хавфсизлик чораларини кўриш ҳам турли соҳаларда (сиёсат, иқтисодиёт, мудофаа) ва турли жабҳаларда (давлат миқёсида, худудий, ташкилиш, шахсий) амалга оширилади. Яъни, давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бўлган ишлар муайян бир ташкилот доирасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлигидан фарк қилади. Биринчисига ган миллий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисида кетса, иккинчи холатда ташкилотдаги муайян ижтимоий гуруҳлараро ахборот алмашинувида бўхтон, тўхмат, миш-мишлар таркатишга *боғлиқ бўлган салбий холатлар назарда тутилади. Лекин иккала холат ҳам* ахборот хуружларига одамларнинг нормал фаолиятлари учун халақит берувчи омил сифатида каралади.

Ахборот хуружлари – бу шахсга, муайян ташкилот ва давлатга йўналтирилган таъсир бўлиб, унинг асл максади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг нормал хаёт тарзининг бузилишини назарда тутган сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ғаразли ниятларидан келиб чикади.

Сайлов компанияларида одатда ахборот хуружларининг бир кўриниши

бўлмиш "қора пиар" усулидан фойдаланиладики, унда ёзма равишда нашрий манбалар орқали бўхтонли мурожаат, ёки радио-телевидение орқали у ёки бу мавзу доирасида ғирт ёлғонга асосланган чиқиш қилинади. Шунинг учун ҳам бундай шароитларда ахборот хавфсизлиги энг аввало сайловда қатнашаётган давогарлар ёки сиёсий партияларнинг обрўсини сақлаб қолиш, улар тўғрисида объектив имиджнинг хосил бўлишига хизмат килади.

Охирги пайтларда турли хорижий ОАВ орқали таркатилаётган турли хил асосли-асоссиз ахборотларда одамлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида айрим одамлар ва яхлит ижтимоий гуруҳларда бир-бирига нисбатан баъзан агрессив, очиқ девиант хатти-харакатларни келтириб чикарувчи холатлар юзага келмоқда.

Шу сабабли ҳам ахборот хавфсизлиги тўғрисида гап кетганда, нафақат у ёки бу мазмунили ахборотлар, маълумотларни ишончли тарзда сақлаш, балки аниқ, холис маълумотни ишончли манбалар орқали қабул қилиш ва етказиш масалалари ҳам назарда тутилади.

Охирги йилларда компьютер воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бундай хуружнинг ўзига хослиги шундаки, компьютер тармоқлари орқали етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзилини билиш анча мушкул бўлади. Яъни, хуружга карши туришда унинг кимдан ва қаердан келаётганлигини билиш муҳим, айнан шу жихат компьютер терроризми деб аталмиш хавфни бартараф этишда кийинчиликлар туғдиради. Чунки бу восита орқали таркатиладиган ахборот бир зумда нафақат бир давлат доирасида, балки бир канча мамлакатларга тезкор ахборотдай тарқалиб кетиши мумкин. Шундай килиб, компьютер жиноятн содир этилганда унинг объекти бевосита компьютер, компьютер орқали узатиладиган маълумот ва тармок хисобланади.

Мутахассислар компьютер жиноятчилигининг куйидаги турларини фарклайдилар:[8] 1) терроризм; 2) жосуслик (халқаро ва саноат соҳасидаги); 3) экстремистик гуруҳлар фаолияти (сиёсий, экологик ва диний йўналишлардаги); 4) уюшган жиноятчилик ва қаллоблик; 5) хакерлар фаолияти (алоҳида ва уюшган гуруҳлар).

Юкори ахборот технологиялари соҳасида эса куйидаги тоифали жиноятчилик турлари фарқланади:

а) *хакерлар* (инглиз тилидан олинган; *hackers*) – компьютерлар ва ахборот тизимларини жуда яхши биладиган одамлар;

б) *крекерлар* (ингл. *crackers*) - ахборот тизимнинг хавфсизлиги атайлаб бузиб, рухсатсиз унга ўзгартириш киритиш билан шуғулланадиган инсонлар;

в) *фрикерлар* – (ингл. *phreakers*) турли хил телекоммуникация тизимларида кўпорувчилик билан шуғулланадиганлар.

Бу каби жиноятчилар гуруҳи одатда йирик коммуникация тармоқларида қўпорувчилик килиб, банк ва тартибни сақлаш муассасалари тармокларидаги ахборот тизимини бузишга ҳаракат қиладилар, чунки бу ишларни тагида ётган мақсад ҳамиша ғаразли бўлиб, у йирик пул маблағларига эга бўлиб билан боғликдир. Бугунги кунда АҚШ ана шу каби йирик электрон терроризмнинг

---

[8] Каменьская Е.Н. Социальная психология: Конспект лекций: Учебное пособие / Е.Н. Каменская. Изд-е 2-е.- Ростов н/Д: Феникс, 2006.- 192 с. (С. 179)

хавфи остида қолди. Бу каби ишларга айрим-алохида шахслар киришса, уларни тезда аниқлаб топиш, жазолаш мумкин, лекин бунга уюшган жиноятчилар гуруҳи киришса, бунинг хавфи каттароқдир.

Ҳарбий экспертларнинг берган маълумотларига кўра, XXI асрда ана шунадй ахборот хуружлари билан шуғулланиш орқали мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солиш, ноконуний ишлар билан шуғулланиш, катта пул миқдорларининг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиб кетавериши ўзига хос ахборот-психологик урушининг яқинлашиб келаётганлигидан, унинг қуроли – айнан ахборот ва психологик таъсир эканлигини таъкидламоқдалар. Бу холат психологлар олдига, жумладан, ижтимоий психология олдига ўзига хос вазифаларни қўяди.

Шахснинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситалари

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқуррок билиш, умуминсоний қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидорини рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларга бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида тахсил олиш имконини берди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий қадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирги ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ. Атайлаб юртимизга олиб келинаётган ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, "кенг истеъмол"даги маданиятидан норозилик халқимизда бор. Бундай махсулотнинг илгариги "ман этилган неъмат"га хос "лаззати", жозибадорлиги деярли қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий қадриятларидан фойдаланишга анча жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин очик оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуюлиб келаётган шароитда айнан хали онги шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз учун тахдид ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор.

Шундай шароитда Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрлари биз учун аҳамиятлидир: "Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қалдимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз. Бизни қўркитмокчи бўлаётган ғаламислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч качон бош эгмаймиз. Бунда бизга миллий ғоямиз ва мафкура ғоявий таянч ва асос бўлади (2001 йил 10 октябрь).

Зеро, миллий мафкура халкнинг максад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу

миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган акл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва тахликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритиб беради. Истиклол мафкураси кўпмиллатли Ўзбекистон халкининг эзгу ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Халкни буюк келажак ва улуғвор максадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фукаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу мукаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиклол мафкурасининг бош максадидир.

Очик ахборот коммуникация воситалари орқали инсоннинг ахборот тахдидларини бахолаши ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари, турли мафкуравий тахдидлардан шахснинг кандай йўллар билан сакланиши мумкинлиги хусусида мутахассислар турлича фикр билдирадилар.

Ижтимоий психология ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало эгоцентризм тушунчасининг маъносида диккатни каратади. Эгоцентризм сўзи лотинча *"ego"* - *мен* ва *"centrum"* – *доира маркази* сўзларидан олинган. Маъноси – ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида котиб колган инсоннинг атроф-мухит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради. Психологияда эгоцентризмнинг бир канча турлари - билишга оид, ахлокий ва коммуникатив эгоцентризмлар фаркланади. Охиргиси – бошкаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади. Назаримизда, замонавий информацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат килади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустакил фикр бўлиши лозим.

Демак, очик ахборотлар тахдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга ўргатиш орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулокоти тизимида кўпрок *тарбияланувчининг фазилатларига* боғлик. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини инобат олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўкувчи ёки талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вактда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустакил тафаккурини ўстириш, соглом эътикодини тарбиялашнинг иложиси йўк. Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўкувчи учун макбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошкасида ҳам айнан жорий

этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин. Шунинг учун ижтимоий психология шахснинг ижтимоий-психологик тайзиқлардан қутулиш йўлларига алоқадор қонуниятларни ўрганади.

Турли ахборот-психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи

Очиқ ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга карши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг мухим холатлардан бири *ташвишланиш, нималардандир чўчиш* ва шу туфайли *ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш* ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар *психологик ҳимоя холатининг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, бу – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай холатки, унда одам ички руҳий муъатадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади.* Шундай холатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тутадиган бўлиб колади. Психологлар *ҳимоя механизмларига* одатда куйидагиларни киритадилар:

- очиқ ҳис-кечинмаларни *босиш, кўрсатмасликка уриниш*;
- *рад этиш*, яъни номаъқул маълумотни очиқ рад этиш, қўшилмаслик;
- *проекция* – ўзидаги хиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш оркали пайдо бўлган холатнинг сабабларини ташқаридан кидиришга мойиллик;
- *идентификация* – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини кўйиш оркали кадриятларни рад этиш ёки танкидсиз ўзлаштириш;
- *регрессия* – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган кайсидир вокеларга кайтиш, уларнинг яхши ва маъкулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда кайтариш оркали ўзида психологик ҳимоя ёки окловни ташкил этиш;
- *ёлғизланиш* - жамиятдан ўзини олиб кочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, масалан, шундай шароитларда айрим талабалар ўкишга бормай кўядилар;
- *рационализация* - мулоҳаза ва фикр юритиш оркали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;
- *конверсия*- мулокотдаги қандайлир тўсиклар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш, масалан, хавотирли информацияни юмористик мавзу билан алмаштириш йўли.

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя килишини *бошқаришда* айрим жиҳатларга алохида эътибор бериш лозим. Аввало, таъкидланганидек, хар бир инсон учун *мустақил фикр* зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги

учун биз уларда *миллий ғурурни* тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулокотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, 2006 йилнинг ўзида нишонланган қатор тантаналар, жумладан, Маъмун Академияси ва унинг нима учун айнан Ўзбекистон худудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш ва уларни очиқ фикр алмашинувига чорлаш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлик бу кадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирмайдиган "компас" ролини ўйнайди. Бир рус олими таъкидлаганидек, *"Интернет" шундай ўрмонки, унда компассиз юриб бўлмайди"*.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг *авторитетини*, улар айтадиган *ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини* таъминлаш зарур. Домла айтадиган фикрлардан бири – ахборот қандай бўлишидан қатъий назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи-харакатларининг охир-окибати нима билант тугашини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўлларини ҳар бир мураббий ва талабага етказиш максадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиклари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда "учинчи шахс таъсири" эффекти рўй беради. Унинг маъноси – "бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди" деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирида тушиб бўлган бўлади. Халиги фикрни ўзи учун хар эҳтимолга карши хаёлидан ўтказади;

в) Ишонтирувчи чакирикларга, масалан, реклама оркали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай "Интернет"га уланиш, уйида замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам.

г) хабарнинг асл максади аслида маълумот бериш эмас, балки *ишонтириш* эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилик даражаси канчалик юкори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юкори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай карашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки килмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очиқдан очиқ ёшларга "бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда" десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул килмасликларини кафолатламайди. Лекин "огохлантирилган одам куролланган, мухофазаланган бўлади" деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи

огохлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлирок бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огохлантириш муддатлари хам роль ўйнайди. Масалан, психологик экспериментларда бир хафта аввал огохлантиришнинг таъсири узокрок муддатдан кўра камрок эканлиги маълум бўлган. Ёки уйда холи, комфорт шароитда кабул килинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида гализ хабарни кабул килиш фаркланади, чунки ёлгиз уйдаги таъсир скептизмни кучлирок намойиш этиши кузатилган.[9]

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни кабул килиш арафасидаги огохлантириш карши аргументлар ишлаб чиқиш вактини камайтиради, ундан сал аввалрок огохлантириш эса инсон миясида маълумотни кайта ишлашга имкон беради (Дж. Тернер).

д) Таниш нарсалар хакида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезрок амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари оркали берилаётган маълумотларни очиқчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир конунга хилоф эканлигини кайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўкитувчи муайян ахборот мазмуни ёки унинг манбаига нисбатан очиқ тарзда ўз норозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига карши эканлигини айтиши мумкин. Бу холат хам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири – очиқ ахборот манбаларидан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни очиқ тан олишдир. Масалан, баъзан талаба Ўзбекистонга карши бўхтонли хабарни эшитганини ташвиш билан устозига айтиши мумкин. Шундай пайтларда эшитган маълумотининг мазмунини сўраб олиб, уларнинг айримлари борасида хақ гапни айтиши: "Ха, дархақиқат буларни биз хам биламиз, Сен билмасмидинг?" деб, ахборотнинг асл бўхтон кисмини кейин рад этиши максадга мувофикрокдир.

Бундан ташкари, ўкитувчига хос бўлган усуллардан бири – ўз карашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлиги очик тан олиш: "балки мен нохакдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди..., деб барча холис асосларни келтириш лозим. Шундай килиб, очик ахборот хуружлари шароитида шахсга турли-туман маълумотларнинг етиб келиши табиий. Бундай шароитда оилада катталарнинг, аудиторияда педагогнинг фаол хаётий позицияси, теран муносабати ёшларга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки хамма нарсага кизикадиган ёшлар учун референт гурухнинг ёнида, оиласи даврасида ёки ўкув муассасасида бўлиши катта тарбиявий ахамият касб этади.[10]

2- гурух учун таркатма материал.

Ахборот хавфсизлигини самарали таъминлаш ва жамоатчилик фикри

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда фавкулодда мухим ахамиятга эгадир. Ахборот хавфсизлигини самарали таъминлаш эса жамоатчилик фикри феноменини чукур англашни такозо этади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш эхтиёжи эса бир томондан, давлат ва жамият тузилмаларининг демократия тамойил-ларига нечоғли асосланишига, иккинчи

---

[9] Чалдини Р. Психология влияния. - М., 2000

[10] Ижтимоий психология: Дарслик. Педагогика олийгохлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т., 2007.

тамондан эса мавжуд эмпирик манбаларни илмий аналитик мушоҳадалаш, назарий қайта ишлаш, синтезлаш ҳолатларига бевосита боғлик, ҳолда шаклланади. Ана шу икки жиҳатлардан бирор бири бўлмаса жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам уни демократик услубларда шакллантириш ҳам самарали кечмайди. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгдан ҳам давлат ёхуд тузумнинг директив қарашларидан ҳам, ёки алоҳида шахс фикр-қарашларидан ҳам фарқ қилади. Жамоатчилик фикри ижтимоий онгнинг ҳосиласи, жамият турли табақаларининг фикр-қарашлари, муносабатларининг реал ва умумлашма ифодасидир. Жамоатчилик фикри муайян ижтимоий-сиёсий ҳолат, турмуш тарзи, иктисодий ўзгаришлар хусусида умумий ёки бир неча хил муносабатларга, мавжуд холатларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлари, муаммонинг ечимига хилоф бўлаётган омиллар борасида эса мутлако қарама-карши ҳамда ўзгарувчан қарашларга эга бўлади. Жамоатчилик фикрининг тез ўзгарувчан табиати ҳам уни ижтимоий онгнинг фаол кисми сифатида характерлайди.

Айни чоғда, жамоатчилик фикрининг ўзгарувчанлик табиатига таъсир ўтказиш уни муайян меъёрларда ушлаб тура олиш ҳамда мақсадли шакллантириш давлат, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш кафолати ҳам саналади.

Мамлакатда амалга оширалаётган барча ислоҳотлар, мақсадли ижтимоий ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни жамоатчилик фикрида намоён бўлади.

Шу боисдан, жамоатчилик фикрини хаотик асосларда, ёхуд инерцион тарзда шаклланишига йул қўйиш кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Тарихда собиқ шўролар хукуматининг сўнгги лидерлари томонидан амалга оширмокчи бўлган қатор лойиҳалар, ижтимоий ўзгаришлар ислохотининг инқирозга юз тутганлиги фикримизнинг далили бўла олади.(масалан, қайта қуриш дастурини амалга ошириш орқали собик сиёсий тузум асосларини мустаҳкамлашга уриниш, Сибир дарёларини буриш, англанган эхтиёжларини шакллантириш, алкоголизмга қарши кураш харакатлари ва х.к.)

Шу боисдан ҳам, ислохотларни амалга ошириш жараёнларини жамоатчилик фикрида кандай намоён бўлаётганлиги, уни кандай шаклантириш, оммани янгиланишлар руҳида тарбиялаш ва энг мухим жиҳатлардан бири бўлган ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари юртбошимизнинг диккат-эътиборида бўлиб келаётганлиги бежиз эмас.

Якин ўтмишимиздан маълумки, шўролар даврида жамоатчилик фикрига хукуматнинг хеч кандай эътирозларга ўрин колдирмайдиган директив кўрсатмалари, махсус сиёсий-назарий йўналишлар орқали узлуксиз равишда таъсир ўтказилиб келинар эди. Бунинг учун эса ўзига хос икки боскичли таъсир услуби амалга оширилар эди. Биринчи боскичда вертикал таъсир услуби, яъни энг юкоридан энг куйи бўғинларгача давлат томонидан режалаштирилган хукмрон фикр тазйики тизимий тартибларда мукаммал дастурлар асосида амалга оширилса, иккинчи боскичда горизонтал таъсир услублари ишга туширилиб, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим тизими муассасалари, жамоат ташкилотларида «буюртма» қилинган сиёсий фикр алохида ижтимоий катламлар онгига мунтазам равишда сингдирилар эди. Ана шу механизмни

ҳаракатга келтириш учун эса давлат тизими марказлашган партия ва турли хил ташаббус гуруҳлари никоби остида мунтазам равишда фаолият юритиб келар эди.

Директив кўрсатмалар таъсири ва тазйиқи остида сиёсий ва маънавий забун бўлган халқ ўз характерида табиий равишда ялпи тазйиқдан ҳимоя стандартларини шакллантирган эди.

Бугунги кунда ана шу услубда, яъни жамоатчилик фикрига режавий тарзда бевосита таъсир ўтказиш амалиёти Хитой, Шимолий Корея, Куба, Ирок сингари мамлакатларда сакланиб турибди. Аммо, ривожланган Ғарб ва Шарқ мамлакатларида жамоатчилик фикрининг билвосита услублари кенг қўлланилиб келмоқда. Бу услуб демократия тамойилларига асосланган бўлиб, асосан оммавий ахборот воситалари, реклама, норасмий лидерлар таъсири, шоу дастурлар ва бошка омиллар воситасида амалга оширилади.

Фукаровий жамиятда инсоннинг ўз салоҳиятларини юзага чиказиш ҳамда ўз-ўзини ҳимоялаш эхтиёжи учун табиий равишда муайян ижтимоий-сиёсий гуруҳларга аъзо бўлиши такоза этилади. Бу эса инсонга ўзи аъзо бўлган жамият, партия оркали ташки вокеликка ижтимоий таъсир этиш имкониятини ҳам юзага келтиради. Ривожланган мамлакатларда жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг умумий (оммавий ахборот воситалари, телевидения, реклама, шоу-дастурлар) ва горизонтал (жамоат ташкилотлари, оила, норасмий лидерлар, корхоналар, партиялар) йўналишлари амал килиб келади. Айни вактда таъкидлаш жоизки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш никоби остида ахборот ҳуружини глобаллаштиришга интилишдан иборат шовинистик харакат ҳам авж олдирилмоқда. Масалан, жамоатчилик фикрини бошкариш деб номланувчи (Publice Relation) тизими оркали Америка Қўшма Штатларида жамоатчилик фикрини махсус шакллантириш борасида 200.000 кишидан кўпрок киши доимий фаолият юритиб келади. Биргина АҚШ мудофаа вазирлиги фаолиятини тарғиб этиш бўйича 15.000 мутахассис ишлайди.

Худди шундай тизим Англия, Франция, Италияда ҳам мавжуд бўлиб, бу мамлакатларда берилаётган ахборотларнинг таъсири, уларнинг аҳолининг турли катламлари орасида ижтимоийлашуви кўламларини ўрганишга ихтисослашган социолог-психолог штатлари амал килиб келади. Мисол учун, Рено заводининг Париждаги илмий лойиҳалаш ва моделлаштириш маркази (марказда 2,5 минг киши фаолият юритади) да 35 кишидан иборат социолог ва психологлар гуруҳи доимий иш олиб боради. Шунга ўхшаш мисолларни бошка кўплаб йирик мамлакатлар ахборот индустрияси иш тажрибаси оркали ҳам кўрсатиш мумин.

Ахборот интевенциясининг бугунги моҳияти тоталитар тузум давридаги давлат ва хукмрон партиянинг директив кўрсатмаларини ахоли онгига тазйиқий сингдириш услубидан фарк килади. Бугунги кунда ахборот тайзики асосан, билвосита услублар оркали, яъни, санъат ва маданият, дин, саноат махсулотлари, таълим тизими оркали амалга оширилмоқда. Ахборот хуружларига карши кураш жамоатчилик фикри социологияси фаннни ривожлантиришни такозо этади. Ўзбекистонда истиклол йилларининг илк даврлариданок жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ана шу реал эхтиёжлар асосида халкнинг маънавий сарчашмалари булокини очиш, ўзлигини намоён

этиш имкониятларини тиклаш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Биринчидан, ана шу ижтимоий жараённи ҳам назарий ҳам амалий ўрганишга мутасадди бўлган социология сохасининг илмий-педагогик асослари таркиб топтирилди. Ўнлаб ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, илмий тўпламлар нашрдан чиказилди. Иккинчидан, социология фанининг илмий-назарий потенциали таркиб топтирилди. Хозирги пайтда Республикамизда 3 та социология фанлари доктори ва 6 та фан номзоди фаолият юритмоқда. Учинчидан, жамиятнинг турли табакалари орасида ижтимоий фикрни ўрганишга ихтисослашган профессионал нодавлат ташкилотлар тизими шаклланди.

Биргина «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида ўтган беш йил мобайнида 103 та махсус социологик сўровлар ўтказилиб 130 мингдан зиёдрок киши тадкикотларга жалб этилди. Агар мамлакатимиздаги ўнлаб ихтисослашган социологик марказлар, ташкилотларнинг мустакил равишда ўтказувчи сўровларига ялпи жалб этилган аҳоли сони тахмин этилса, бу рақам бир неча юз мингдан ошиб кетади.

Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ёйиш оркали ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини умумий бахолайдиган бўлсак, бу жараён бугунги кунда ўзининг фаол шаклланиш босқичида эканлигига амин бўламиз.

Хўш, шаклланиш боскичидан ўтиш ҳолатида кандай сабоқларга социология фани ўз эътиборини қаратиши лозим? Биринчидан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг тизимий холатда эмаслиги,социологик тадкикот ўтказиш ишларининг пировард, якуний максадга қатъий бўйсундирилмаганлиги яъни ахборотга бўлган ижтимоий эхтиёжлар негизида аникланган фикр-хулосаларнинг тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг амалий харакат дастурларига жорий этилмаслиги, иккинчидан, тадкикотларнинг етарли профессионал билим ва махоратга эга бўлмасдан ўтказишнинг одатий холга айланганлиги жиддий муаммолардан саналади. Мисол учун, мамлакатимиздаги жамоатчилик фикрини ўрганишга ихтисослашган «Ижтимоий фикр» марказидан бошка бирор бир социологик тадкикот ўтказувчи ташкилотда социология фани бўйича ихтисослашган, мутахассис социолог олимлар ишламайди. Учинчидан, ўтказилган сўров натижалари турли ахборот воситалари, радио ва телевидения оркали халкка етказилмасдан оммалаштирилмай келинмокда. Бунинг окибатида эса жамоатчилик фикрини ўрганиш иши ижтимоий фикрни шакллантиришдан иборат пировард максадга хизмат қилмай келмокда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов жамоатчилик фикри омилига жиддий эътибор каратиб, мазкур соханинг фукоралик жамиятини барпо этиш ва жамиятни эркинлаштириш борасида катта имкониятлари мавжудлигини бир неча бор таъкидлаганликлари бежиз эмас. Айникса, жамоатчилик фикрини максадли шакллантириш, ахоли турли табакалари онгини эзгулик ғоялари рухида тарбиялаш, маънавият, маърифат, одоб-ахлок тамойилларини устувор мавкеларга кўтаришда социологиянинг ахдмиятига бежиз ургу берилмади.

Жамоатчилик фикри масаласида ўз қарашларинг илгари сурган профессор С.Жўраев мазкур масаланинг бенихоя мухимлигини чуқур асослаб беради. («Халқ сўзи» 2002йил, 19- Октябрь сони) Айни чоғда профессор С.Жўраев «жамоатчилик фикрини ўрганишни давлат даражасида ташкил

этиш» таклифини илгари сурадиган, бизнингча бундай ёндошув бироз бахсли хисобланади. Негаки, ошкоралик ва демократия шароитида жамоатчилик фикрини ўрганишни фақат давлат масъуллиги доирасига кўчирилиши бу жараённинг эркинлигини бўлиши мумкин. Шу ўринда давлатнинг ўрни қандай бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиийдир. Давлат ошкоралик ва демократия шароитида фуқоровий жамият эркинлигини таъминлаш гранти сифатида намоён бўлади. Бу жараёнларда давлатнинг иштироки фақат ташкилий-ҳуқуқий, техникавий, моддий шароитларни таъминлашга кўмаклашиш билан чегараланади. Жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини эса нодавлат жамоат ташкилотлари, партиялар, илмий муассасалар, социологик марказлар бевосита, тўғридан -тўғри амалга ошириб борадилар.

3- гурух учун таркатма материал.

Мамлакатимизнинг ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги потенциали

Хўш, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий фикрни мақсадли шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай потенциалларимиз мавжуд? Ҳозирги кунда Республикамизда 507 та газета ва 157та журнал рўйхати олинган. Пойтахтимизда 5 та телеканал 30 дан ортиқ тахririят оркали кўрсатувлар тайёрланмоқда. Вилоятларда 10 та телестудия фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бутун худудлари радио тулқинлари билан тўла қамраб олинган. Юртимизда 37 та радио махсулотлар таркатувчи марказлар куну-тун иш олиб бормоқда.

Айни чоғда Ўзбекистан ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида 300 мингдан ортиқроқ ўқитувчи педагоглар 300 мингдан зиёдроқ инженерлар ҳамда олий маълумотли кишлоқ хўжалик мутахассисларидан иборат зиёлилар армияси мавжуддир.

Шунингдек мамлакатимизда 12 минг кишидан иборат олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган маданий-маърифий соха ходимлари фаолият юритмоқдалар. Барча вилоят ва туман хокимликлари кошида «Маънавият ва маърифат» марказлари ишлаб турибди.

Хўш, ана шундай потенциаллан кандай фойдаланилмоқда. Таассуфки, мазкур имкониятлардан фойдаланиш холати талаб даражасида эмас. Масалан, Республикадаги 6 минг клуб ва маданият уйлари. 17 минг кутубхона, 320 та музей, 120 та маданият ва истирохот боғларида ишловчи ўн минглаб малакали зиёлилар жамоатчилик фикрини шакллантиришга фаол хизмат қилишлари керак эди. Маданият вазирлиги тасарруфидаги мазкур ташкилотлар, хамиша ҳам туманлардаги маънавият ва маърифат марказлари билан бакамти, уйғун хамкорликда фаолият юритмаётирлар. Шундай килиб жамоатчилик фикрини шакллантирувчи маънавият марказларида мутахассис кадрлар, социологлар, бино, маблағ кам бўлгани холда юзлаб туманлардаги маданият уйлари, клублар аҳоли онгида мунтазам шакллантирилиши зарур бўлган маънавий махсулотни касрдан олишни билмайдилар. Жойлардаги маданий-маърифий муассасалар фаолияти оммага фақат санъат жанрларини тарғиб этиш, ёшларни бадиий хаваскорлик ишларига жалб этиш билан чекланиб қолмоқда. Маълумки, клуб муассасалари, телевидение ёки газеталардан фарқ қилиб, конкрет аудитория,

реал аҳоли гурухлари ўртасида бевосита иш олиб бориш имкониятларига эгадир. Аслида улар аҳоли билан жонли, юзма-юз мулоқотга киришиш, мафкуравий таъсир кўрсатиш имкониятларига кўра бошқа ижтимоий таъсир омилларидан устунроқ мавқега эгадирлар. Бу биринчи муаммо. Иккинчи катта муаммо-бу ўрганилган ижтимоий воқелик, жараёнлар тўғрисидаги ижтимоий фикрни оператив тарзда оммавий ахборот воситалари ҳамда телевидение оркали мунтазам равишда бериб борилмаслигидир.

Социологик тадкикотлар воситасида ўрганилган жамоатчилик фикрининг дахлсизлиги масаласининг нечоғли мухимлигини теран англаш ва уни қадрият даражасида баҳолаш хам мухимдир. Маълумки,. телевидение ёки бошка оммавий ахборот воситалари социологик сўров натижаларидан телевидение ёки газета манфаатлари йўлидагина фойдаланишга интиладилар. Жамиятнинг ҳолис фикри сифатида социологик сўров натижалари минбарлари ташкил этилмаган. Учинчи муаммо жамоатчилик фикрини шакллантиришда миллий менталитет омилидан старли фойдаланмай келаётганмиздир. Маълумки, ўзбеклар табиатан жамоавий халқ бўлишларига қарамай лидернинг ибратига, рахбарнинг, обрў-мартабали шахсларнинг намунасига караб иш қилувчи халқ хисобланадилар. Жамоатчилик фикрини шакллантиришда жойлардаги обрў-эътиборли шахсларга таяниш, уларнинг рухлантирувчи потенциалидан фойдаланиш имкониятига старли даражада эътибор берилмай келинмокда. Яна бир муаммо бу ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар аудиториясидир. Социологик кузатувлар шундан гувоҳлик берадики, ҳозирги пайтда маҳаллалар, туманлар ва хатто ишлаб чикариш корхоналаридаги маънавий-маърифий масалаларга бағишланган мажлисларда аксарият доимий катнашувчи бир хил одамлар гуруҳи таркиб топиб колаётганлиги хам эътиборга олиниши зарур.

4 гурух учун таркатма мтериал

Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари

Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмини йўлга қўйиш максадларида қуйидагилар таклиф этилади;

1. Мамлакатимизда жамоатчилик фикрини факат ўрганувчи эмас, балки уни шакллантириш ишлари билан хам бевосита шугулланувчи олий малакали кадрлар тайёрлаш ишларини кўйиш, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи социология мутахассислигини алохида таълим йўналиши сифатида жорий этиш керакдир.
2. «Истеъдод» жамғармаси оркали Олий ўкув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўкитувчиларни ривожланган мамлакатларда малака оширишлари, хориждаги иш тажрибаларни ўзлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш лозим.
3. Ўзбекистон Фан ва Технологиялар ўкмитаси кўмагида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш мавзуида муаллифлар жамоаси илмий тўпламини тайёрлаш ва нашр эттириш максадга мувофик бўлиб, мазкур ишга Фанлар Академиясидаги ижтимоий фанлар соҳасидаги етук олимлар, олий ўкув юртлари профессор-укитувчиларини жалб этиш соханинг ривожига хизмат килади.
4. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш

борасидаги жамоатчилик фикри ҳолатини оммага етказаётган даврий нашрларга барча ташкилот ва муассасаларни обуна қилишга эришиш ҳам муҳимдир.

5. Ахборот хавфсизлигини маданият ва санъат соҳалари орқали Ўзбекистондаги минглаб клублар фаолиятини жойлардаги маънавият ва маърифат марказлари иши билан уйғунлаштириш, ягона маъмурий бошқарув тизимини йўлга қўйиш кун тартибидаги масала ҳисобланади.
6. Оммавий ахборот воситаларида социологик марказлар томонидан ўрганилган ижтимоий фикр натижаларини оператив тарзда бериб бориш аниқроғи тахririятлар манфаатларига буйсундирмаслик ва уларнинг мазмунини яхлитлигича, бузмасдан эълон қилиш, социологик тадқиқотлар якунларининг даҳлсизлиги ҳусусида шартномалар имзоланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилиб борилувчи «Социолог минбари» рубрикасини жорий этиш зарур. Доимий рубрика эса социологик тадқиқот натижаларини мунтазам равишда кетма-кет бериб боришни тақозо этади. Бу социологияга нисбатан реал таклиф бозорини юзага келтиради. Фан ва соҳа ривожига кенг йўл очилади.
7. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун оммавий ахборот воситаларининг юқори ва қуйи бўғинлари рейтинги мониторингини жорий этиш ва ҳар уч ойда холис социологик марказлар кўмагида мазкур нашрларнинг жамоатчилик фикридаги ижтимоий мавқеи даражасини аниқлаб бориш ҳамда матбуотда оммалаштириш ҳам бугунги кун талабларидан ҳисобланади.
8. Амалдаги социологик марказлар фаолиятини сифат кўрсаткичларини аниқлаш, касб маҳоратларини ошириш мақсадларида, шунингдек янги тузилувчи социологик марказларининг ҳаётда амал қилиши учун доимий фаолият юритувчи Социология илмий-амалий Марказини тузиш ва ана шу Марказда аттестациядан ўтганидан сўнг уларга амалий фаолият учун рухсат лицензияларини олишлари мақсадга мувофиқдир.
9. Социологик марказлар фаолиятларини уйғунлаштириш мақсадларида уларнинг фаолиятларини координация қилувчи "Ўзбекистон Социологлари" миллий ассоциацияни тузишга кўмаклашиш керак.
10. Ахборот ва мафкуравий хуружларга карши фаолият юритувчи туманлар ва вилоятлар ва вилоятлар ҳокимликларида уларнинг мавжуд штатлари рўйхати доирасида социолог штатларини жорий этишни амалга ошириш жоиздир.

Ахборот хавфсизлигини масаласида жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнларида миллий менталитетни ўзгараётган замон *мантиғига мувофиқ равишда ўзгартириш масаласига ҳам алоҳида эътибор* қаратиш лозим. Президентимизнинг «Тафаккур» журнал и бош муҳарририга берган интервьюсида, ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мажлисида сўзлаган нутқларида ва бошқа чиқишларида ёш авлод табиатида шижоат, ташаббускорлик, янгиликка интилиш, ғайратчанлик сингари фазилатларни шакллантириш хусусида тўхталган эдилар. Бу эса миллат менталитета таркибида мустақллик, индивидуал ривожланишга эриша билиш хусусиятларини

ривожлантиришни ҳам табиий равишда такозо эди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, мафкуравий таъсирдан огоҳлик масаласида фаолият дастурларини ишлаб чикиш ва жорий этиш заруратини кун тартибига қўяди.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти халкимизни озод ва обод жамият барпо этиш ишларига қатъий азму қарор, шижоат билан киришишга даъват этмокда. Бунинг учун эса купгина масалалар ечими узимизга боглик, эканлигини теран англамоғимиз, енг шимариб, ғайрат билан ишга киришмоғмиз лозим.

Мавзу бўйича саволлар:

1.Хавфсизлик ҳакида тушунча беринг.Хавфсизликни турлари кайсилар?
2.Ахборот хавфсизлик вазифалари ҳакида тушунча беринг.
3.Ахборот хуружлари ҳакида тушунча беринг.
4.Шахснинг ўз-ўзини ҳимоя килиш воситалари ҳакида тушунтириб беринг.
5.Турли ахборот психологик вазиятларда шахснинг ижтимоий хулки ҳакида гапириб беринг.
6. Мамлакатимизнинг ижтимоий фикрни максадли шакллантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги потенциалини изохлаб беринг.
7.Жамоатчилик фикрини шакллантириш механизмлари кайсилар?

8 – мавзу: Ўзбекистон ОАВ ва жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш.

Режа:

1. Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш ибораларини эшитганингизда фикрингизга кандай сўзлар, иборалар келади. (Аклий хужум) - 5 дакика.

2. Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш учун нималар килиш зарур деб ўйлайсиз? Гурухда бахс, мунозара. (3х4 педагогик технология асосида) -25 дакика.

3. Ўзбекистон ОАВ ва жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш (Кичик гурухларда ишлаш методи оркали) - 35 дакика.

5. Дарсга якун ясаш - 5 дакика.

Машгулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўкув дидактик таркатма материаллар

1. Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш ибораларини эшитганингизда фикрингизга кандай сўзлар, иборалар келади. (Аклий хужум)

2 Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш учун нималар килиш зарурлиги ҳакидаги фикрлар мунозарасини «3х4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гурух 4 та кичик гурухларга бўлинади. Ҳар бир гурух учун бир варак коғоз олиниб, унга Жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш учун нималар килиш зарурлиги хакида 3 тадан гурух фикрини ёзишини хамда, бу фикрлар ёзилган коғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гурухларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гурух эса яна бу ҳакда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гурухга узатиши

лозим. Шу тарзда давом этиб, хар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гурухлар бу фикрларни таҳлил этиб, гурухнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Ўзбекистон ОАВ ва жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш Кичик гурухларда ишлаш учун гурух 3 та кичик гурухга бўлинада ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гурух учун тарқатма материал.

Янги ахборот технологиялари ва ҳозирги замон журналистикаси

Янги юқори ахборот технологиялари ва айникса Интернет глобал миқёсида тубдан янги вазиятни юзага келтирди. Журналистика кишилар, жамият ва давлат ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларнинг шаклланишига тобора кучлироқ таъсир ўтказмоқда. Торонто университетининг профессори Маршалл Макклюэн боразли килиб XX асрнинг 60 йилларида «Глобал кишлоқ» дегани бугунги кунда хақиқатга айланди. Хозирда хакикатдан хам Ер курасининг ахолиси ягона жамоат даражасига келиб қолди. Саноатлашган жамият ўрнини ахборотлашган жамият олмоқда, шунга кўра оммавий коммуникация ва ахборотнинг акамияти беқиёс даражада ошиб кетди.

Компьютер, тезкор телефон, Интернет миллионлаб кишиларнинг турмушига кириб борди. Алоқанинг бундай воситалари журналистнинг фақат доимий йўлдошигина бўлиб қолмай, унинг ўз мехнатида фойдаланалиган асосий қуроли, шунингдек маслахатчиси, кутубхонаси, улкан дунёдаги билимларни ўзида жамлаган электрон энциклопедиясига айланди. Хозирги вактда компьютер ва тезкор телефон алокаси журналистга, у каерда бўлмасин (хаттоки овлоқ оролга тушиб колса хам) саноқли дакикаларда ўз материалларини газета журналларнинг босилаётган сонига етказиш, агар радио ёки телевидение хакида сўз борадиган бўлса, тўғридан-тўғри унда чикиш. Интернет оркали эса жахон бўйлаб таркалган барча фойдаланувчиларга амалда ахборотни етказиб бериш имконини яратади.

Ҳақиқатдан хам, юқори технологияларни ижтимоий ва иктисодий хаётга тадбик этиш суратлари (айни мака шу кўрсатгич хал килувчи кўрсатгич хисобланади) беқиёс даражада ошиб кетди. Янги ахборот технологиялари туфайли журналистика бир катор сифат ўзгаришларини бошдан кечирмоқда. У тобора кўпроқ миллатлараро ходиса тавсифига эга бўлмоқда. Иккинчи томондан журналистнинг имкониятлари хам сезиларли даражада ошмоқда. Айтиш мумкинки юқори технологиялар уни том манода эркин килиб кўйди.

Агар илгари бирор тахириятнинг ижодий ходими ўз аудиториясига мурожат килиши учун вакт, ОАВ каналининг техникавий миконнятлари, нихоят, рахбарият билан хисоблашиши лозим бўлган бўлса, бугунга келиб у мазкур ишлаб чиқариш бўғинларини четлаб ўтиб бу ишни амалга ошириши мумкин. Агар илгарилари кишилар ўз эхтиёжларини ўзларига таклиф этилаётган бирор канал эшиттириши ёки кўрсатиши билан чеклашга мажбур бўлган бўлсалар, бугунга келиб улар ўз хохишларига кўра мазкур программаларни тузишлари мумкин. Шундай килиб янги ахборот технологиялари фақат журналистларгагина эмас, балки аудиторияга хам

эркинлик яратди.

Шу муносабат билан оммавий алоқалар назарияси соҳаси бўйича таниқли Америка олими Уолтер Липпманнинг сўзларини эслаш ўринлидир. «Сиз материал ёзаётган экансиз бу вақтда ўз эркингиз ўзингизда, уни менга топширганингиз хамонок сизнинг эркинлигингиз ҳам бархам топади ва менинг эркинлигим бошланади. Энди қўлёзмангизнинг тақдирини мен хал киламан. Истасам эълон киламан, истасам ахлат яшигига ташлаб юбораман». Бу сўзлар 1922 йилларда айтилган эди. Бу сўзлари билан у ўша давр журналисти эркинлигининг доирасини «чизиб берган эди». Албатта, журналистнинг бошқа иложи ҳам йўк эмас эди, у ўз материалини бошқа таҳririятга бошқа кишига бера олар эди. Лекин хар қандай вазиятда ҳам журналист юқори шахс нуктаи назари ва мавкеига итоатли эди. Бугунга келиб бундай мутелик аста секин йўкка чикмокда.

Янги технологиялар журналист билан тахririят имкониятларини тенглаштиряпти. Шунинг учун уларга хамкорлар сифатида караш лозим бўлади. Бундан ташкари бугунги кундаги журналистиканинг ривожланиш даражаси кичкинагина газеталар ёки махаллий радио ҳамда телевидение ижодкор ходимининг имкониятларини йирик миллий оммавий ахборот имкониятлари билан амалда тенглаштириб қўйди. Айни мана шу ва баъзи бошқа вазиятлар журналист ва журналистиканинг жамиятдаги ўрни ва ахамиятини қайта тасаввур этиш заруратини тақазо этмокда. Хозирги пайтда журналистика инсоният ривожланиши учун амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни бажаришда ўз имкониятларини янада якколрок намоён килмокда.

Социологлар таъкидлашича, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий маълумотлар канча кўп тўпланса жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ривожланиши шунчалик жадаллашади. Зеро, журналистика шундай маълумотларни йиғиш, ишлаб чикиш, тартиблаштириш ва тахлил килиш билан шуғулланади, бундан шундай хулоса келиб чикади: журналистиканинг сифати канча юкори бўлса, у ўзига юклатилган вазифани тўлаконли адо этса, жамият ривожи самарали ва мунтазам давом этади, давлат институтлари ва хукумат тузулмаларининг бошкаруви, ижтимоий ривожланиш истикболларини башоратлаши тўлаконли бўлади ва бундай режаларни окилона ишлаб чикади.

Яна бир нарса эътиборга сазоворки, хозирги пайтда жахон микёсида турли йўналишдаги газета ва журналлар микдори сезиларли даражада кўпайди. Оммавий алоқа бўйича таниқли мутахассис Майкл Коннифф XX аср охирларидаёк Америка кундалик газеталарининг умри санокли колди деб таъкидлаган эди. Энди бўлса унинг ўзи «манзара бутунлай ўзгарди» демокда. Газеталар истемолчиларга янгиликлар, тижорат хабарлари – аудио матнлар ёзувини тақдим этиб электрон–ахборот инкилобининг олдинги сафида бормокда. Уларнинг материалларидан махаллий телефон эгалари, хонаки компьютерлар дисплейига янгиликлар узатилгудек бўлса телефон абонентлари видеотекстлардан фойдаланишлари мумкин ва хатто электрон ахборот визуал унсурига киритувчини улаши мумкин бўлган «кўпайтирувчи ахборот воситалари» хизматидан фойдаланиш мумкин. Анъанавий вактли матбуот билан бир каторда онлайн журналистикаси ҳам пайдо бўлди ва самарали

фаолият кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда хозирдаёқ юзлаб газета ва журналлар мавжуд, улар жамоатчилик фикрини шакллантириш жараёнига сезиларли таъсир ўтказмоқда.

Бу жараён бундан буён ҳам тобора кучайиб боради. «Майкрософт»нинг яратувчиси Билл Гейтс яқин кунларда ҳар бир киши компьютерли бўлади ва Интернетга кира олади, ушбу техникани харид килиш дарсликни сотиб олишдан кўра фойдалироқ бўлади ва арзонга тушади.

Аудиториянинг бирор муаммо бўйича жами фикрлар ва бахолар мажмуини кўлга киритиш имконияти замонанинг тантанаси бўлиб колади. Шунинг учун ким чаккон ишласа у ходисаларни назорат кила оладиган ва уни йўналтирувчи бўлади. Агар кайсидир соха ОАВ назоратидан четда колса. Мазкур бўшликни турли миш-мишлар, ғийбатлар, уйдирмалар ва чалғитувчи фикрлар эгаллайди. Бунда оммавий ахборот каналлари ҳам шуларни таркатувчилар бўлиши ҳам мумкин. Амалда бундай «ношудлик»дан чет эллик ракиблар фойдаланиб коладилар ва дархол мазкур бўшликни тўлдирадилар.

Шу билан бирга айтиш жоизки, ахборот технологиялари ҳаётимизда гарчи ижобий ахамиятга эга бўлсада улар нопок шахслар ёки гуруҳлар кўлига ўтиб колиши мумкин, хатто бузғунчилик билан шуғулланувчи кучлар кўлига давлат тузилмалари ҳам тушиб колади. Матбуот омма фикрини чалгитиш билан шуғулланиши алла качон аён бўлган, бу ҳакда ранг-баранг адабиётлар етарлича мавжуд. Сўнгги пайтлардаги ходисалар ҳам бундан яккол далолат беради. АҚШ конгрессида бўлган охирги сайлов олди тадбирларини эслаш кифоя. Биргина ходиса – Ирокдаги ҳарбий тадбирлар республикачилар ва демократлар томонидан турлича талкин этилмокда.

Интернетда тўпланаётган, ҳатто яратилаётган турли хил бўхтонлардан иборат махсус сахифалар ва порталларни эслатиб ўтиш максадга мувофикдир. Улар бирор сиёсатчи, давлат арбоби, ёзувчи, олим, бир сўз билан айтганда – VIP шахс хусусида бўлади.

Юкорида айтилганлар оммавий ахборот воситалари жамият хаётида канчалик мухим ўрин тутиши, бошкарув тузилмалари ва оддий фукаролар уларга кандай ишонч билдиришини яна бир карра тасдиклайди. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас.

2-гурух учун таркатма материал.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва жамият психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари.

Мустакиллик эълон килинган кундан бошлаб жамиятимиз ва давлатимиз матбуот, радиоэшиттириш, телекўрсатув ривожига катта эътибор каратиб келмокда. Агар 1990 йиллар бошида республикада 200 вактли матбуот бўлган бўлса, бугунга келиб улар 1000 якинни ташкил этади. Шу жумладан, матбуот: 680 таси газета, 194 таси журнал ва журнал тарзидаги нашрлар, 4 миллий телерадиокомпания 34 теле ва радио студия, 7 кабел аудио кўрув оммавий ахборот воситаси, 4 ахборот агентлиги: ЎзА, Жахон, Туркестан Пресс, Коракалпок ахборот агентлиги.

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон Интернет глобал тармогига уланди. 2006 йилга келиб мазкур умумжахон тўридан фойдаланувчилар сони бизда 855 мингга етди, тезкор алока абонентлари сони эса 1 млн 150 минг нафарни

ташкил этди.

Ҳозирги пайтда кўпгина оммавий ахборот каналлари Интернетда ўз сахифасига эга. Электрон газеталар ҳам пайдо бўлди. Қисқача қилиб айтганда, ОАВ ларимизнинг жаҳон журналистика тизимига кириб бориш жараёни юз бермоқда. Эндиликда хорижий ОАВ лар билан бизнинг аудиториямиз боғланибгина қолмай, балки чет элдаги аудитория ҳам интернет оркали бизнинг газета ва журналларимизни ўқиши, радиомизни тинглаши, телекўрсатувларимизни томоша килиши мумкин. Бошкача айтганда бу ҳол бизнинг жамиятимизни анча очиқ ва равшан жамиятга айлантириши мумкин. Чет элдаги кизикувчи институтлар ва доиралар энди бизда юз бераётган вокеа ва ҳодисаларни ўзлари баҳолаши, ўз башоратларини яратиши, жамиятимиз ривожининг қандай боришини белгилашлари мумкин.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари турмуш тарзининг барча жабҳаларига чукур кириб боришига интилишлари, кишиларни ташвишлантираётган, уларда кизиқиш уйғатаётган томонларни эътибордан четда колдирмасликка интилишлари зарур. Матбуот ўз мавзулари доирасини кенгайтириши керак. Аудиторияни фақат нарх навонинг кўтарилиши, пулнинг кадрсизланиш даражаси ёки ўзбек эстрадасининг ёркин намоёндаларининг хаётигина эмас балки бизнинг сиёсатчиларимиз, жамоатчиларимиз ва давлатимиз арбоблари қандай яшашлари, ишлашлари ва дам олишлари кизиктиради. Бунда уларнинг пардоз берилган ёки сайкал тортилган портретларинигина эмас, жуда бўлмаса уларнинг бироз бўлсада хакиқий киёфалари, нималарга қодирликлари ва қандай камчиликлари борлигини кўришни ҳам истайдилар, яъни тирик инсон сифатида кандайликларини билишни хохлайдилар.

Таассуфлар бўлсинки ОАВ ларимизнинг аудиторияси нихоятда сусткаш. Тўғри, улар тахririятларга ёзадилар, журналистлар билан ўз кувончлари ва ташвишларини «бахам кўрадилар». Аммо шу билан бирга улардан кўп нарсани кутмайдилар. Аудитория жамиятимиз хаётидаги унинг имкониятлари ва ахамиятини унчалик юкори баҳоламайди. Кўринадики, матбуот ўз хаётини, аудитория эса ўз хаётини бошдан кечиради. Ҳар икки томоннинг манфаатлари мос келганлигини биз кўп ҳам кўрмаймиз. Токи, матбуот жамиятни кўзғатишга, уни фикрлаш сари бошлашга, унинг виждони бўлишга интилмас экан, у хеч качон хохланганлик макомини ололмайди.

Матбуотимизнинг ўзига хос жихатларидан бўлиб унинг бир ёкламалилиги ягона мундарижага эгалиги хисобланади, гарчи номи хар хил бўлсада, бир колипда.

Матбуотимизнинг бугунги ахволига баҳо берилар экан у билан бевосита алокадор бўлган ҳар бир киши унинг асосий камчилиги бўлиб ҳар бир журналистнинг ўз менида мустаҳкам жойлашиб олган ички назоратчи (цензор) мавжудлигидадир деб ҳисоблайди. Шунга кўра у, яъни журналист атрофга аланглаб, кўркув хиссини туйиб ишлайди, ўзини асрашлик инстинкти доимо уни идоравийлик нуктаи назаридан келиб чиқиб ишлашини таъкидлайди. Бундан кутилиш учун жамият хаётда фақат ижобий томонларнигина топадиган журналистларнигина эмас, балки бирор азму қарорнинг тўғрилиги ҳусусида шубҳасини ифода эта оладиган журналистни ҳам табриклаши, қўллаб

кувватлаши керакка ўхшайди. Балки шундай журналистларни кўпроқ рағбатлантириш лозимдир ва буни барча даражада амалга ошириш фойдадан холи бўлмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов Республика Олий Мажлиси хар икки палатасининг 2005 йил 28 январида бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги ўз нуткида шундай деган эди: «Халкимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган вокеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва боқарув тузилмалари фаолияти хакидаги танкидий фикрларни, ислохатлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсик бўлиб турган нуксонлар, хаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал тахлилий материалларни кутади».[11]

Мавзу бўйича саволлар:

1. Янги ахборот технологиялари ва ҳозирги замон журналистикаси ҳақида тушунтириб беринг.
2. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланганлиги ҳақида тушунча беринг.
3. Жамият психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳақида изоҳлаб беринг.

[11] **И.А. Каримов бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Тошкент «Ўзбекистон» нашриёт матбуот ижодий уйи 2005. 52-бет**

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.: "Ўзбекистон", 2000. 23-24 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: "Ўзбекистон", 1998. 31–261 б.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон. Ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. Т.: "Ўзбекистон", 2005. 174–222 б.
4. Миллий истиклол ғояси. Т., "Ўзбекистон", 2005.
5. Миллий истиклол ғояси: 50 савол ва жавоб Т., "Ўзбекистон", 2002.
6. Законодательные акты Р.У, составляющие правовую основу государственной политики в информационной сфере.
7. Бегматов. А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши Т.: "Шарк", 2000.
8. Безопасность человека/Под ред. Шершнева Л.И- М., 1994
9. Грановская Р.М. Элементы практической психологии. –Л.: ЛГУ, 1984. - 392 б.
10. Грачев Г. В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты // М., 1998.
11. Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. — М., 1997.
12. Ижтимоий психология: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т., 2007.
13. Ижтимоий психологик тренингдан практикум. //Муаллифлар жамоаси. М.Абдуллажонова ва б. – Фарғона, 2003 й.
14. "Иктисодий ва ахборот хавфсизлик замонавий муаммолари" мавзуидаги ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами (20 дек. 2005 й.). Нашр учун масъул Н. Бахадиров. Тошкент.: ЖИДУ, 2006 – 137 б.
15. Информация. Дипломатия. Психология. М.:«Известия», 2002 - 616 б
16. Искандаров Э.А.Аминова М.А Очик ахборот тизими шароитида талаба ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ижтимоий психологик томонлари //«Таълим тизимида талаба ёшларнинг ғоявий, мафкуравий тарбияси ва уларнинг уйғунлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Сам-д,2007 69-84 бетлар
17. Калмыков А.А., Коханова Л.А. Интернет-журналистика. М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2005
18. Калмыкова Е.С. Механизмы психологической защиты и их роль в развитии личности. /Методологические и теоретические проблемы современной психологии. — М.,1988
19. Каримова В., Акрамова Ф. Психология. Маърузалар матни. – Т., 2002.
20. Каримова В.М. «Ижтимоий психология асослари» - Т., Ўқитувчи, 1994.

21.Каримова В. М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» - Т., Университет, 1999.
22.Каримова В. М. Психология. Ўқув қўлланма. - Т., 2002.
23.Костюк В. Н.. Информация как социальный и экономический ресурс // М., 1997.
24.Котик М.А. Психология и безопасность. -- Таллин., 1987
25.Лопатен В. Н. Информационная безопасность в России. Изд. МВД России и Санкт-Петербургского университета. 2000 – 3116.
26.Сиберт Ф.С., Питерсон Т., Шрамм У. Четыре теории прессы. -М.: 1998.
27.Хозиков. В. И. Информационное оружие. Санкт-Петербург. Издательский дом «Нева», 2003.
28.Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. – Фарғона, 2000. – Б. 37
29.Харрис Дж. Психология массовых коммуникаций. -М.: 2001.
30.Чазов А.В. Ценности как фактор формирования политических предпочтений. Политический анализ.-СПб.: 2000.
31. Чалдини Р. Психология влияния. - М., 2000.
32.Щерба Н.Н. Безопасность человека. Безопасность общества. — Санкт-Петербург, 1994
33.Ярочкин В. И. Информационная безопасность. Учебник для студентов ВУЗов М.: Фонд «Мир», 2003 – 640 б.

Интернет сайтлари:
www.press-servis/ .uz.
www. Gov.uz.
www. Iscs.uz
www. Edu.uz.
www. Ziyo net. Uz
www. Typ.uz
www. Uza.uz
www.jahon.tiv.uz.
www.press-uz.info.
www.uzreport.com.
www.gzt.uz

МУНДАРИЖА:

Кириш.....3

1-мавзу: "Очиқ ахборот тизимда ахборот-психологик хавфсизлик"курси предмети ва вазифаси, таянч тушунчалари. Ахборот ва жамият ривожланиши.....8

2-мавзу: Ахборот маконининг глобаллашуви. Замонавий очиқ ахборот тизимнинг тавсифи.....24

3-мавзу: Шахс, жамият, давлатнинг ахборот-психологик хавфсизлиги учун таҳдид манбалари ва турлари.....33

4-мавзу: Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва ахборот кураши.....40

5-мавзу: Ахборот сохасида хавфсизлик тизимнинг тузилиши.....50

6-мавзу: Ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг вазифалари, асосий йўналишларива усуллари.....57

7-мавзу: Очиқ оммавий ахборот тизими шароитида шахснинг психологик ўз-ўзини химоя килиши. Жамиятнинг ахборот-психологик химояси ва жамоатчилик фикри.....61

8-мавзу: Ўзбекистон ОАБВ ва жамият ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш.....76

фойдаланилган адабиётлар:.....82

Мундарижа:.....84

СамДЧТИ таҳрир – нашриёт маркази:

Таҳрир нашриёт бўлими бошлиғи – **Эшқобилов А.К.**
Тех. муҳаррир – **Бердиев К. Б.**
Муҳаррир – **Очилова С.**
Саҳифаловчи – **Сайфуллаев Ш.**
Дизайнер – **Билялов И.**

Босмага рухсат этилди. 22. 04. 2008 й. Офсет қоғози. ҳажми 5,6 б.т.
Буюртма . Адади 200 нусха. СамДЧТИ босмахонасида чоп этилди.